



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг  
йигирма йиллигига бағишланади

# ЮРТНИ СЕВМОҚ САОДАТИ

САМАРҚАНД БАЁЗИ

«ТАФАККУР ВО‘СТАНИ» НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ – 2011

84 (5Ў)6

Ю82

**Юртни севмоқ саодати:** Самарқанд баёзи / Таҳрир кенгаши Ф. Тошев [ва бошқ.]. – Т.: Tafakkur bo‘stoni, 2011. - 216 б. – (Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланади).

И. Тошев, Фармон/[ва бошқ.]

**ББК 84 (5Ў)6**

**УДК: 821.512.133-1**

### **ТАҲРИР КЕНГАШИ:**

Фармон ТОШЕВ, Хўжақул МУҲАММАДИЕВ,  
Хосият БОБОМУРОДОВА, Дилором САЛОҲИЙ, Ориф ҲОЖИ,  
Жумагул СУВОНОВА, Ҳасан НОРМУРОДОВ,  
Амрилло АҲМЕДОВ, Алишер НОРБОЕВ.

*Ушбу китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
Самарқанд вилоят бўлими ва вилоят «Zarafshon» газетаси  
таҳририяси ижодий жамоаси томонидан тўпланиб,  
нашрга тайёрланди.*

**Нашир учун масъул:**  
**Исомиддин ПЎЛАТОВ**

Хурматли китобхон!

Ушбу мажмуа аввало Зарафшон воҳаси ижодкорларининг она-Ватанга беназир муҳаббати ифодасидир. Иккинчидан, бу китобнинг чоп этилиши самарқандлик адиблар фаолиятидаги янги жўшқин жараёнга дебоча ҳам. Чунки 2011 йил 3 июн ойида Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимига Самарқанддаги энг гўзал бинолардан бирининг таъмирлаб, топширилиши жамоатчилик томонидан муҳим воқеа сифатида эътироф этилди.

Хуллас, Ватан мадҳига бағишланган бу баёз шоирларнинг бу гамхўрликка жавобининг ифодаси сифатида ҳукмингизга ҳавола этилаётир.

№1853-6653

**ISBN 978-9943-362-45-1**

© «TAFAKKUR BO‘STONI» нашриёти, 2011.



*Менинг фикримча, ёзувчилик бу – оддий касб эмас, Худо берган истеъдоддир. Бу – қисмат, пешонага ёзилган тақдир. Бу касбга ҳеч қаерда ўқитиб, ўргатиб бўлмайди. Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичида бўлиши, ўз халқи билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаши, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишидир.*

***Ислом КАРИМОВ.***







## **Зойир МИРЗАЕВ**

*Самарқанд вилояти ҳоқими, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлис Сенати аъзоси*



## **ТАЪРИФЛАРГА МУНОСИБ ЗАМИН**

XX асрнинг охирги ўн йили биз учун ниҳоятда шиддатли жўшқин кечди, десам хато бўлмас. Негаки халқимиз ана шу ўта нозик, шу билан бирга суронли лаҳзаларда Муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ўз эркини қўлга киритди, мустақилликка эришди ва ўз тараққиёт йўлини белгилаб олди.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, «1991 йил 31 август санасида қўлга киритилган миллий мустақиллик – XX асрда халқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунасидир».

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг бешта асосий тамойили тараққиётнинг «Ўзбек модели»га асос солди. Бинобарин, ана шу ўзига хос тамойилларнинг эволюцион тарзда, босқичма-босқич амалга оширилиши, бу борада ўтказилган пухта ислохотлар пировардида халқимизнинг маънавий юксалишига ҳам замин яратди.

Яна ҳам тушунарлироқ қилиб айтсак, мамлакат аҳолисининг маънавий, маданий савиясини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Қабул қилинган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ана шу эзгу мақсадга қаратилди.

Мамлакатимизда миллий кадриятларнинг тикланиши, улuf алломалар юбилейларининг ўтказилиши халқнинг тарихий



Меросимиздан тўлароқ бахраманд бўлишига имкон яратди. Мустақиллик даври адабиёти ана шу шароитда шаклланди. Буюк шоир ва ёзувчилар, мутафаккирлар асарларининг оммабоп тарзда чоп этилиши туфайли адабиётимиз дунё тан олган анъаналар заминида ривожланиб борди.

Шуни айтиш керакки, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимиз раҳбари бадий адабиёт тарғиботига, адабий жараёнларни янада ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келмоқдалар. Биргина вилоятимиз миқёсида оладиган бўлсак, ҳар йили бадий ижодга оид турли танловлар ўтказилади.

Халққа манзур асарларнинг, айниқса ёш ижодкорларнинг биринчи китоблари имтиёзли чоп этилиши, ўқув юртларида янги китоблар тақдимотларининг ўтказилиши, энг иқтидорли кизларга Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани ва «Келажак овози» танлови ижодкорларга қанот бағишламоқда.

Етти иқлимда «Ер юзининг сайқали» деб ном олган Самарқанд азал-азалдан илм-фан ўчоғи, маърифат бешиги ҳам бўлган. Эндиликда дунё кутубхоналарида ноёб маънавий дурдоналар сифатида эъзозланаётган кўплаб асарлар айнан ана шу кўҳна заминда яратилган. «Самарқанд Мовароуннахрнинг олиму фузало, адиблари йиғилган шаҳар бўлиб, уларнинг энг машҳури Самарқандда таълим ва тарбия олиб камолотга эришганлар», деб ёзганди Х асрда яшаган араб сайёҳи Абулқосим ибн Ҳавқал.

Хусусан, теурийлар салтанати даврларида илм аҳли, шоирлар Самарқандда яшаб-ижод қилишни ўзлари учун катта шараф, деб билганлар. Ҳатто ҳазрат Алишер Навоий бир неча йил устози Абу Лайс Самарқандий билан ёнма-ён ижод қилган.

Мустақиллик шарофати билан олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида Зарафшон воҳаси адабий муҳитида ижод қилган яна кўплаб алломалар номи маълум бўлди. Уларнинг бебаҳо асарлари жамоатчиликка ҳавола этилди. Бу ҳақда вақтли матбуотда материаллар берилгани сабабли биз такрор-



лаб ўтирмадик. СамДУ профессори С.Мирзаевнинг «XX аср ўзбек адабиёти» китоби Москвада рус тилида чоп этилиши мустақиллик даври адабиёти моҳиятини тарғиб қилишда муҳим воқеа бўлди. Самарқанд чет тиллар институтида шаклланган таржима мактаби туфайли беназир адабиётимиз намуналари ўнга яқин тилларга таржима қилиниб, дунёга тарқатилмоқда.

Ўзбек миллий матбуотининг тамал тоши ҳам Самарқандда қўйилган, десак хато бўлмас. Негаки, Маҳмудхўжа Бехбудий ва Саидризо Ализода 1912 йилдаёқ «Самарқанд» газетаси орқали ўзбек тили софлиги учун курашдилар. Биринчи ўзбек драмаси «Падаркуш» Самарқандда яратилди.

Кувончлиси шундаки, барча замонларда воҳа адабий муҳитининг умрбоқий анъаналари собитлик билан давом этди.

Айниқса, мустақиллик йилларида кўҳна замин адабиёти янгича мазмун ва моҳият билан бўй кўрсатди. Адиблар замон билан ҳамнафас, халқ билан бирга бўлиш баробарида сўз санъатининг барча жанрларида самарали ижод қилишиб, ижтимоий фаолликда юртдошларга ибрат кўрсатмоқдалар. Шу туфайли маҳалла ва олис қишлоқлардаги адабий мулоқотларга одамлар катта иштиёқ билан ташриф буюрадилар. Китоб дўконлари сони ҳам йил сайин кўпайиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида ёзувчининг эркин ижод қилишига шарт-шароит яратиш, яхши асарларни рағбатлантириш, иқтидорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, умуман, ижод аҳлига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу сабабли самарқандлик ижодкорлар бошқа касб эгалари қатори Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган куннинг 20 йиллигини ўзгача иштиёқ, ғурур, ифтихор билан қарши олмақдалар.

Вилоят ҳокимлиги адибларимизга эркин ва жўшқин ижод қилишлари учун шарт-шароит яратиш, уларни ижтимоий ҳаётга фаол жалб этиш, айниқса ёш ижодкорларга ғамхўрликни янада кучайтиришга эътибор бермоқда. Адибларнинг бево-



сита жойларга чиқиши, мулоқот уюштириши, қаҳрамонлари ҳаётини ўрганиши учун имкониятлар яратилмоқда.

Мухтарам Юртбошимизнинг Ёзувчилар уюшмаси фаолияти самарадорлигини ошириш борасида 2009 йилда билдирган таклифларига биноан уюшманинг вилоят бўлимига Самарқанд шаҳрининг энг кўркем жойидан ҳашаматли бино ажратилди. Бино замонавий тарзда таъмирдан чиқарилиб, жиҳозланиб адиблар ихтиёрига берилди. Бу ерда ҳозир мустақилликнинг 20 йиллиги олдидан турли адабий-бадиий давралар уюштирилмоқда.

Ушбу тўплам нафақат адиблар, балки адабиёт ихлосмандлари учун ҳам ажойиб совға ҳисобланади. Самарқандлик ижодкорлар она-Ватанга, эркин ҳаётга, бунёдкор халқимизга бўлган улкан ҳурмат-эҳтиромлари, меҳр-муҳаббатларини жўшқин сатрларда ифода этганлар. Буни воҳа қалам аҳлининг сайланмаси сифатида ҳам қабул қилиш мумкин.

Ишончим комилки, самарқандлик шоирлар мухтарам Юртбошимизнинг «Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор» рисоласида кўйилган вазифаларни қалбан ҳис этиб, бундан кейин ҳам ҳаётимизнинг қайноқ жабҳаларида бўлиб, инсон қадрини мадҳ этувчи, элимизни эзгуликка чорловчи асарлар яратаверадилар.





## **Абдулла ОРИПОВ**

*Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон  
Халқ шоири*



### **ЯНГИ «САМАРҚАНДНОМА»ЛАР ЯРАТАДИГАН ЗАМОН КЕЛДИ**

Шубҳасиз, Самарқанд қадимдан юртимиздаги буюк ва бетакорор шаҳар ҳисобланади. Уни ҳар қанча таърифласак ҳам озлик қилади. Бу кўҳна заминда не-не улуғ зотлар руҳлари кезиб юрибди. Ҳар гал қадимий шаҳарга борганимда ана шу улуғвор руҳлар ичра қоламан. Улардан маънавий куч-қувват оламан. Бу ўлмас маънавий хазина шууримга янгича маъни, фикримга тиниқлик, кўзларимга теранлик бахш этади.

Ҳозир ҳам шундай. Самарқандга келсам, чексиз ҳайрат ичра қоламан. Ҳар гал улкан эврилишлар, бунёдкорлик устидан чиқаман. Хусусан, кейинги йилларда бу ерда амалга оширилган ишлар туфайли шаҳар қиёфаси янада жозибали бўлди. Равон кўчалар, замонавий иншоотлар унинг ҳақиқатдан ҳам Рим каби буюк шаҳарлардан қолишмаслигини кўрсатиб турибди.

Айниқса, Регистон атрофидаги Йўлбарслар хиёбони, ҳазрат Алишер Навоий номи билан аталувчи истироҳат боғи, қайтадан қурилган расадхона, Мирзо Улуғбекнинг янги ҳайкали – буларнинг барчаси Самарқанд мустақиллик йилларида нафақат кўҳна, балки замонавий шаҳар сифатида юксалаётганининг нишонасидир. Бу эзгу ишларни воҳа аҳлининг ўзига хос жасорати, юртга фидойилиги намунаси дейиш мумкин.



Мен бу улуғ масканни Ўзбекистондай табаррук юртга Юртбоши етказиб берган замин сифатида кадрлайман. Айнан ана шу мухтарам инсоннинг оқилона сиёсати ва бевосита раҳнамолигида Самарқанд республикадаги бошқа шаҳарлар каби таракқиётга йўл тутмоқда.

Самарқанд шу пайтга қадар буюк ижодкорлар томонидан мадҳ этиб келинган. Ва у бундай шарафга муносибдур. Аммо, назаримда, энди мустақиллик йилларида бетакрор чирой очган, қайта кашф этилган улуғ маскан шаънига янги «Самарқанднома»лар ёзадиган замон келди.

Ушбу янги битикларни ана шу беназир ва танти юрт аҳлига ҳада этаман.

### ЙИГИРМА ЙИЛ

*Йигирма йил йўл босиб,  
Маккага етган каби.  
Юраклардан дард, алам,  
Армонлар кетган каби.*

*Ёхуд тинмай шунча йил  
Ҳикмат конин қазгандай.  
Йигирма йил бир шоир  
Шоҳ асарин ёзгандай.*

*Қул босган ўчоқлардан  
Чиққан каби ўт-олов.  
Қўл етмас чўққиларга  
Қадалгандек туг-ялов.*

*Ёки эккан ниҳолинг  
Айлангандек чинорга.  
Номанг этиб боргандек  
Олисдаги нигорга.*

*Йигирма йил – уфққа  
Ташланган кўприк мисол.*



*Ва ёки чашиминг узра  
Саф тортган киприк мисол.*

*Жой талашар муттасил  
Оқшом билан саҳар ҳам.  
Дуч келгайдир ҳамиша  
Зафар билан хатар ҳам.*

*Карвон ўтди, гўёки  
Қашқир юрмас чўллардан.  
Йигирма йил тап тортмай  
Довуллардан, дўллардан.*

*Арслонларнинг наъраси  
Қутқу солса басма-бас.  
Сувараклар аҳли ҳам  
Тинч турганмас бир нафас.*

*Довонлардан шу тахлит  
Ғолиб ўтган карвон бу.  
Йигирма йил зил юкни  
Олиб ўтган карвон бу.*

*Бисотида бор унинг  
Асли башар закоси.  
Аждодлар армонию  
Авлодлар муддаоси.*

*Эрк деб жангда ўлганнинг  
Ёди ҳам у биландир.  
Адолат деб кетганнинг  
Доди ҳам у биландир.*

*Унда не-не гулианнинг  
Таровати – атри бор.  
Гўдакларнинг кулгуси,  
Шоирларнинг сатри бор.*



*Унда мушфиқ шу Ватан  
Камолотин кўргайдир.  
Саксон ёшли пирлар ҳам  
Йигирмага киргайдир.*

*Кимларгадир ёқмадик,  
Кимларгадир ёққанмиз.  
Не бўлса ҳам, она юрт  
Жамолига боққанмиз.*

*Сарбон ҳаққи, нор ҳаққи,  
Тоғдай баланд ор ҳаққи.  
Шундай элнинг то абад  
Тўй қилишига бор ҳаққи.*



## **Хосият БОБОМУРОВОДА**

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими*



### **КЎҲНА САМАРҚАНД**

*Карвонлар келарди етти иқлимдан  
Шоҳилар, чиннилар ортишиб той-той.  
Боглари жаннатдан нусха кўчирган,  
Егани бол бўлган, тишлагани мой.*

*Тиланмаган ҳеч ким дунёни, эркини,  
Гадолар бой бўлган бу юртга келиб,  
Богбонининг қизи малика бўлган,  
Чўрилар ой бўлган бу юртга келиб.*

*Аёлин ҳуснидан ой хижолатда,  
Ақлига тан берган шоҳи, доноси,  
Ҳеч қурса хон бўлган туққан ўғили,  
Ҳечса донишиманднинг бўлган онаси.*

*Шоҳлари мард бўлган, юрт олар бўлса,  
Бутун ер юзини олган мўлжалга.  
Эрлари мард бўлган, гар севиб қолса,  
Икки шаҳар берган бир дона холга.*

*Дунёни беш юз йил ўқитиб ётган  
Алишер бу юртга таҳсилга келган.*



*Мангуликдан мангу шундай буюк зот  
Самарқандни азиз меҳроб деб билган.*

*Жаннат кўкартгани камдай тупроғи,  
Кўксига муқаррам бошларни олган.  
Жонин берсалар ҳам ўзга юртларда,  
Шоҳларнинг жасади шунда кўмилган.*

*Бу тупроқда метин бардош бўлмаса  
Жаҳонгир Темурни қандай қучарди?  
Балки Улугбекнинг хаёли бирлан  
Юлдузларга томон қушдай учарди.*

*Бу тупроқда агар бўлмаса бир сир,  
Хўжа Аҳрор Валий бош қўярмиди?  
Бибиҳоним йиғлаб кўзига суртиб,  
Орзуларин айтиб ёш қўярмиди?*

*Хизир назар солган дуо кетган юрт,  
Қўшиққа айланур ҳар азоб, ҳар дард.  
Шу юрт деб яшасанг, ўлсанг арзийди,  
Икки дунёда ҳам битта Самарқанд!*

## **ВАТАН ЯГОНАДИР, ВАТАН БИТТАДИР**

*Дерлар ширин сўзнинг гадолари кўп,  
Ёниб турган кўзнинг адолари кўп.  
Юртлар бор, ҳаттоки худолари кўп,  
Ватан ягонадир, Ватан биттадир!*

*Кездим, ки дунёнинг йўллари узун,  
Фаҳми ноқисларнинг қўллари узун  
Аммо барчасининг кўрари кўзи:  
Ватан ягонадир, Ватан биттадир!*

*Кимдир дўстларини сотиши мумкин,  
Кимдир ўзига ўқ отиши мумкин.*



*Ўқ ўтмас қалъанинг борлиги ҳам чин,  
Ватан ягонадир, Ватан биттадир!*

*Ватан деб Ватандан кетганлар айтсин,  
Соғинч ёқасидан тутганлар айтсин.  
Пушаймонлик захрин ютганлар айтсин,  
Ватан ягонадир, Ватан биттадир!*

*Нега учган қушлар қайтади бот-бот,  
Қозигини излаб келар учқур от.  
Дунёда бор бўлсин меҳр-оқибат,  
Ватан ягонадир, Ватан биттадир!*

*Менинг Темур бобом – Соҳибқироним,  
Қонидан қўшилган бир қошиқ қоним,  
Асрларни енгиб келган бўроним,  
Ватан ягонадир, Ватан биттадир!*

*Ер юзин қаратган кўркам Самарқанд,  
Қирқ йил шоҳи бўлган Улуғбекдай мард.  
Кўксимдаги қувонч, кўксимдаги дард –  
Ватан ягонадир, Ватан биттадир!*

*Биров бор боласин ташлаб кетади,  
Биров бор онасин ташлаб кетади.  
Аммо Ватан ташлаб кетмас ҳеч қачон,  
Ватан ягонадир, Ватан биттадир!*

*Нега томиримга сизмай борар қон,  
Эрларнинг жони ўн, меники қирқ жон.  
Бер, деса барини қилайин қурбон,  
Ватан ягонадир, Ватан биттадир!*



## АТИРГУЛЛАРИМ

*Остонанг ортида ётибди сўлиб,  
Сен учун келтирган атиргулларим.  
Ҳар гал ўтганингда қўяр интилиб,  
Тўнингни барига етмас қўллари.*

*Ҳар ўтган меҳмонга боқар ҳасратда,  
Гаплашигиси келар юраги бетлаб,  
Бу гулнинг номи йўқ аммо рўйхатда,  
Ўтолмайди сира остона ҳатлаб.*

*Ҳамма бир-бирига меҳр изҳор қилар,  
Гул каби очилиб борарлар ҳар дам.  
Гарчанд қўлларингдан тутгиси келар,  
Гулим бу даврага қўёлмас қадам.*

*Қўшиқлар, мақтовлар ўрлайди кўкка,  
Кимдир бахт тилайди сенга чин дилдан.  
Кимдир ҳасадида қоврилар ёққа,  
Омадларинг кўриб, қолади тилдан.*

*Яйраб ўтирасан даврада бу тун,  
Ҳаммадан жозибсан, ҳаммадан ўктам.  
Сени шу ҳолатда бир кўрмоқ учун,  
Қанчалар орзиқиб кутганман, билсанг.*

*Сен учун кирарди ҳам сув, ҳам ўтга,  
Менинг унутилган атиргулларим.  
Улар-да мен каби сурилган четга,  
Уларнинг-да бу кеч калта қўллари.*

*Муаттар бўйини англамас ҳеч ким,  
Энгашиб бир четга олиб қўймаслар.  
Нолакор қўшигин тингламас ҳеч ким,  
Сўлиётган гулни ахир суймаслар.*





*Мен юклаган бурчни бажаролмай гул,  
Ўксиб ерга берар япроқларини.  
Кўмсайди орзуси бўлганча чил-чил,  
Илдизлари қолган тупроқларини.*

## КУНДАГА

*Эй гамсиз кунларнинг гамгин қолдиги,  
Кўксингда ярани очиб кетди ким?  
Томирингга қадар ботириб тигин,  
Танангни ўғирлаб қочиб кетди ким.*

*Сирларингни сочиб чир теваракка,  
Тинмай чапак чалган япроқлар қани?  
Дардкаш бўлиб икки ошиқ юракка,  
Танинг жимирлатган титроқлар қани?*

*Қани сулув баҳор эркалашлари,  
Шохларинг гуллардан чамбар кийгани?  
Қушларнинг чуғурлаб бахт тилашлари,  
Ёзнинг бағри ёниб сени суйгани?*

*Сени сева-сева олтинланиб куз,  
Шохларингга шарбат илиб чиққани?  
Ҳазилкаш саболар сенга тикиб кўз,  
Гулларингни ўпиб тизлар чўккани?*

*Қани, қиш қуёшдан қилиб сени рашк,  
Оппоқ рўмолларга ўраб қўйгани?  
Баланд булутларнинг кўзларидан ашк  
Тома-тома ҳолинг сўраб қўйгани?*

*Золим қўлидаги қўғирчоқ арра  
Ҳамма-ҳаммасини олдим, қирқиб?!  
Оҳ кунда, воҳ кунда, ёнингга қара,  
Новдача турибди мўлтираб, қўрқиб...*



*Ҳали томирларинг кўчмаган экан  
Она замин сендан кечмаган экан.  
Дунёга кўз очган кунинг сингари,  
Ғарибим бошқатдан бошланар бари...*

### **ИШҚ**

*Тингламайди ҳеч ким арзу додини,  
Тутилган унутар насли, зотини,  
Сену мен ким бўлмиз, бу севги яна,  
Телба қилар мингта Хосиятини.*





**Азим СУЮН,**  
*Жаҳон шоирлари конгресси аъзоси*



---

## ВАТАН

### 1

*Биринчи сентябрь  
Бир минг тўққиз юз  
тўқсон биринчи йил! О, қутлуг сана!  
Зулм парчаланди!  
Бузилди қафас!  
Самовий озодлик қилди тантана!  
Титради Ёвуз Куч!  
Қақшар беомон!  
Асрий асоратлар топди-ку завол!  
Жаҳон майдонида –  
хур Ўзбекистон!  
О, Темурий миллат! Сизники ҳалол!*

*Жон-жондан туйдим мен Тангрим меҳрини,  
Халқим олди абад Ҳурлик муҳрини!*

### 2

*Шодликка тўл, Ватан,  
Шодликка буркан,  
Ҳаёт, Эркинликнинг қувончларин тот!*



*Сен ҳам тирикликнинг  
аслини ўрган,  
Асрлар аламли жандаларин от!  
О, илоҳий Кун! Кун!  
О, илоҳий Сас!  
Истиқлол – Истиқбол қилинди эълон!  
Осмон гумбурлади,  
Чақмоқ чақди, бас,  
Бир зум қалқиб тушиди халқ ва оломон!*

*Мен бу кун эслайман Сўзлар сеҳрини,  
Халқим олди абад Ҳурлик муҳрини!*

3

*Қаттол Империя,  
Мустабид тузум,  
Қонларга қоришиган манфур сиёсат,  
Сақлаб қолмоқ учун  
заминда ўзин  
Бўхтонлар ёғдирди қаватма-қават.  
Боши янчилмаган  
мафкура – илон,  
Дунёни бузгудек жон талвасаси,  
Даҳшатли қиёфа  
касб этди, инон,  
Ҳар дам тайёр эди кунда, болтаси.*

*Огоҳ бўл, ёдда тут маккор макрини,  
Халқим олди абад Ҳурлик муҳрини!*

4

*Қанча тубанлашган  
эrsa залолат,  
Шунча яқин келгай қиёмат қойим.  
Сени шарафлайман  
буюк жасорат,  
Сен менинг шавкатим, сен менинг орим!*



*Одамзод қалбини  
тарк этсанг агар,  
Оламни босарди дўзахий андуҳ.  
Бемаъно яшарди  
заминда башар,  
Мангу шараф сенга, эй халоскор Рух!*

*Пайғамбар ҳам қилган унинг зикрини,  
Халқим олди абад Хурлик муҳрини!*

5

*О, Турон ерлари,  
О, Турон эллар,  
Не салаф урҳосин эшитмагансиз.  
Бугун учиб келди  
сиз қутган еллар,  
Ҳеч қачон бу қадар энтикмагансиз.  
Онамиз Тўмарис,  
Отамиз Широқ  
Нон тутиб турибди енгликларида.  
Озодлик ягона,  
Озодлик – байроқ  
Улкан Осиёнинг кенгликларида!*

*Бугун алқагаймиз эрка руҳини,  
Халқим олди абад Хурлик муҳрини!*

6

*Юрт қадрин сўрагил  
мусофирлардан,  
Эркинлик қадрини қуллардан сўра.  
Султон суяги хор,  
ҳа, кофирлардан,  
Жалолиддин – шердил, эрлардан сўра!  
Аждодлар йўлидир –  
Истиқлол йўли,  
Улар калимаси бизга мададкор.*



*Соҳибқирон турар  
гуллар ўнг-сўли,  
Сурати – сийрати улугвор пойдор!*

*Ўзбекюрт куйлайди шону мадҳини  
Халқим олди абад Ҳурлик муҳрини!*

7

*Ватан, тарихингда  
Туркистон бўлиб  
Не буюк Давлатлар қуриб яшадинг.  
Сарҳадсиз сарҳадлар  
денгиздай тўлиб,  
Не-не салтанатлар эвриб яшинадинг!  
Менинг тирим эрур  
Қул Ҳожа Аҳмад,  
Она тилим асли «Ҳикмат» тилидир.  
Навоий – Аллоҳдан  
берилган Давлат –  
Миллатим комили, миллат пиридир!*

*О, бугун тинглайман пирлар шукрини,  
Халқим олди абад Ҳурлик муҳрини!*

8

*Туғади йўлсизлик,  
Қайтди шон-шавкат,  
Ипак йўлларида муаззам карвон,  
О, қайтди Қуръоним –  
илоҳий қудрат,  
Қайтди Фарғонийлар – фозили жаҳон.  
Гулчамбар, олқишга  
дохил, муяссар,  
О, ўзбек деҳқони, о, тилло бобо,  
Ўтиб кетибди-ку бир ярим аср,  
ўзи ўз ерига қайтгунича то!*



*Унутиб бўлмайми ёвлар қаҳрини,  
Халқим олди абад Хурлик муҳрини!*

**9**

*Мен фикр уқаман  
олис юзлардан.  
Дил-дилим Тангримнинг макони эрур.  
Шаҳидлар майдони,  
кездим излардан,  
Қодирий, Чўлпонлар кўзларида нур.  
Уларнинг қалами  
қолмади ерда,  
Йўқ, улар созлари қолмади гариб.  
Куйлади қасоскор  
ҳур оҳангларда  
Улкан минбарларда Абдулла Ориф!*

*Ўпаман юртимнинг тупроқ, тугини,  
Халқим олди абад Хурлик муҳрини!*

**10**

*Бугун қурилмоқда  
буюк Иморат,  
Буюк бунёдкорга мангу ташаккур!  
Улуғ майдон узра  
минбарда азот  
Миллатим сардори сўзлайди мағрур!  
Ундан миннатдордир  
Дўст, қардош, аждод.  
Ҳақ Халқни бош қилди ҳокимиятга.  
Уни шарафлайди  
Келажак авлод,  
У мангу дахлдор Абадиятга!*

*О, Аллоҳ! Қайтардинг Юрт Темурини,  
Халқим олди абад Хурлик муҳрини!*



11

*Кеча гувоҳ эдим  
Зулм-зулматга,  
Кўрганим юрт зорин, хорин: гувоҳман.  
Бугун гувоҳдирман  
Тоғу тахт – бахтга,  
Огоҳлар ичида мен ҳам огоҳман!  
Азим Суюн, тотдим,  
Ҳурлик тотини,  
Ҳа, бахтли шоирман, бахти ёр инсон –  
Кўрдим Империя  
ҳалокатини,  
Келар замонларга қилурман аён!*

*Битдим авлодларга қалбим қўрини,  
Халқим олди абад Ҳурлик муҳрини!*







## Ўткир РАҲМАТ

Халқаро Чўлпон номидаги мукофот соҳиби



\* \* \*

*Ватан – бу буюк сўз,  
Ҳар бир ҳарфини  
Ҳижжалаб ўқисанг, бўлгайсан обод.  
Даставвал вафо қил,  
Бўлгин жону кўз  
Токи сен тириксан,  
Токи сен ҳаёт.*

*Сўнгра Адолатнинг яловин кўтар,  
Ҳар ишда у билан ишла ёнма-ён.  
Тинчликни ўзингда-бунёд эт, кўтар,  
Юрак-ла ён, албат,  
Ишонч ила ён.*

*Азизлик рутбаси аجدодлардандир,  
Нажот исми доим Ватан магзида...  
Демак, аҳли виждон билан бирма-бир,  
Юрмак керак доим Нурнинг изидан.*

*Ватан – бу юксак сўз,  
Унинг меҳридан  
Юксалар Вафо-ю ҳамда адолат.  
Тинчликнинг гавҳари*



*Жило сеҳрида,  
Азизлик ва нажот  
Тоабад ҳикмат...  
Сен Ватан сўзини ҳижжалаб ўқи,  
Ҳар ҳарфи кўксингда ёнсин ловуллаб.  
Унинг тўлқинида қалб билан оқиб,  
Уфқларга интилгин  
Тошиб, шовуллаб...  
Ватан – буюк сўздир...*

\* \* \*

*Лайлақлар-ла ўйнади баҳор,  
Бог-роғларни шайлади баҳор.  
Ғам-ғуссани ҳайдади баҳор,  
Кўнглима пок ҳисларни илдим,  
Она юртга саждалар қилдим.*

*Тошкентимда балқиди қуёш,  
Бухородан чорлади дилдош.  
Баҳовиддин Нақшбанд йўлдош,  
Йўл бошида саодат кўрдим,  
Она юртга бош эгиб турдим.*

*Ҳазрат Имом минорасидай,  
Имон топдик метин, расида.  
Истиқлолдир буюк қасида,  
Забонимда порлади, билдим,  
Она юртга саждалар қилдим.*

*Бунёдкорим ердан кўтарган,  
Гулишан аро булбуллар билан –  
Куй куйладим – номидир Ватан!  
О, нақадар лаззатлар сурдим,  
Она юртга бош эгиб турдим.*

*Улуғбекнинг юлдузларидай,  
Соҳибқирон қош-кўзларидай,*



*Навоийнинг худди ўзидай,  
Мард, забардаст авлодни кўрдим,  
Она юртга бош эгиб турдим.*

*Кўнгиллари обод одамлар,  
Чақмоқ янглиг қўйса қадамлар,  
Келажаги буюк Ватанда  
Дарғамизнинг умидин билдим,  
Шу умидга саждалар қилдим.*

### БАҲОР

*Улугбекнинг руҳидай  
Бекинади юлдузлар.  
Уфқдан офтоб тутиб,  
Тушиб келар кундузлар.  
Майсаларнинг тилида  
Бўй-бастин қилиб кўз-кўз,  
Бойчечакни кулдириб,  
Жилмаяр яшил Наврўз.  
Шир-ялонгоч боғлар ҳам,  
Қайтар аста ўзига.  
Ҳаё-қизғини ранг инган,  
Ғунчаларнинг юзига.  
Лаҳжасида қушлар ҳам  
Чугурлашар-сирлашар.  
Чилдираган ирмоқлар  
Дарёларда бирлашар.  
Бирлашганга армон йўқ,  
Қалқиб турар тўғонлар.  
Интилганга доvon йўқ.  
Забт этилар осмонлар.  
Тириклигим ҳаётим,  
Танимдаги сен жонсан.  
Баҳорлари қаноти,  
Онам – Ўзбекистонсан!*



*Йўллар тутиб кафтида,  
Қадамимга босар лаб.  
Юрак қиндан чиққудек,  
Пичирлайди бахт тилаб.  
Бўғзимдаги дардларим  
Шодликларга дўнади,  
Ялтиз исли шаҳдларим  
Майсаларда тинади.*





**Абдусайд КҮЧИМОВ**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
журналист



**ТОҒДА**

*Дуч келмай деб сайёд ўқига,  
Тоғ оралаб қочарди оху.  
Тирмашарди овчи чўққига  
Ўлжасида тийрак нигоҳи.  
Пастда эса ҳорғин йўловчи,  
Лолу ҳайрон турарди қотиб:  
“Қулайсан-ку! Эй, тентак овчи  
Қўйганмисан эсни йўқотиб!  
Зарилмиди битта эчки деб,  
Шунча азоб, шунча машаққат!” –  
“Ғўр” овчининг таишвишини еб,  
Қолмас эди тоқатда тоқат.  
Тиккан каби гаровга жонни,  
Тошдан тошга сапчиди овчи.  
Ақли шошиб, тошиб фижони,  
Тошдек қотиб қолди йўловчи.  
Эҳ, ўзга ўй, ўзгача тилак,  
Таишвиш билан яшар йўловчи.  
Овчининг-чи, армони бўлак,  
Овчи эди, шу боис овчи...*



## МАҚТОВ

*Чор тараф ранго-ранг сўзга тўлиқдир,  
Аммо барчасидан мақтов улугдир.*

*Уммондек фусункор тоғ каби буюк,  
Офтоб – у, ҳаво – у, у – нондек суюк.*

*Шул боис, мафтундир унга ёш-қари,  
Сўзлар сарваридир мақтов сўзлари.*

*Олқишлар олсам дер, шоҳ ҳам, гадо ҳам,  
Ватапарварлар ҳам, ватангадо ҳам.*

*Ёмғирда барқ уриб кўкаргандек ер,  
Мақтасанг яйрайди ҳатто сўқир дил.*

*Бўзлаб-бўзлаб турган болани аста  
Мақтаб кўр ўйноқлаб кетар бир пасда.*

*Мақтасанг дахрийлар қайтар динига,  
Қилич қинга кирар, илон инига.*

*Унутма бу бахтга барча мувофиқ,  
Фақат бенасибдир ундан мунофиқ.*

*Мақтасанг қитиқлаб кулдирма, дейди,  
Кулдирсанг, олқишлаб ўлдирма, дейди.*

*Ундан-да аяма мақтов сўзингни,  
Фақат мақтай кўрма ўзинг-ўзингни.*

*Илло, кимлар сени мақтагани соз –  
Отангми, онангми, дўстми ё устоз?*

*Раҳбаринг, оғайнинг ва ёки бошиқа –  
Мақтов ўхшаб кетар бобо қуёшга.*



*Тўйиб бўлмагандек қуёш меҳрига,  
Сира тўйиб бўлмас мақтов сеҳрига.*

*Тириксан – ёмғирдек тўкилсин мақтов,  
Кетсанг – изларингда тоғ бўлсин мақтов.*

*Султон бўл, ултон бўл, ё косиб бўлгин,  
Ким бўлма мақтовга муносиб бўлгин.*

*Тилагим барҳаёт – бор бўлсин мақтов,  
Ҳамиша, ҳаммага ёр бўлсин мақтов.*

### ЁМОНЛИК

*Ёмон – ёмонликни қўймайди ҳамон,  
Ёмон – ёмонликдан тўймайди ҳамон;  
Замонлар эврилар, тузалар замон,  
Ёмон тузалмайди – тузалмас ҳамон.  
Яхшилар суйдирар, қуйдирар ёмон,  
Яхшини жонидан тўйдирар ёмон;  
Ёмонлар ўлмаган, аммо ёмонлик,  
Жазосиз қолмаган, қолмайди ҳамон.*

### ИБРАТ

*Фалокатдан берармиш дарак,  
Кўкка қараб улиган итлар.  
Офат эмиш қўлда жонсарак,  
Питирласа овчи бургутлар.*

*Бемаҳалда қичқирган хўроз  
Сотиб олмиш бошга балони.  
Ой чалқанча туғса, кўр аёз  
Тушовлармиш бир ой дунёни.*

*Табиатнинг бу турфа сеҳри  
Ғамимизни егани экан;  
Эй, одамзот, бу ҳикматлардан,  
Ибрат олгин дегани экан.*



## ШОИРЛАР

*Денгизига сизмаган уммон,  
Довул каби бесар, бойирлар;  
Асов бўрон, мисоли тўфон  
Еру кўкда кезар шоирлар.*

*Бир пасда ёз, бир пасда кўклам,  
Қирларга гул тўшар зойирлар;  
Дилда илҳом чаппар урган он  
Дарё каби жўшар шоирлар.*

*Юракларга қуёшдек ёна  
Нур сочмоққа уринадилар.  
О, бу зотлар! Сувратдагина  
Мўмин қобил кўринадилар.*







**Хуршид ДАВРОН**  
*Ўзбекистон Халқ шоири*



**АФРОСИЁБ ХОТИРАСИ**

*Овоз йўқ. Осмон бор. Жангчи ўтлар бор.  
Шамол бор – йиғлайвериб бу дараларда  
Овозини йўқотиб қўйган шамол бор.*

*Ой порлар – қабристонга ярашади ой,  
Ҳаво – кузги олма – тирсиллаб турар,  
Ҳаво бағрим каби қайгуга тўла.*

*Фақат сен қолгансан кўксимда, севги,  
Фақат сен қолгансан кўзимда, севги,  
Бу улуг шаҳардан хотира бўлиб.*

*...Ўтлар ўрмалайди баҳордан қишига.  
Йиқилдим-устимдан ўрмалар ўтлар,  
Устимдан асрлар, мозийлар ўтар...*

**САМАРҚАНДА ОЙДИН ТУН**

*Ер устида нурлар сояси...  
Ойдин тун бу!  
Гўё жодугар  
Шаҳар узра ҳарир оқ доқа  
Ташлаб қўйиб томоша қилар.*



*Ой нуридан илиган умид  
Юрагимни қилар безовта.  
Кўксаройнинг соқчиси – кўр ит  
Эгасини излар моҳтобда.*

*Осмон гулхан чўглари тушиб  
Милт-милт этиб ёнаётган шол.  
Арвоҳларнинг безовта туши –  
Чинорларни силжитган шамол.*

*Мудроқ нигоҳ ила боқаман  
Мозий ёди мени қилар маст.  
Гўё дарё аро оқаман –  
Манзилимни ҳеч кимса билмас...*

### ЭРК ГУЛИ

*– Эрк гули бор, дерлар бувижон,  
Шу гул ҳақда менга сўйлаб бер.  
У гул қайда ўсар шодумон,  
Айтгин, гулни макони қаер?*

*– О, болажон, бу сирни билсанг  
Ғам келар-у дилинг қисади.  
У гул эрк деб жон берган эрлар  
Мозорлари узра ўсади.*

### САМАРҚАНД

#### Кундуз

*Кўчалари бир-бирин тинмай  
такрорлайди мисли акс-садо.  
Олислардан келган кемадай  
қалқиб турар Регистон танҳо.*

*Шу кемада келгандай, тушиб  
эмаклайди ташна тонготар.  
Унга асрий ўйларин қўшиб  
тошҳовуз бир ҳовуч сув тутар.*



*Кўкда мовий дарё сузади,  
оқиб ётар мовий бир қадар.  
Алплар отган пўлат найзадек  
кўкка ботиб турар минорлар.*

*Олислардан келиб зиёрат  
қилган каби армон мозорин,  
Бибихоним масжиди узра  
янграр Улуғ Қушлар Бозори.*

*Олиб чиқар нурга кўмилиб,  
боболарга қирқ қари Зина  
Ва эртанинг нуқтаси бўлиб  
қотиб турар тунд Шоҳизинда.*

*Шоҳизинда қабрларида –  
ухлаб ётар юз-юзлаб шаҳар.  
Бироқ, унда энди ҳеч қачон  
тун чуқмайди оқармас саҳар.*

### **Тун**

*Юлдузларга боқиб сармаст  
шовиллайди чорбоғлари,  
Шаҳар томон оқиб тушар  
Афросиёб сўқмоқлари.*

*Улар ойдин улар сархуш,  
ичгандек қуз шаробидан,  
Ерга қўнар мисоли қуш  
хазонлар – ол, зардобиранг.*

*Мункиллаган кампирлар жим  
шам ёқади мозорларда,  
Саратоннинг иси ҳоким  
мудраб ётган бозорларда.*

*Ачиган май иси кезган  
ҳовлиларда шамол – дайди,  
Ниманидир гўё излаб  
Хумлар гирдин айланади...*



*Ҳамма ухлар, фақат шамол  
дарахтларнинг сочин тарар.  
Ухламасдан қўриқлайди  
Самарқандни миноралар.*

### **Тонг**

*Туш кўрдим мен бугун саҳарда –  
титраб ёниб дил ларзасидан,  
Кирармишман мовий шаҳарга  
мен Навбаҳор дарвозасидан.*

*Ва юлдузлар чанги қопланган  
майсаларнинг яшил қоғозин  
Ўқиб турсам, ернинг қаъридан  
Янграр эмиш инсон овози:*

*– Мен опичлаб Афросиёбни  
олиб келдим чиққин югуриб.  
Тушда кўриб ҳар кун офтобни  
сочим кетди қордек оқариб.*


*... Уйғондим-у чиқдим кўчага –  
шаршарадек ойдин эди тун.  
Қиздек ухлаб ётган кечага  
мен меҳримни бердим ўша кун.*

*Кўзим тиниб осмонга боқдим,  
у шишадек порларди совуқ.  
Ёр яшаган равоқдан оқиб  
тушар эди пастга чирмовиқ.*

*Ва куз меҳри чўллаган боғда  
она шаҳрим сени ўйладим.  
Кекса боғлар уйғонган чоғда  
Тонгга сингиб кетди ўйларим.*



## Ўлдош ЭШБЕК



\* \* \*

*Булоқлар фалакка қараб отилди,  
ҳар зарра товланди мисоли бир чўғ.  
Лолалар бир гўзал бўлиб очилди,  
тошлар гуладилар, гулга-ку, гап йўқ.*

*Қонлар отилгудай танда суринар,  
уринар кўкракда безовта юрак.  
Тиниқ кўк тагида тоғлар кўринар,  
япроқлар уфқни ёпгандай титраб.*

*Ташина бормоқдаман – қондирмас сувлар,  
галати муздайман – олов ёндирмас.  
Жасурроқ кўринар мендан оҳулар,  
ботирлик кўрқувни баъзан сўндирмас.*

*Уйғоқ туш кўраман, сезаман бунни,  
тасаввур суратсиз тўлади тушига.  
Кўрқиб, йўқотишдан бундай кўрқувни,  
жисми йўқ нарсани босиб оғушига,  
баҳорга юраман, ўхшаб беҳушига...*



\* \* \*

*Сузар дарёда бир ой  
тўлқинлари бахтиёр.  
Атрофда ёруз чирой,  
ойдинликда ифор бор.*

*Ой чиқиб борар узоқ,  
чўзиб қолар соҳил қўл.  
Йўл топиб тўхтар қирғоқ,  
ўзин сувга отмас йўл.*

*Бурилиб, соҳил бўйлаб  
бўйнин чўзиб югурар.  
Атрофга сурма бўйлар –  
таратиб ой улгурар.*

*Чўчиб, уфққа бир қараб  
иўнғир дарё мавжсида.  
Келар шафақ ярқираб –  
ошиқ қуёшдан мужда.*

\* \* \*

*Бир уй қурдим, келақол,  
айвонлари қиёда.  
Шифти нур бўйли шамол  
дунёлардан зиёда.*

*Бир уй қурдим, келақол,  
туйнуклари туйғудан.  
Тин олиб гўзал хаёл  
хуш уйгонур уйқудан.*

*Ё уйқу йўқ уйқуда,  
бедорликда бедорлик.  
Барча ўйлар беҳуда,  
бор кенгликлар тор, торлик.*



*Сен сизмассан оламга,  
яша кулбахонамда.  
У – менинг кўнглим уйи:  
эни – ер, осмон – бўйи.*

*Қайда бўлсанг, қайтарсан,  
шиқ уйи топмас завол.  
Қайлардасан, қайдасан,  
бир уй қурдим, келақол?!*

\* \* \*

*Саҳар ўтиб кетмасин, дейман,  
кўксимда урилиб туради –  
бир қўрқув, гамини хўб ейман,  
кўксимдан кўзимга юради –*

*очаман, шарпамас, улкандир,  
одамдан, оламдан, жаннатдан.  
Покиза кўнгилдан ул камдир,  
ул камдир ризо-ю раҳматдан.*

*Уйқуда ўтмасин бу саҳар,  
Ғафлат саҳарида тўлғониб.  
Бу тонгда тонг қотган бесамар  
қуёшни кўрмасам уйғониб.*

\* \* \*

*Девона кўнгилга севги шоҳ,  
жаҳолат – нафратнинг тошидир.  
Кўнглимда қайнайди бир булоқ,  
муҳаббат – кўзимнинг ёшидир.*

*Нур келар, ҳур келар сўзимга,  
муҳаббат – кўнглимнинг тожидир.  
Шуълавор жимирлар кўксимда,  
муҳаббат – кўзимнинг ёшидир.*



*Ҳижрон ҳам, висол ҳам бари у –  
ҳисларнинг охири бошидир.  
Кўзларга тошса ҳам бу туйғу –  
муҳаббат – кўнгилнинг ёшидир.*

\* \* \*

*Юрагимнинг қуввати  
камайганга ўхшайди,  
Емрилса чел уввати  
ёвуз селдан қақшайди.*

*Йиллар бажарар ишин,  
кам келасан ёдимга,  
хаёл кўзгуси яшрин  
олиб келар олдимга.*

\* \* \*

*Қувончдасан, гамдасан,  
сен менинг сўзимдасан.  
Йироқда, яқиндасан,  
сен менинг ўзимдасан.*

*Чопинар дарё кўкка,  
мен эсам дарёдаман.  
Тунлар ой нурын ўпган  
кўзлари қародаман.*

*Сен – мисли денгиздирсан,  
ўйимда, кўзимдасан.  
Сен беҳад тенгсиздирсан,  
барибир, ўзимдасан.*





## Ўктам МИРЗАЁР



### САМАРҚАНД

#### 1

*Гувоҳ бунга ҳаволар,  
Гувоҳ осмон, ер, тоғлар.  
Гувоҳлик берар бешик,  
Темурий бобо боғлар.  
Самарқанд сарҳадига,  
Қадаминг тегдими, бас!  
Юракни орзиқтириб,  
Жаранглар қадрдон сас:  
– Нон, нон, нон.  
Нон, нон, нон...  
Саватлари тўла,  
Ширмон – Самарқанд.*

#### 2

*Ойнинг нурларига,  
Ойдаи беланган.  
Бошида юлдузлар,  
Дурдай эланган.  
Давронлар бу юртда бир он тин олиб,  
Инсоний қудратга боқиб суқланган.  
Ризқи-рўзи тўла,  
Хирмон – Самарқанд.*



3

*Мозийни титратган  
Жаҳонгирлари.  
Адолат сарвари –  
Жавоҳирлари.  
Жумлаи жаҳонга  
Достон – Самарқанд.*

4

*Ширмон – Самарқанд.  
Хирмон – Самарқанд.  
Иймон – Самарқанд.*

**ЮРТ МАНЗАРАЛАРИ**

*Ялпизларга боққин, ариқ лабида,  
Сувнинг йўлларига термулар, ташина.  
Бир бора қирларга нигоҳинг ташила,  
Лоласин бағридан қўйвормас, ошина!*

*Дарахтларга боққин, теракларга боқ,  
Бормикан тутлари бўлмаган дала?  
Уларнинг остида бир жўра бола –  
Дарди йўқ онларга бўлган мубтало.*

*Сен бир зум термулгин, руҳингни чогла,  
Қулоқ тут қушларнинг шўх чуғурига.  
Ўрик соясида, от эгариди  
Ирғишлаб турган ким, боқ гурурига.*

*У ўзбек! Чавондоз боболаридек,  
Эгарнинг қошидан тутмишидир дадил.  
У бир кун бўлади чаптаст ва ёвқур,  
Ватанин севгувчи мард ва соддадил.*



## ЮРАК БИЛАН СУҲБАТ

*Юрагим, кел суҳбат қурайлик,  
Армонларни бўриларга берайлик.  
Кел, бир зум тоғларга боқиб турайлик.  
Укаларимга ўхшар қоялар.*

*Жилгага қўл ўргим келади,  
Синглим каби суйгим келади.  
Жамалак кўрмаган қизнинг сочидай,  
Шаррос, шаррос товланар жилга.*

*Уларга бари бир, армонни билмас,  
Яхшини билмайди, ёмонни билмас.  
Қара, жўра-жўра болалар каби,  
Майсалар тебраниб, қўшиқлар куйлар.*

*Чучмома гуллабди, белбоғи тўлиб,  
Қаламқош қизгалдоқ тебранар эрка.  
Ҳатто, тантиқланиб юмронқозик,  
Адирни тўлдириб изгиши йўрга.*

*Шу чаман бағрига бошимиз қўйиб,  
Кел, гиёҳ ҳидига бир дам тўяйлик.  
Баҳордай яшнабди шу Она Ватан,  
Биз ҳам эркин эркаланиб қўяйлик.*

## ДЕҲЛИДА

*Ярим тунда ой кўрсатди жамолини,  
Зар кокили жилваланиб ҳаё билан.  
Зухро юлдуз шиваланар ибо билан,  
Келтирибми, бизга юртнинг шамолини?*

*Уш кўрдик эй, қадрдонлар йироқларда,  
Ватан бизда! Биз Ватандан фироқларда.  
Согинч ўртар, киприкларим титроқларда.  
Қалб қийналиб, бераверар саволини...*



*Ганг буйида ўз-ўзимга тилаб сабр,  
Изингизни тополмадим, Мирзо Бобур!  
Аmmo топдим, согинчингиз, кўнгил – сағир,  
Согинчингиз бунча оғир, бунча оғир?!*

*Кўринг қалбнинг аҳволини, аҳволини!..*





## Жамол СИРОЖИДДИН



### ШАРҚ ГАВҲАРИ – САМАРҚАНДИМ

#### Фахрия

*Дунёнинг ҳар етти мўъжизотларин,  
Кузатдим, болалик ҳайратим сўнди.  
Парижу Токио, Вашингтон, Пекин...  
Ойнаи жаҳондан наздимга дўнди.  
Барчаси гўзал, лек сўнмас ҳайратим –  
Танҳо сен ўзингсан – ҳур Самарқандим.*

*Танҳосан, тупрогинг олтин ундирар.  
Танҳосан, сўзларинг болга дўнади.  
Танҳосан, офогинг кўзни тиндирар.  
Кўкдан келсин ҳар тош етмай сўнади.  
Танҳосан, илм-урфон аро мумтозим,  
Дил-дилда эъвозим ҳур Самарқандим.*

*Тарихинг: Қаямарс – сенда тугилган.  
Ҳам Одам лойига сув қуйган ўзинг.  
Машияю – Машёнак шу ерда унган,  
Дарвиннинг бобоси – қай бир маймунинг.  
Ҳомеру Кришина асл шогирдим  
Дегувчи назмбахи ҳур Самарқандим.*



Ёшинг яшартирмоқ бўлдилар атай.  
Гўёки “нафақа олмасин” дерлар.  
Сен эсанг менинг мард, танти бобомдай  
“Олайверсин, – дердинг, – хаста кампирлар”.  
Эй ойга нур берган танти офтобим,  
Уммонга дур берган хур Самарқандим.

Оллоҳга шукурким, имоним бутун.  
Инсоф меъзонида турар ҳар сўзим.  
Беш кунлик дунёда бир нафсим учун  
Ёлгон сўз айтмоқдан тияман ўзим.  
Дуога очилган кафтдай масканим.  
Худони танитган хур Самарқандим.

Зардуштга юлдузлар таратди оҳанг,  
Монийга камалак ранглар баҳи этди.  
Искандар Авесто ила қилди жанг.  
Луқмонларинг билган илмлар кетди.  
Хизр, Илёс учун оби ҳайвоним,  
Урёним, гирёним хур Самарқандим.

Бохабар бўлсада турфа босқинчи  
Ҳар сафар нажоткор сендан чиқарди.  
Мақдунми, арабми, мўғилнинг ўчи  
Сендан бошланарди, сенда ўчарди.  
Широқ, Барзу янглиз чўпон, деҳқоним,  
Эллар нажоткори хур Самарқандим.

Китобинг куйдирди ҳар гал босқинчи,  
Ўчириб, пуллади қабртошларинг.  
Шу замин бардоши, шу замин кучи  
Оёққа қалқитди қон-қардошларинг.  
Турон юрт пойтахти бўлган масканим,  
Шаҳарлар бобоси хур Самарқандим.

“Отамиз улугми ёки онамиз?”  
“Шамсий ҳисоб ҳақми ёки қамарий?”



*Шу кўҳна дунёни бошсиз, адоқсиз,  
Қон қақшиятиб келган сўроқ ханжари.  
Қўлида гоҳ шамшир, гоҳ зулфиқорлим,  
Ота юрт, она юрт хур Самарқандим.*

*Соҳибқирон Темур туғи остида  
Бирикди дунёнинг етти иқлими.  
Қуёшни қайтадан тиклаш йўлида  
Қулади, ер бўлди тоғларнинг тими.  
Дунё илмлари жамланган жоним,  
Дунёга илм берган хур Самарқандим.*

*Ҳар етти иқлимнинг пойтахтин сенда  
Бежиз танламади ул Соҳибқирон.  
Сувингдай сув йўқдир етти иқлимда.  
Ерингдай ер ҳам йўқ. Яктойи жаҳон.  
Ҳавои дардларга шифо, дармонлим,  
Азалий боғ-роғли хур Самарқандим.*

*Темур қайта йиққан ер – осмон илмин  
Таҳлили Улуғбек чекига тушиди.  
Ўрганди юлдузлар мизожин, тилин,  
Олам қайта қуёш ила ёришиди.  
Меҳр-обим – сувим ҳам порлоқ қуёшим,  
Нужумдон, симёхон хур Самарқандим.*

*Сени фатҳ айлаган Кауфман шу он  
Ўрис пошшосига сим қоқа қолди:  
“Шарқ гавҳари бўлган – сайқали жаҳон  
Оқпошио ҳазратнинг измида энди...”  
Измларда қолган жоним, жаҳоним  
Вайроним, ҳайроним, зор Самарқандим.*

*Ҳуррият истаган не жасур ўғлинг  
Қулади омонсиз жангоҳларингда.  
Юз йигирма йиллик мутелик йўлинг  
То хануз ўрлайди ҳар “оҳ”ларингда.*



*Дўстга – ёв, ганимга эъзозли, бандим  
Кошиндай асрорли, шўр Самарқандим.*

*Хўжа Аҳрор ила Жомий суҳбати  
Бежиз кириб чиқмас тунлар тушимга.  
Фазлуллоҳ Абу Лайс, Навоий хати  
Илҳом бол баҳиш этди кўнгиш қушимга.  
Юзи Одам, Шерим, Бургут қанотлим –  
Шаҳаншоҳлик рамзли, ҳур Самарқандим.*

*Ватан эрки аввал Сенда тугилди.  
Улғайтирдинг асраб хоин кўзлардан.  
Уни Регистонда бир Хизр билди:  
“Ўзни асрай бил, – деб, – ҳатто ўзлардан”.  
Улғайди имону аъмол баландим,  
Халқлар халоскори ҳур Самарқандим.*

*Бошингда порлади Истиқлол туғи.  
Қадим ҳумо қуши бўлди тугроинг.  
Дунёда кўп эллар қўзида йиғи,  
Минг шукр, омонлик сенинг ҳамройинг.  
Ўқсиз мағлуб бўлган, ўқсиз голибим, –  
Ўзбекистон дили – ҳур Самарқандим.*

*Келган ҳар сайёҳни Расадхонада  
Осмоний тахтида Улугбек қутар.  
Хизр – Масжиддадур, Шоҳи Зиндада  
Тирик шоҳ сандонга болғасин урар.  
Регистон, Гўри Мир, Роҳи баландим.  
Тупроғи муқаддас, ҳур Самарқандим.*

*Анбиё, Авлиё ҳар бир қадамда  
Сени асраб ётар Улуглар хоки.  
Шу боис босиқлик ҳар бир одамда.  
Зийраклик, донолик руҳида ҳоким.  
Иллатдан устивор фазлу – хислатим  
Орзуим, тилагим ҳур Самарқандим.*





*Мабда – Сен. Яшагил – Маодга қадар.  
Улуғлик тахтида дурдона мисол.  
Эй Шарқнинг кўксига энг олий гавҳар.  
Эй замин юзида балқиган жамол.  
Камолот йўлида порлоқ сирожим  
Ифтихор – диёрим – ҳур Самарқандим!*





## Ҳамида КАРИМОВА

### САМАРҚАНД

*Истиқлол бағрида яшнар Самарқанд,  
Тинч оққан дарёдек йўллари равон,  
Барча йўллар эмас, демангиз, дилбанд,  
Обод бўлаётир, бўлайлик омон.  
Тириклик қуёши бошимда порлар,  
Кўнгил хоналарин ёритар севинч,  
Сайрга саодат боғлари чорлар,  
Иқбол кулаётган хонадонлар тинч,  
Истиқбол боғларинг барқ урсин, юртим,  
Ёшлар хандасидай гулзор, чаманинг.  
Шу чаманлар аро завқланиб юрдим,  
Чаман ичра бўлсин ўрнинг, Ватаним,  
Гулу гулзорларга буркаймиз сени,  
Авлодлар бешиги шахрим, Самарқанд.  
Гўзал-у муҳташам қургаймиз сени,  
Жаҳонда яғонам, фаҳрим Самарқанд,  
Бағрингда камолга етгай даҳолар,  
Яйраб ўссин бунда навқирон авлод.  
Олим-у фузало, зукко донолар,  
Бахт-у ободликдан диллар бўлур шод,  
Темур, Улуғбеклар ҳоки сендадир,  
Она-боболарим кўксингда ётар,  
Инсонлар аълоси, поки сендадир,*



*Улар руҳи асрар бизни бехатар.  
Истиқлол нуридан эртанг нурафшон,  
Янги кун гўдакдек эшикда турар,  
Унга қўл берайлик, берайлик имкон,  
Ватаним – Самарқанд яшинаб гуркирар.*

### ОНАЖОН

*Ҳаё билан ибодадир қудратингиз, онажон,  
Қалб тўрида офтобмисол ҳурматингиз, онажон.  
Умидларни гулдай аяб етказасиз камолга  
Меҳнат билан маҳоратда шуҳратингиз, онажон.  
Олима-ю пахтакорсиз, шифокору бастакор,  
Қай тарози ўлчай олур хизматингиз, онажон?  
Меҳрлилар меҳрилиси, ҳам суюкли, меҳрибон,  
Қай шоҳсуна ўлчай олур иззатингиз, онажон?  
Сиз жамалак улагандай қизалоқлар сочига,  
Умрим улаб узайтирсам ҳаётингиз, онажон.  
Фарзанд дея, эл-юрт дея доим фидо ширин жон,  
Малоҳатдан яна гўзал турбатингиз, онажон.  
Қошингизда таъзим этса эҳтиромда Ҳамида,  
Хушбахтликдан чирой очди сумбатингиз, онажон.*

### АСРОР ЭМАС

*Яхшиликни билмаганлар борлиги асрор эмас,  
Бу ҳаётда ҳамманинг ҳам жон дўсти бор эмас.  
Бош билан қазсанг қудуқ, ўрнига қўйсанг иззатин,  
Тузларинг ичгач унутгай, зарра миннатдор эмас.  
Орзу-ю армонларининг чеки йўқ, поёни йўқ,  
Юлқилаш унга бировнинг ҳақини ҳеч ор эмас.  
Дўст қадрин на билар у, каттагап, худбин киши,  
Бу кўнгил нозиклиги унга эътибор эмас.  
Умрида меҳнатда белни букмагай инсон бўлиб,  
Ош тайёр, нон тайёр, бел букишига зор эмас.  
Бағрида шафқат уя қурган эмас, бу қалбнинг,  
Бўлмагай ул дўст ҳеч вақт, аммо ҳам агёр эмас.  
Бу каби дўст баҳридан ўт, сен пушаймон бўлмагин,  
Меҳри йўқ дўст бўлмагай, ундайи даркор эмас.*



## Фармон ТОШЕВ



### ФАХРИЯ

*Ўзбек мунажжимлари топган янги кичик  
сайёра(юлдуз)га Юртбошимиз таклифи билан  
«Самарқанд» номи берилди*

*Амри вожиб бўлдимۇ ё даҳр қаҳкашонида,  
Бир латиф мужда келибдур айни чилла шомида.*

*То ҳануз солгай назарму термулиб кўк тоқига,  
Шоҳ мунажжим кўзлари ё ул расаднинг ёнида.*

*Беш асрким аҳли оқил ҳижжсалаб олгай сабоқ,  
Ҳикмати дунёки зоҳир Зижи Кўрағонида.*

*Кавкабистон дейдилар бу кўҳна юртни доимо  
Томчимас, юлдуз оқар мавжи Зарафшонида.*

*Тин олур Ою Куёш ҳам, собиту сайёралар,  
Лек бу эл билмас ҳаловат уйқую оромида.*

*Аҳли очун минг тавоф ҳам зиёрат айлағай,  
Йўқ ахир бундоқ каромат на фаранг, олмонида.*

*Сайқали рўйи заминдур кўрк бўлиб қолди абад,  
Порлағай энди «Самарқанд» нур бўлиб осмонида.*





*Аҳли ҳам инсон маликдур, ки ҳизр солган назар,  
Чунки дин, иймони бутдир мўмину Исломида.*

*Шоири – шоҳ, шоҳи – шоир, файласуфдир хонлари,  
Илм ила ақлу фаросат акбару султонида.*

*Соғиниб чиққай уни бил, барчаки жисми нужум,  
Беназир жаннат мужассам даврию давронида.*

*Кўзлагай нек манзилини иштиёқи сарбаланд,  
Сарбони дониш сабаб шайт борар қарвонида.*

*Қалби пок, пок сўзи ҳам, покдомон эзгу ният,  
Аъло хулқ аъмоли бор аҳли мусулмонида.*

*Ҳар қаричда авлиё-ю анбиёлар руҳи бор,  
Кўнгли оқ, оқ юз билан ўлтирар эҳромида.*

*Ҳар минор осмон қадардир, ранглари кўзни олур,  
Етти иқлим акс этар кошину-рахшонида.*

*Нур таратгайдур қадимдан етти иқлим саҳнига,  
Маърифат нуру зиё оққай баҳр, уммонида.*

*Қалбида юлдуз тўлодир, бағрида юлдуз тўла,  
Ўзбегимнинг юлдузи ҳам жонида, ҳам қонида.*

*Битта юлдуз не бўлибдур, кафтига қўнгай қуёш,  
Ойни-да забт этгулик куч бор анинг имконида.*

*Ном муборак, шон муборак, шаън муборакдир элим,  
Гул тутай дейман қўлингга мен само нарвонида.*

*Фармоно, юлдуз каби ён шул Ватан осмонида,  
Хўб саодатга етишгайсан туриб эл ёнида.*



\* \* \*

*Элим бағрига нур тўлди бугун эркили замонларда,  
Ки толе сернаво бўлди лапар – «омон-омон»ларда.*

*Вале қишлоқ шаҳар янглиғ, шаҳар кишиварга айланди,  
Фаровонлик ҳукм сургай кўзим тушган томонларда.*

*Фасллар исми жаннатдур файзли боғ-роғ, тоғлар,  
Бўлур бунёд гиёҳзорлар чўлу дашту ёбонларда.*

*Булоқ Кавсар каби покдур, насиба, ризқлари оқдур,  
Замини тилла туфроқдур беҳад маъвою конларда.*

*Бу не бахтким, фахр этгай шарафли ўтмиши бирлан,  
Бугун қалби мунаввар, шан дини Ислом, имонларда.*

*Кел, эй Фармон, жўровоз бўл, ҳаваслар айласин булбул,  
Кўшиқдан яйрасин кўнғил, фарахбахши ушибу онларда.*

\* \* \*

*Бу азалий дунёдир, лек хилқати янғича,  
Кўҳна, улуг миллатнинг ўй, фикрати янғича.*

*Севи қадимий, аммо ҳар кўнғил яшартирар,  
Ҳар юракнинг туйғуси, муҳаббати янғича.*

*Келажаги, шубҳасиз, буюқдир бу Ватаннинг  
Ўзбек сорбони айтган дил ҳикмати янғича.*

*Ёмонликнинг қирқ йилда қайтиши аён аммо,  
Энди-чи тўрт кунда – оҳ, вақт, муддати янғича.*

*Шу қутлуг юрт бизники, сарҳади ўша-ўша,  
Эркили туйғуга тўлган тик келбати янғича.*

*Ердаги жаннат шудир, тўрт фаслида унар гул,  
Оҳ, бу кимларга орзу – кўрк, зийнати янғича.*




*Ҳар кун яратсам, дейди, ҳар тун яратсам, дейди,  
Бу элнинг шижоати ҳам шиддати янгича.*

*Иймони бут, гурурли, ўзи ўзига бекдир,  
Исломига суюнғай – саодати янгича.*

*Юз билан юзлашгайдир, умрида қут-барака,  
Фармон, ўзбекнинг букун фароғати янгича.*





## Олқор ДАМИН



### ЮРТИМ БЎСАҒАСИ

*Юртим бўсағаси муқаддас мен-чун,  
Арзийди десам гар иккинчи Каъбам.  
Унинг тупроғи ҳам таратгай учқун,  
Лойқа сувлари ҳам мусаффо шабнам.  
Юртим бўсагангни этгайман тавоф,  
Тавоф этганидек ҳар куни офтоб!*

*Сенга сажда қилган не-не улуғлар,  
Амир Темур, Жалолиддин – шерларинг.  
Не-не шоирларинг сени улуғлаб,  
Сенга бағишлаган асл шеърларин.  
Юртим, бўсагангга ургайман бошим,  
Севинчдан тирқираб кўздаги ёшим!*

*Юртни ардоқламоқ бобомеросдир,  
Муқаддасдир ҳатто чўпу хаслари.  
Энг олий ихлос бу – юртга ихлосдир,  
Кўзларга тўтиё – баланд пастлари!  
Юртим бўсагангни ўпа олсам бас,  
Йўқ, бошқа нарсани қилмасман ҳавас!*





## ВАТАННИ АНГЛАШ

*Ватан, сени англамоқ учун  
Тонг нашъасин англамоқ керак.  
Ватан, сени англамоқ учун  
Гуллар сасин тингламоқ керак.*

*Ватан, сени англамоқ учун  
Ой нурига чўмилмоқ керак.  
Юлдузларнинг чаманларига  
Тонгга қадар кўмилмоқ керак.*

*Ватан, сени англамоқ учун  
Англаш зарур ҳар бир хасингни  
Нафасим деб тушунмоқ керак  
Сенинг олган ҳар нафасингни.*

*Ватан, сени англамоқ учун  
Ҳали булар қилади камлик.  
Тонгларингни ёритмоқ учун  
Ёнмоқ керак мисоли шамдек!*

## ИШТИХОН

*Сени қандай куйламасдан бўлар, Иштихон,  
Қирларингда баҳорда гул тўлар, Иштихон.  
Булбул бўлиб тоғларингни куйлай дейману  
Шеърларимдан минг бор гўзал, улар Иштихон!*

*Оқтовингни, Оқдарёнгни куйлай жўш уриб,  
Кўклам чоғи селлар келар девдай ўшқириб,  
Сибизгалар чалгим келар болари каби –  
Қирларингда бўтақўзу чучмома териб.*

*Ё куйлайми бир-биридан мард ўғлонларинг,  
Жўра Маҳмуд, Қўчқор, Элбой – Қаҳрамонларинг.  
Ё куйлайми Бободехқон – тадбиркор – фермер  
Қўлларида бунёд бўлган оқ хирмонларинг!*

*Ҳар зарранг минг дoston бўлса ҳам оз, Иштихон  
Юксақларга этавергин парвоз, Иштихон.  
Олқор сенинг мадҳинг куйлаб толмас булбулдек,  
Сенга таъзим, сенга қуллуқ, эъзоз, Иштихон!*



## ЯЛПИЗ

*Ариқлар бўйлари бунчалар сўлим,  
Бу чоқлар гаитини сурмаслик – эсиз.  
Ариқлар лабидан шеър тинглар кўнглим:  
Ялпиз,  
Ялпиз,  
Ялпиз!..*

*Ариқлар ичинда – бўтана сувлар,  
Улардан сулувроқ сув йўқдир сўзсиз.  
Ариқлар лабидан кўнглим шеър тинглар:  
Ялпиз,  
Ялпиз,  
Ялпиз!..*

*Ўҳ, ариқ бўйлари шунчалар гўзал,  
Кўзларим ишонмас, наҳот шул – ангиз?!  
Оҳ, ариқ четлари нақ бир байт газал:  
Ялпиз,  
Ялпиз,  
Ялпиз!..*

## ҚИШЛОҚ

*Қишлоқ. Порлар тепасида Ой,  
Порлаб турар бир қишлоқ чирой.  
Ойнинг ойдек қўшиқларини  
Куйлаб ётар шарқираган сой.*

*Шовулларкан тераклар, толлар, –  
Қишлоқ мадҳин қўшиққа солар.  
Туни бўйи уйгоқ юлдузлар  
Тонга бориб донг қотиб қолар.*

*Хўрозларнинг қичқиригидан  
Чўчиб тушар Тонг қизи бирдан.  
Қишлоқ «кўзи» қамашиб кетар  
Тондан тошиб келгувчи нурдан!..*



## Жумагул СУВОНОВА



### ВАТАН ИШҚИ

*Юракларга йўл сол ўнгулар оша,  
Шамоллари байроқ, кўкси бўлсин шаън.  
Кенгайгани сари юксалиб борар,  
Асли юраклардан бошланган Ватан.*

*Баҳор адиридан тепчиб туради,  
Тупроқнинг томири, майсанинг иси.  
Мен сенга жонимни узиб тутайин,  
Ям-яшил борлиқнинг яшил севгиси.*

### ЮРТ ЖАМОЛИ

*Яна бир дақиқа,  
Яна бир қадам  
Етарли ўзимдан  
Ҳатлаб ўтмоққа.  
У ёғи майсазор,  
У ёғи кўклам.  
Бир заррин толаси  
Сигмас қучоққа.  
Яна бир кўз қири,  
Яна бир нафас,  
Шаббода ифорин  
Ўйнаган чаман.*



*Ҳатто битта чизиқ  
Бегона эмас.  
Нигоҳдан у ёғи,  
Ҳаммаси Ватан!..*

### **ОНА-ВАТАНИМ**

*Сен онам,  
Мен қизинг, бошимни  
Силайди жамолинг ёғдуси.  
Туну кун дилимда улғайди  
Бағрингда яшамоқ орзуси.*

*Сен онам,  
Мен қизинг, баҳорда  
Бўйнимга кўзмунчоқ таққанинг.  
Жийдалар шохида гуркираб,  
Ифоринг маст қилар Ватаним.*

*Сен онам,  
Мен қизинг, ўғлимни  
Маҳкам тут, бағринга бос мени.  
Меҳрингни билмасам минг йиллик  
Чиноринг шохида ос мени.*

*Сен онам,  
Мен қизинг, барибир  
Ўлсам ҳам тик туриб ўламан.  
Ёмоннинг яхшиси бўлгунча,  
Яхшининг ёмони бўламан.*

*Сен онам,  
Мен қизинг, бир қара,  
Қумрилар тиллашган гулианим.  
Бугун маст ишқингдан, эртага  
Сен билан гуллайман Ватаним.*



\* \* \*

*Кўлида тиг тутган ганимдан кўрқма,  
Ялтоқланиб, суҳбат бошлагандан кўрқ.  
Дилинг кемтик қилган камингдан кўрқма,  
Пойингга нохос гул ташилагандан кўрқ.*

*Кимлардир ҳимматда ҳотамга тенгдир,  
Кимлардир умидвор етим нонидан.  
Кимдир саломин ҳам писанда қилиб,  
Қарздор қилиб қўяр ўтсанг ёнидан.*

*Балки ножоиздир саросар сўзим,  
Фикр камонидан узилган бир ўқ.  
Ажрата олмасанг яхиши-ёмонни,  
Душманинг кўнглини хушлагандан кўрқ.*

*Тўкса, тўқар талаш қилиб ошингни,  
Ақлли оч эмас, аҳмоқ қорни тўқ.  
Кимдир сени чалиб йиқитмоқ бўлса,  
Дўстман, деб ёнингда яшагандан кўрқ.*

*Дунё сўқир ўзи, ҳиммати ожиз,  
Мардлик мезонини ўлчагувчи йўқ.  
Ёлгон томошани дўндириб қўйиб,  
Қасам ичиб, Қуръон ушлагандан кўрқ.*

### ОДАМҚУШ

*Оддийгина яшагим келар,  
Оддий бўлсин идиши-товогим.  
Жон ипимни тутмасин ҳеч ким,  
Мен дунёдан узилар чоғим.*

*Оддийгина яшагим келар,  
Гулу боғлар қўйнида шодон.  
Одамқушман, макру муҳаббат  
Тузоғидан сақлагин омон.*



*Учгим келар гуноҳдан холи,  
Учгим келар савол-жавобсиз.  
Гарчи эгним бўлса ҳам одми,  
Гарчи бунда бўлсам ҳам ёлғиз.*

*Оддийликка бир таъриф битдим,  
Тобеликдан буткул озодлик.  
Тасаввур қил, олти ёнинг пок,  
Само қадар эркинлик, шодлик.*

*Сен мукаммал бахт топдинг шоир,  
Шу уммонда суза олсанг бас.  
Ўз қадаминг, ҳаракатингни  
Манфаатдан уза олсанг бас!..*





**Абдурахим СОЛИЕВ**  
(БОҒДОНЛИ)



**ЎЗБЕКИСТОН**

*Она Ватаним – Ўзбекистоним,  
Жон бирла таним – Ўзбекистоним.  
Меҳринг бепоён – тан олди жаҳон,  
Борлиқ нишоним – Ўзбекистоним.*

*Дилда мадҳиянг, бир ўғлонингман,  
Эй бобо юртим, танда қонингман,  
Номусим ўзинг, қомусим ўзинг,  
Наслу насабим – ўзбек жонингман.*

*Тенгсиз тарихим – қадимим ўзинг,  
Дилимга дилдош надимим ўзинг.  
Йироқлаб сендан қайга кетарман,  
Илк қадам ҳам сўнг, одимим ўзинг.*

*Кўксингдир чаман, яйраб қучаман,  
Меҳринг ичаман, меҳрим сочаман.  
Хурликдан ёниб, тинчликдан қониб –  
Дунёга мағрур қучоқ очаман.*

**СОНЕТЛАР**

*Осмонда кезади тўлин ой бугун,  
Кечанинг жамоли нурга бой бугун.  
Эсади чаманда эркаловчи ел,  
Шаҳримнинг кўркида кўрк, чирой бугун.*

*Ҳаётбахш гўзаллик бўлди жамул-жам,  
Раишқ этар ҳаттоки нафосат олам,  
Самарқанд саҳнига боқинг бир келиб,  
Жаннатбахш манзара, кўрайлик баҳам.*

*Толемдан мамнун очаман қучоқ,  
Қувончим ичимга сизмайди шу чоқ.  
Меҳр билан боқиб, соламан куйга,  
Жарангга тўлгандек бўлар ҳаммаёқ.*

*Орамбахш Ватаним кўрки Самарқанд,  
Порлаган юлдузли мулки Самарқанд.*

\* \* \*

*Етмиш – кетмиш демиш, бу ҳам бир ҳикмат,  
Етмишга етишдим, кўнгил нурафишон.  
Яратган эгамдан сўрайман ҳиммат,  
Умрга етмиш ҳеч бўлмасин нишон.*

*Етмишда яйрамоқ тилагим менинг,  
Саксонда сайри боғ керагим менинг.  
Тўқсонда қўлимга ушлаб қаламни –  
Саноқдан ўтгуси билагим менинг.*

*Ҳаётнинг ҳар дамни қадри ганимат:  
Эъзозга шайландим, қолмади беиз,  
Чорлар мени олга келажак ҳаргиз.*

*Улар менга доим улашар қувват:  
Не-не орзуларим турар қалашиб,  
Инсонга юз ёш ҳам турар ярашиб.*






## САМАРҚАНД НОНИ

*Шаҳримнинг ҳуснидан олган андаза,  
Ҳавоси, сувига тўйинган тоза,  
Тотсангиз таъмини қиласиз маза,  
Шундан тилдан-тилга доим овоза –  
Самарқанд нони бу, Самарқанд нони,  
Яратган тухфаси – Самарқанд шони.*

*Барчаси манзур нон – уйготар ҳавас,  
«Осиё» нонининг ноёблиги рост,  
Ойлаб туриб қолса, таъми йўқолмас,  
«Совга» нони қилар дилларни пайваст –  
Самарқанд нони бу, Самарқанд нони,  
Яратган тухфаси – Самарқанд шони.*

*Шаҳримнинг кўркида бу бир саҳифа,  
Новвойнинг меҳнати аъло дерсиз, ҳа,  
Фақат Самарқандга берилган тухфа,  
Ўзга манзилда йўқ бундай нон турфа,  
Самарқанд нони бу, Самарқанд нони,  
Яратган тухфаси – Самарқанд шони.*





## Исмаг САНАЕВ



\* \* \*

*Сатрлар сафарлан,  
Фикрим қанот ёз!  
Орзу осмонига талпин, эй, юрак!  
Туйгулар жўш уринг!  
Тор келса кўкрак,  
Завқ опичлаб этинг кўкларга парвоз!  
Умид черт рубобинг, янграсин майин,  
Дардга шифо бўлсин,  
Мақсадга сайқал!  
Шеърларим!  
Ғолиблар йўлин тут тайин,  
Беором ҳислардан яратиб ҳайкал.  
Руҳим юксакларни забт этган сайин,  
Ақл денгизида сув бўлиб чайқал.*

## ЙИЛ

*Йил бағрида тўрт фасл,  
Бири биридан асл,  
Ўн иккита ой бўлиб,  
Ўн икки чирой бўлиб,  
Эгизак болалардай,  
Турли хил лолалардай,*





*Дўстлик ипини узмай,  
Одатни сира бузмай.  
Хизмат қилар муттасил,  
Йил қўйнида тўрт фасл.*

*Йил бошланар қиш билан,  
Режалар – таишии билан.  
Декабрь қўлда байроқ,  
Авлодга берар сабоқ.  
Ёшга ёш қўшар Январь,  
Якундай жўшар Январь,  
Февраль кашф этган музлар,  
Ажойиб эртак сўзлар.  
Кўкламга тилаб камол,  
Эсади илиқ шамол.*

*Йилнинг эркаси баҳор  
Бағри яшил беғубор.  
Сеп очади март билан,  
Аҳдга содиқмард билан.  
Сойлар тўлиб оқади,  
Апрель бирам ёқади.  
Майда хушбўй таралар.  
Олам қайта яралар.  
Қувнаб ёшу қаримиз,  
Яшнайдди Ер шаримиз.*

*Йилнинг аъло соз фасли –  
Қуёш кулган Ёз фасли.  
Июнь – болалар ойи,  
Тенгсиз унинг чиройи.  
Нурлар қувонч сочади,  
Лагер қучоқ очади.  
Июль келар ҳарсиллаб,  
Шохлар синар қарсиллаб,  
Ҳар йил Август туфайли,  
Қизийди қовун сайли.*



Гал келса олтин кузга,  
Жаннат йўқ бундан ўзга.  
Сентябрь дилга ёқар,  
Мактаб эшигин қоқар.  
Октябрь уйган хирмон,  
Юксакдир мисли осмон.  
Ноябрда йил ғамин,  
Ҳис қилар она-замин.  
Ошиқлик тилло тусга,  
Зеб берар сахий кузга.

Йил бағрида тўрт фасл,  
Бири биридан асл.  
Қиш кўнглида неки бор,  
Излаб топади баҳор.  
Ёз этади фармойиш,  
Кўз этади намойиш,  
Ўн иккита ой бўлиб,  
Ўн икки чирой бўлиб –  
Хизмат қилар муттасил,  
Йил кўйнида тўрт фасл.

### МУВАШШАХ

“Сайқали рўйи замин...” Самарқанд, бу – Самарқанд,  
Кўз-кўз қилар ҳар дамин Самарқанд, бу – Самарқанд.

Авлиёлар азм этган, яшаш учун жазм этган,  
Аҳли шоир назм этган Самарқанд, бу – Самарқанд.

Мўйсафид Афросиёб, бағрида кўҳна Сиёб,  
Тарихи минг-минг китоб Самарқанд, бу – Самарқанд.

Амир Темур шони ҳам, Бобурнинг армони ҳам,  
Улуғбекнинг жони ҳам Самарқанд, бу – Самарқанд.



*Регистон – фаҳрим менинг, кўрк очар баҳрим менинг,  
Севимли шахрим менинг: Самарқанд, бу – Самарқанд.*

*Кўли гул одамлари, табаррук қадамлари,  
Меҳмондўст, шодон бари, Самарқанд, бу – Самарқанд.*

*Аҳли сайёҳ интилган, жумлаи жаҳон билган,  
Навоий тавоф қилган Самарқанд, бу – Самарқанд.*

*Нонин таърифи дoston, кенг бағри боғу бўстон,  
Бир бебаҳо гулистон Самарқанд, бу – Самарқанд.*

*Довругин ўйлаганим, фахр этиб сўйлаганим,  
Эй Исмат, кўйлаганим: Самарқанд, бу – Самарқанд.*

**Пахгачи тумани.**





## Исматулла ЙЎЛДОШЕВ



### САМАРҚАНД

*О, гўзал Самарқанд! Ватаним менинг,  
Боболардан мерос жон, таним менинг.  
Ўзбекман, фидойи фарзандман сенга,  
Сен боис имконим, имоним менинг.*

*Сени куйламоқлик ўзи зўр шараф,  
Юрак ифтихорга тўлар, бокира.  
Сенинг таърифингга сира йўқ қиёс,  
Кўкда юлдузлар ҳам бўлмиш асира.*

*Дунё хазинасин бир дуридурсан,  
Жаҳонгир бобомнинг суруридирсан,  
Пойингда ёғийлар бераверар жон,  
Ҳар битта туркийнинг гуруридирсан.*

*Шаффоф булоқларинг бол, оби кавсар,  
Сенда кашф этади ўзини саҳар.  
Киприкларим билан гардингни артай,  
Тангри назар солган, эй, буюк шаҳар.*

*Темур бобом қайтди қайта боғингга,  
Фалакка қайтгандек олам қуёши.  
Бугун мен йиғладим, бўзлаб қадримга,  
Бунча чўнг бўлмаса ўзбек бардоши.*



*Замона шиддаткор, карвон ортидан  
Тушиб қолган эллар, миллатлар қанча.  
Буюк Бибиҳоним қасабасидан –  
Тўкилган ривоят, ҳикматлар қанча.*

*Нима эккан бўлсанг ўрасан шуни –  
Омонат дунёнинг ҳикмати аён.  
Юртимга истиқлол юз бурган куни  
Яна ўз боғига қайтди Кўрагон.*

*Денгиздай чайқалар орзиққан қалбим,  
Севинч ёшларимни шеър билан артдим.  
Эзгу оятларни шивирлар лабим –  
Кўз тегмасин сенга, ҳеч қачон юртим.*

*Қўлларим кўксимда, дилимда тугён,  
Бугун бекор бўлди барча ҳадиклар.  
Етти иқлимдан ҳам келса гар, меҳмон  
Қутиб олажасқандир самарқандликлар.*

### ОНА-ВАТАН

*Сен манимсан, бизимсан,  
Энг ёруғ юлдузимсан.  
Мозий билан тиллашган  
Ўқ томир илдизимсан.  
Қўлимдаги тор – Ватан,  
Дилимдаги ёр – Ватан!*

*Қўнглимни қилдим бозор,  
Сендан ўзга кимим бор.  
Тупроғингни зар қилган,  
Юраги сим-симим бор.  
Фарзандлари сор Ватан,  
Кўкси тоғ, Ойқор Ватан!*

*Сендан тонган тош бўлсин,  
Кўзларида ёш бўлсин.  
Фарибликда бир умр,  
Бардоши талош бўлсин.*



*Қатордаги нор – Ватан,  
Ўзинг сарбадор Ватан!*

*Рамзингдир моҳитобон,  
Хилъат беқасам чопон.  
Сендан ўзин излайди,  
Олмон, хун, чину япон.  
Мозийи асрор Ватан,  
Кўрсатгил дийдор, Ватан!*

*Бағринг тарихдир қадим,  
Қуёш-зар тилло қатим.  
Юрагимнинг баёти,  
Келажакка дастхатим.  
Ўзинг номус, ор Ватан,  
Ҳам суюк дилдор Ватан!*

*Оқаради тонг юзи,  
Чўлда чўпоннинг изи.  
Қиқирлаб кулиб келар,  
Қирдан қизгалдоқ қизи.  
Офтоблари бор Ватан,  
Бир парирухсор Ватан!*

*Чақиндай елар замон,  
Ўтар чин, ўтар ёлгон.  
Минг йилда бир келармиш,  
Элга бош бундай ўглон.  
Тагингда тулпор Ватан,  
Фарзандинг шунқор Ватан!*

*Илинжим шул ўзимга,  
Халқим – қора кўзимга.  
Бизлардан озод Ватан,  
Қолсин ўгил-қизимга.  
Бўй-басти чинор Ватан,  
Бир умр пойдор Ватан!*





## Зиёдулла НУРМАТОВ



### БАРКАМОЛ АВЛОДГА

*Тўғри, барча куртак гулга айланмас зинҳор,  
Тўғри, барча гулдан мева бўлмайди ҳосил,  
Саралайди гулларини, куртагин боғлар,  
Сиз – куртаклар бағридаги муродсиз ҳозир!*

*Куртакларнинг бағридаги муродсиз дедим,  
Деманг, буни тасодиф сўз, тасодиф ният.  
Ҳар сония ҳисоблидир, ҳар сўз, ҳар одим,  
Тинмай меҳнат қилиш бўлсин бахт қонуният.*

*Тақдирингиз толейни бермоқда замон,  
Чақмоқлари чақиб турсин баҳорнинг майли,  
Боғлар аро ўйноқласин еллар беармон  
Яшаш ахир, мароқлидир кураш туфайли.*

*Пўкак каби сув бетида қалқиманг зинҳор,  
Замон каби шамолларга берманг жисмингиз,  
Курашмасдан, ҳасрат қилиб юрманг бесамар,  
Енгиб яшанг, тарихларда қолсин исмингиз.*



## ҚИШЛОҚ

*Тиниқ куз қўйнида тиниқ бир маскан,  
Тиниқ туйғу билан олади нафас,  
Меҳрга йўғрилган, илиқ бир маскан  
Сулув қушлар сайраб, келтирар ҳавас.*

*Райҳон ҳиди анқир бутун қишлоқдан,  
Мириқиб, жимгина кезгинг келади,  
Узум-шафтолилар ҳил-ҳил пишмоқдан  
Шакар боғлаб кетган – узгинг келади.*

*Оқшом қатиқ билан ювиб сочини  
Қишлоқ дилбарлари қилади пардоз,  
Дили яйраб кетар, ҳусни очилиб  
Ширин орзуларда яшаш қандай соз!*

*Сўнгра бутун қишлоқ кўчиб далага  
Ризқин яратади дарё-ю азим.  
Дилда зурур ҳисси олар аланга,  
Мен аҳил элимга қиламан таъзим.*

## ЭНДИ

*Қуёш заррин нурларин сочди,  
Кўҳна замин жамолин очди.  
Ўзлигимиз англадик, дўстлар,  
Шонли йўлни танладик, дўстлар.*

*Лочин эдик, қайрилган қанот,  
Сездик, танҳо ҳурликда нажот,  
Юртга эркнинг шамоли елди,  
Қафасларга қайтмаймиз энди.*

*Олга чорлар бизни Юртбоши,  
Ўз халқидай собит, бардошли.  
Жўш ур эй дил, толма эй билак,  
Ватан буюк бўлажак, бешак!*



*Бизни қўллар авлодлар руҳи,  
Ботирларнинг сўнмас шуқуҳи.  
Она халқим кийиб олтин тож,  
Олам узра ёзмоқда қулоч.*

*Юксақларда қоқавер қанот,  
Парвоз қил руҳ озодсан, озод!  
Дунё тингла, халқимиз дейди:  
– Қафасларга қайтмаймиз, энди!*

### ЎЗБЕКИСТОН

*Ўзбекистон – бағри кенг Ватан,  
Тупроғи – зар, халқи мард, ҳотам.  
Нисор бўлсин сенга жону-тан  
Минг жонларга арзийсан, зотан  
Ўзбекистон, бағри кенг Ватан.*

*Сен Туроннинг олтин бешиги,  
Эзгуликнинг мангу шериги,  
Ер юзининг барча элига  
Дилда жой бор, очиқ эшиги –  
Сен – Туроннинг олтин бешиги!*

*Богимизда гуллади бодом,  
Учиб келди ҳумо қуши ҳам,  
Юртга иқбол келмоқда бу дам,  
Авайласин уни ҳар одам.  
Богимизда гуллади бодом!*



## Хуршид НУРУЛЛАЕВ



### САМАРҚАНД

*Кўнларга балки сен орзу Регистон,  
Бахтлиман – ёнингдан ҳар кун ўтаман.  
Учта баргак таққан юзинг кўрган он  
Ошиқдек энтикиб, нафас ютаман.*

*Майдонинг кезади салобат руҳи,  
Сезаман, қалбимга тушар сояси.  
Тўртта алп минора, – гўё тўрт сўфи  
Тиловат қилгандек, келгандек саси.*

*Темурқараиш қилиб тикилар Шердор,  
Тиллакори – гуллар қучган малика.  
Улугбек руҳидек – юлдузлар бедор,  
Гарчи ҳеч бир қудрат солмас таҳлика.*

*Регистон – тарихнинг бедор юраги,  
Ҳайратдан бахт топган сўнги беш аср.  
Ҳар гиштин фахр-ла келар силагим,  
Боболар қалб тафтин сақлаган қаср.*



## ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ

*Ўтган ҳар дақиқа хотира асли,  
Кунларни ўтмишига хатлаб борар вақт.  
Бир лаҳза нигоҳга қўнган ёр васли  
Ошиққа бир умр татиғулик бахт.*

*Асрлар писандмас тоғлар ёшига,  
Чинорнинг умридек яшаиш бир ният.  
Ногаҳон офатни чорлаб қошига  
Ер-кўкни ларзага солар сония.*

*Кимгадир қисқадек туюлар кунлар,  
Имиллаб ўтгандек баъзиларга он.  
Мунажжим тақдирни излаган тунлар  
Булутлар ортида юлдузлар хандон.*

*Ҳар қандай қисмат ҳам кутар ўз дамин,  
Мутлақ синоатдир эртанги тақдир.  
Одамзод ўткинчи, омонат замин,  
Абадий мавжудлик бўлса у Ҳақдир.*

*Неки мавжудод бор қисматга маҳкум,  
Наф топмас эртадан излаган нажот.  
Ҳар қандай оғир йўл тинч топар якун,  
Чавандоз вақтида қамчиласа от.*

## АНГЛАШ

*Ватан асло оддий сўз эмас,  
Беҳудага янграмас лабда.  
Кимдир унга қилар бўлса қасд  
Борлигини билдирар қалбда.*

*Ватан асло оддий сўз эмас,  
Ҳар лаҳзада айтилмас тилда.  
Ота ўглин кўтаганда даст  
Кўртақ очар у мурғак дилда.*



*Ватан асло оддий сўз эмас,  
Ифтихорни англаган калом.  
Асли юртни қилган забардаст  
Халқ ёдидан ўчмаган ҳар ном.*

*Ватан асло оддий сўз эмас,  
У кўнгилди яшаган иймон.  
Она каби мушфиқ, муқаддас,  
Ватан битта – бу Ўзбекистон!*

### ЮРТНИ АНГЛАШ

*Ҳижронга илк бора айтмадим даином,  
Ииқнинг соғинчи ҳам ўртамас бундай.  
Жаннат деб, кўп юртлар олсалар-да ном,  
У ерда ўзимни сездим тутқундай.*

*Нархи баҳоланган иззат, эътибор,  
Кўтариб юрмоққа хизматкор маҳтал.  
Бир юзда тобелик, бир юзда кибор,  
Ташқардан боққанда жаннат юрт, матал.*

*Ҳар нарса муҳайё, жон, мол сотувда,  
Оила йўқ, барча бир, дўсту дугона.  
Ташқардан боққанда ҳамма тотувдай,  
Аслида отаю она бегона.*

*Нимадир изладим сероблик ичра,  
Сезардим, нимадир дилга ёқмаган.  
Жонсиз нигоҳларми, ҳиссиз моҳчеҳра,  
Бу кўзлар юлдузга, ойга боқмаган.*

*Шовқин кўчалардан юзим бурдим-да,  
Бир қатра меҳр излаб атрофни кездим.  
Ва шунда меҳрга ватан – юртимда  
Инсон қадри улуғ эканин сездим.*



## ОНА ҚУЁШ

*Фақат фарзанд учун яшаган онам,  
Кўнглининг оқлиги урган сочига.  
Қўллари бир умр калта бўлса ҳам,  
Дунёни сиздирган у қулочига.  
Фақат фарзанд учун яшаган онам,  
Кичик ҳовлимизни дунё деб билган.  
Ой, юлдуз, гулларда эмас, кўзлари  
Мудом бизлар қайтар йўлларда бўлган.  
Фақат фарзанд учун яшаган онам,  
Бир тикан кирмасин деган боламга.  
Оналар ичига ютган учун ҳам,  
Қиёмат келмагай бизнинг оламга.  
Фарзандга баҳишида бўлиб ҳаёти,  
Буюк деб ном олган оналар бари.  
Онанинг номидан сўнг келар оти  
Қуёш бўлса ҳамки олам сарвари.  
Фақат фарзанд учун яшаган онам.*





## Ориф ҲОЖИ

\* \* \*

*Самарқанднинг оппоқ оқишларида,  
Сайр этсам, улуғлар тушар ёдимга.  
Соҳибқирон, етти пир ёнларида,  
Тирикдай уйғонар хотиротимда.*

*Тирик шоҳ даҳмаси – Шоҳи Зиндада,  
Кезинар жаннати азизлар руҳи.  
Нилий қошинларда жилоланади,  
Ўтмишу бугуннинг олий шукуҳи.*

*Кўксарой майдони – ишқ маъвосида,  
Дур сочар биллурдай фавворалари.  
Ҳовучлаб сув тутар ўз Лайлосига,  
Бугуннинг Мажнуну оворалари.*

*Бунда ҳазил-ҳузул авжига чиқар,  
Дунёнинг барча хил лаҳжаларида.  
Етти ёт ҳам дилга яқин туюлар,  
Умрнинг сўлим бу лаҳзаларида.*

*Регистонда гилам қалпоқ кийганча,  
Хорижлик бир сайёҳ анграйиб турар,  
Афтидан минорлар кунгурасида,  
Улуғ боболарнинг қудратин кўрар.*





*Неон чироқларда дурдай ялтирар,  
Комиллик рамзидан томган томчилар.  
Уч ойда яралган яшил майдонча,  
Сайёҳлар дидини имтиҳон қилар.*

*СамДУ хиёбони – болалигимнинг  
Сеҳрли онлари кечган сўлим боғ.  
Жуфтланган ёшларнинг шивирлашидан,  
Бу жойлар туюлар яна сирлироқ.*

### **БИЗДАН НИМА ҚОЛАР...**

*Одамни ўйсизлик ҳар куйга солар,  
Энг аввал бағридан гурурин олар.  
Бундоқ бир танинга ўйлаб кўр, дўстим,  
Сендан нима қолар, мендан не қолар?*

*Азалдан абадга сафардир ҳаёт,  
Бу дунё бир кўниб ўтишлик работ,  
Саодат дейдилар, қолса яхши от,  
Сендан нима қолар, мендан не қолар?*

*Мўъжаз ари яшаб оламдан ўтди,  
Ундан асал қолди элга бир қути,  
Ногаҳон шу савол ёқамдан тутди:  
– Сендан нима қолар?  
– Мендан не қолар?!*

*Аллоҳни унутма, изсиз улоқма,  
Дуч келган ҳар касга анграйиб боқма,  
Оламда оқим кўп қўшилиб оқма,  
Сендан нима қолар, мендан не қолар?*

*Одам бўл, ичингда бўлмасин оланг,  
Ҳасад ёмон дарддир, шундан даволан,  
Камроқ гурурлангин, камроқ ҳаволан,  
Сендан нима қолар, мендан не қолар?*



*Тўрадай равиши қил, бўлсанг гар тўра,  
Сендан мурувватлар кутар ёр-жўра,  
Бетоб қўшининг бўлса, ҳолини сўра,  
Сендан нима қолар, мендан не қолар?*

*Дунё олги-берги билан дунёдир,  
Бошқаси қуруқ гап, қуруқ рўёдир,  
Ғофиллик дардига ирфон даводир,  
Сендан нима қолар, мендан не қолар?*

*Не-не зотлар ўтди сендан илгари,  
Қаро ер бағрига кетдилар бари,  
Сенинг ҳам насибанг бўздир тўрт қари,  
Сендан нима қолар, мендан не қолар?*

*Шунча дунё йиғдинг, умр майдалаб,  
Бир кўприк қурдингми ва ёки мактаб?  
Тинмай жағ урасан ўзингни мақтаб,  
Сендан нима қолар, мендан не қолар?*

*Бутун эл нимадир қуриши билан банд.  
Сен-чи ўз кунжингда гийбат билансан,  
Пайт келиб, кўчингни кўтарар бўлсанг,  
Сендан нима қолар, мендан не қолар?*

*Куласан, бир ожиз мўрча устидан,  
Сулаймон йиғлаган унинг дастидан,  
Ипак чопон қолар ипак қуртидан,  
Сендан нима қолар, мендан не қолар?*

*Ялангтўш деҳқоннинг аҳволига боқ,  
Сени кийинтирган шудир бош-оёқ,  
Ундан гуркираган бог қолар, бироқ,  
Сендан нима қолар, мендан не қолар?*

*Далада ҳарорат қирқдан юқори,  
Ишловга зор пахта, галла, жўҳори,*



*Сен-чи соя-салқин жойнинг хумори,  
Сендан нима қолар, мендан не қолар?*

*Ҳозир шу шеърни ҳам тинглайсан, мулғиб,  
Шеригинг уйғотмоқ бўлади туртиб,  
Чехрангда лоқайдлик турибди бўртиб,  
Сендан нима қолар, мендан не қолар?*

*Саҳар тур, бир эзгу ният айлагил,  
Ўзингни эл иши учун шайлагил,  
Одам ганиматдир – дилга жойлагил,  
Сендан нима қолар, мендан не қолар?*

*Инсонсан! Шу улуг номга муносиб,  
Бирор иш қилдингми, кўзингни очиб,  
Атрофингга қара, сендан ким рози?  
Сендан нима қолар, мендан не қолар?*

*Осмон – оқ дурларга тўла кўк табоқ,  
Сен унга ибратнинг кўзи билан боқ,  
Етимга бердингми бир ҳовуч ёнгоқ?  
Сендан нима қолар, мендан не қолар?*

*Умринг обод бўлсин, толеинг кулсин,  
Майли, ганимларинг тутдай тўкилсин,  
Шу савол доимо ёдингда бўлсин:  
Сендан нима қолар, мендан не қолар?*





## Эркатош ШУКУРОВА



### БИР ҚУЧОҚ ҚИЗГАЛДОҚ...

*Бир қучоқ қизгалдоққа айланамиз бир кун,  
Ҳеч кимнинг ҳадди сизмас уни узмоққа.  
Ризқи-рўз узилар,  
Бир уюм тупроққа айланамиз бир кун,  
Иложсизмиз умрни чўзмоққа.  
Олучалар, зардолилар гуллайверади,  
Турналар қайтаверар аргимчоқ солиб,  
Дарёлар шовуллар, тоғлар тураверади,  
Бу дунё ҳаммамиздан кетади қолиб.  
Бир қучоқ қизгалдоққа айланамиз бир кун,  
Кетамиз «Дунё бизсиз хувиллаб қолар».  
Севиши-у севилиши муҳаббат ул кун,  
Ҳаммаси эртакка айланиб қолар.  
Бир қучоқ қизгалдоққа айланиб бир кун,  
На йиглаб, на кула олмасдан  
Бу юрак гоҳ ярим, гоҳ бўлди бутун,  
Ҳақиқат борлигин била олмасдан,  
Бир қучоқ қизгалдоққа айланамиз бир кун.*

\* \* \*

*Шоир бўлсанг, оқни оқ, қорани қора,  
Тиканни тикан, гулни гулнора деб ёз.  
Омад берса, тахт берса, бадавлат бўлар,  
Олганида начора, бечора деб ёз.  
Ишқ эмас бир лаҳза дилинг чоғ этган,  
Ишонма, борингда сени дўст тутган.*





Бошига тушса мусибат, ташлаб кетган,  
 Шоир бўлсанг оқни оқ, қорани қора,  
 Тиканни тикан, гулни гулнора деб ёз,  
 Тоғларни қир айлагувчи дунё деб,  
 Осмонни ер айлагувчи дунё деб,  
 Заифни зўр айлагувчи дунё деб.  
 Шоир бўлсанг оқни оқ, қорани қора,  
 Тиканни тикан, гулни гулнора деб ёз...

\* \* \*

Битта жоним чўқир минг зоги,  
 Булбул бўлиб қуйлайвераман.  
 Улар заиф йўқдир бир соғи,  
 На гул, на ҳосил беради боғи.

Онам мени эрка ўстирган,  
 Отам мени эрка ўстирди.  
 Кафтларида гул бўлиб ўсдим,  
 Билмадим ҳеч каму кўстни.

Гоҳо нозик икки елкамда,  
 Кўҳиқофдек оғир юк бўлди.  
 Минг тарафга шамолдек елиб,  
 Ташвишларим жуда кўп бўлди.

Ғийбатлари қаддим тик тутиб,  
 Юрмоқликни менга ўргатди.  
 Тузоқлари қўйган говлари,  
 Олга юрмоқликни ўргатди.

Шукур, энди ўғил-қизларим,  
 Неваралар – ўчмас изларим.  
 Қўшиқ қилиб, шеър қилиб айтар,  
 Оддийгина айтган сўзларим.

Яна нима кам деб айтаман,  
 Ёғий боши хам деб айтаман.  
 Ўзим очган шу йўлим, шукур,  
 Ватан, ғамим йўқ деб айтаман.

**Каттақўрғон шаҳри.**



## Вячеслав МИКРЮКОВ

\* \* \*

*Кетган кунингни қўмсама,  
Кечаги дўст бугундир биров.  
Култўдадан учқун излама,  
Иситмайди кечаги олов.*

*Ҳаддан ортиқ эскирган, тўзган,  
Муҳаббатнинг эски чопони.  
Янги қирғоқ томонга сузгин,  
Қолган бўлса, рамақда жонинг.*

*Яхшиси шу: пул тўпла ҳалол,  
Ҳалолликдан жонингда роҳат.  
Янги чопон харид қилгин-у  
Кетавергин излаб фароғат.*

\* \* \*

*Муҳаббат таъмирга муҳтож бўлмайди,  
Нурагай, тугагай эскирган куни.  
Истаган лаҳзада қалбингга кириб,  
Истаган лаҳзада тарк этар уни.*

*Муҳаббат доимо ўзгармас каби –  
Туюлгай у билан яшаганинда.  
Йиллар ўтиб бир кун диллар матлаби,  
Ғалат туюлгай кўз ташлаганинда.*

*Аммо сен кулмоққа шошилма,  
Қачондир тақдиринг боғлаганиндан.  
Кулма, кулма гуноҳкор юракдан,  
Фақат табассум қил, жилмайгин холос.*



\* \* \*

*Умр тушдан оғди, кеч тушди,  
Қуёш уфққа бош қўйди, ана,  
Аммо ханузгача менинг қалбимда,  
Битмаган яралар, битмаган яра.*

*Аллақачон кечди ёшлик ҳам,  
Мен ўзгардим, улгайдим, ўсдим.  
Тонглар отар ва шомлар тушар,  
Келмай қўйди ул эски дўстим.*

*Мен тикилиб вақт лорнетидан,  
Йилларимга такрор ва такрор.  
Кўрдим унда ажиб бир сирни:  
Ҳаётда йўқ энди ҳеч асрор.*

\* \* \*

*Булутлар бир тарқалса,  
Яна бир тўпланади.  
Аммо одам ажралса,  
Бошқа-бошқа бўлади.*

*Голливуд юлдузчаси,  
Ҳаётда дуч келмайди.  
Ҳаммаси тасодифдир,  
Қайта қайтарилмайди.*

*Нима бўлса, бўлди-да,  
Ҳеч ким армон этмайди.  
Тақдирда шу бор экан:  
Кетган тўлқин қайтмайди.*

**Русчадан О.ҲОЖИЕВ  
таржимаси.**



## Марди НУРИДДИНОВ



### КЎЗИМГА ТЎТИЁ

*Ватан – сенсан менинг боғим,  
Ҳаётим бахтга чош этган,  
Суянчим беқийёс тоғим,  
Дилим мисли қуёш этган.  
Бошимда доим ардоғинг,  
Кўнглини шоду ёш этган,  
Ўлан юртим – сени ўпғум,  
Кўзимга тўтиё этғум.  
Булоқдек қайнаган қалбим,  
Юракда катта тўфонсан,  
Севинчимсан, алам, дардим,  
Мисоли тоза виждонсан,  
Садоқат – бир умр қарзим,  
Ўзинг жисмим аро жонсан,  
Ўлан юртим – сени ўпғум,  
Кўзимга тўтиё этғум.  
Сенинг ҳуснингга ошиқлар  
Узоқ мозийга боқсинлар,  
Тарихингдир безанган зар,  
Унинг ишқида оқсинлар,  
Илмда зўр қуёшинг бор,  
Юракда нурни ёқсинлар,*





Ўлан юртим – сени ўпгум,  
 Кўзимга тўтиё этгум.  
 Буюк бир салтанат қурган  
 Кўрагоний бобонг бордир,  
 Унинг руҳи тирик юрган  
 Маконга зўр гурур ёрдир.  
 Тўмарис-у Широқ янглиз  
 Неча ботирларинг нордир,  
 Улар фахрим, сени ўпгум,  
 Кўзимга тўтиё этгум.  
 Бугун эркин замонангнинг  
 Насими қалбга ёқмишидир,  
 Баланддир шухратинг – шонинг,  
 Мисоли нурда оқмишидир,  
 Жаҳонда ҳилпирар тугинг,  
 Сенга иззатли боқмишидир,  
 Ўлан юртим, сени ўпгум,  
 Кўзимга тўтиё этгум.

## **БЎЛИБ ҚОЛСАМ ЭДИ ЧУМОЛИ**

Иттифоқо бўлиб қолсам эди чумоли,  
 Дала-дашда дўстларимла  
 кезсайдим қатор.  
 Ризқ-рўз учун шошилсайдим  
 ари мисоли,  
 Толеимга шукур дердим,  
 одамга минг бор.  
 Чумолига ҳавасим зўр,  
 унинг қалби пок,  
 Юрагида ёниб турар оловли қуёш,  
 Куч бағишлаб томирида  
 кезар зўр идрок,  
 Кўзларидан боқиб турар  
 туганмас бардош,  
 Нурни севар булутларга ётдир юраги,  
 Офтоб чиқса олам аро кезар қувониб,




Орзулардан бели маҳкам,  
баланд кўкраги,  
Табиатнинг эҳсонидан сипқирар қониб.  
Қаноти йўқ, аммо қучар уни еру кўк,  
Йўлларига гишт деворлар  
қуролмас ҳеч кас.  
Хурлигидан у мисоли бойчибор югурук,  
Бегонадир унга қўрқув ва ёки абас.  
Гар чумоли бўлиб қолсам –  
қирни ўпардим,  
Майсаларга бош қўярдим  
то қонгунимча,  
Ҳар саҳарда тиниқ тонгни  
интиқ кутардим,  
Оташида чўмилардим то ёнгунимча.  
Булутларни хушламасдим,  
рўёларни ҳам,  
Чангалларни ушламасдим,  
бўлмасдим ҳамдам,  
Ризқ излардим Она Ердан  
деҳқондек ўктам,  
Кўкрагимга нур қуярдим ёришса олам.

### ҚЎШИҚ

Боғларингни кезсам гар – дилимда қўшиқ,  
Тоғдан гул узсам гар – дилимда қўшиқ.  
Денгизда сузсам ҳам, кўкда учсам ҳам,  
Тилимда жаранглар туганмас қўшиқ.  
Булутлар елганда бузилмас улар,  
Калхатлар келганда тўзимас улар,  
Дўл ёғиб сел оқса,  
Қўзгалса тугён,  
Барибир қалбимда жаранглар қўшиқ.  
Чунки ҳар лаҳзамиз орзуга туташ,  
Ҳар босган изимиз, билсангиз иқбол,  
Ширин ҳам, аччиқ ҳам,  
Юртимнинг саси,  
Қўшиқда янграгай ҳаёт нафаси.



## Файзи ҲАЙДАРОВ



### УРГУТ

*Сулувликда ўн тўрт кунлик келинчак,  
Юз-кўзингда йўқдир зарра губоринг.  
Эл дардига ярағулик куюнчак,  
Дастурхонга қўйилган ҳарна боринг.  
Жоним Ургут, қоним Ургут, маконим,  
Йироқларни кўзлаган зўр карвоним.*

*Ларзалари рақиб юрагин тиглар,  
Тогларингда чопилганда улоқлар,  
Ошиқ Тоҳир каби зорланиб йиғлар,  
Муҳаббатин яширолмай булоқлар,  
Жоним Ургут, қоним Ургут, маконим,  
Йироқларни кўзлаган зўр карвоним.*

*Келса меҳмон чинорларинг олқишлар,  
Қирларингда мангу ухлар баҳорлар.  
Богларингда ошиқ булбуллар қишлар,  
Жамолингни қуёш согиниб зорлар.  
Жоним Ургут, қоним Ургут, маконим,  
Йироқларни кўзлаган зўр карвоним.*



*Мармар ҳавонг минг бир дардни даволар,  
Чашмаларинг танга роҳатижондир.  
Ҳар тонг сендан бошланадир наволар,  
Ким кўрмаган сени – ранги сомондир.  
Жоним Ургуут, қоним Ургуут, маконим,  
Йироқларни кўзлаган зўр карвоним.*

*Сенга бўлсин истиқлолу омонлик,  
Менга бўлсин бор оғриқли дардларинг.  
Нурга тўлгин, ҳеч кўрмагин ёмонлик,  
Кўзга суртиб яшай тупроқ-гардларинг.  
Жоним Ургуут, қоним Ургуут, маконим,  
Йироқларни кўзлаган зўр карвоним.*

### МАЖНУНТОЛ

*Сой бўйида хомуш сурасан хаёл,  
Қўшигингни тинглар сўлим сой фақат.  
Сен гўё қаршимда паришон аёл,  
Сочларингни ёйиб излайсан шафқат.  
Бу кун қучоғингда туражакман лол,  
Мендек ошиқмисан сен ҳам мажнунтол?*

*Бунчалик замгинсан, эгилган бошинг,  
Сочилган сочларинг ювар кумуш ой.  
Нечун қайрилибди голиб бардошинг,  
Сен каби маъюсдир кўкда синиқ ой.  
Кимни куйлатмайди ахир бундай ҳол,  
Мендек ошиқмисан сен ҳам мажнунтол?*

*Кутганинг шунчалик бағри тошимиди?  
Кутганинг шунчалик бергайми озор?  
Ҳайқирган сой ҳали қайғу ёшимиди?  
Беминнат оғушинг кимга интизор?  
Иккимиз паришон сурамиз хаёл,  
Мендек ошиқмисан сен ҳам мажнунтол?*



*Ошиқлар огушинг айлайди маскан,  
Ошиқлар тилайди сенга бахт, зафар.  
Сен доим висолга бўласан ватан,  
Сулувсан, суюксан, сен яшил дилбар.  
Ошиқлар бахтига кўрмагин завол,  
Мендек ошиқмисан сен ҳам мажнунтол?*

*Соғинч азобига ясалар яқун,  
Сой каби мавжланар висолинг боли.  
Куёшдек чарақлаб балқади бир кун,  
Бизни соғинтирган дилбар жамоли.  
Иккимизга кулиб боққуси иқбол,  
Мендек ошиқмисан сен ҳам мажнунтол?*

**Ургут тумани.**





## Кубарро БАҲРОМОВА



### САМАРҚАНДИМ

*Қучоғингдир бу дунёнинг жаннат жойи,  
Тупроғингдур авлиёлар хоки пойи.  
Чироғингдур авлиёлар юлдуз, ойи,  
Самарқандим, бўйларингдан айланайин.*

*Етти иқлим эшитгандир овозангни,  
Шаҳрим, ўзинг сайқалисан ер юзининг,  
Меҳмон келар очгил энди дарвозангни,  
Самарқандим, тўйларингдан айланайин.*

*Чиройингга чирой қўшар зар Зарафшон,  
Қизларингга шайдо бўлар жумла-жаҳон.  
Ўғилларинг қўшаётир шонингга шон,  
Ўғилларинг, қизларингдан айланайин.*

*Аллоҳимнинг назарига тушган шаҳар,  
Улуғларнинг изларини қучган шаҳар.  
Осмонида Ҳумо қуши учган шаҳар,  
Улуғларинг изларидан айланайин.*

*Ҳавас қилди қанча шоҳ-у қанча зўрлар,  
Кимлар етиб, кимлар етмай қолди зорлар.  
Насиб этди кимга шон-у кимга дорлар,  
Самарқандим, тарихингдан айланайин.*



*Буюк Темур, Улугбекнинг хоки сенда,  
Шоир ва шоҳ Бобурнинг ҳам оҳи сенда.  
Маишурликда шаҳарларнинг шоҳи сен-да,  
Самарқандим, таърифингдан айланайин.*

*Тўрт тарафдан қутлаб келар меҳмонларинг,  
Кўз-кўз бўлар яна юлдуз, осмонларинг.  
Қутлуғ бўлсин бугун янги давронларинг,  
Самарқандим, ҳур чоғингдан айланайин.*

*Минг шукурким, яшайман қучоғингда,  
Саболаринг наво айтар қулогимга.  
Кошки бир гард бўлолсайдим тупроғингга,  
Самарқандим, тупроғингдан айланайин.  
Самарқандим, бўйларингдан айланайин.*

## АЁЛ

*Мартнинг қадамидан уйғонар олам,  
Баҳор гўзаллиги аёлга совға.  
Аёлни баҳордан қизғониб бирам,  
Чақинлар оламга солади гавго.*

*Пойида эрийди аёзлар, қорлар,  
Аёл учун келар тўрт фасл жами.  
Аёлга парвона гуллар, баҳорлар,  
Энг гўзал фаслда келар байрами.*

*Аёл нигоҳидан дилга тушар ўт,  
Билаги зўрлар ҳам севгисига қул.  
Унинг борлигидан оилада қут,  
Жамоли олдида нима бўпти гул.*

*Омонат жонини гаровга қўйиб  
Дунёга гўдакни келтирган – ўша.  
Ёлғиз юрагини оловга қўйиб,  
Болам, деб ўзини унутган – ўша.*



*Шу азиз инсоннинг байрами бугун,  
Дунё газналари арзимас совға.  
Аёл юрагида қолмасин тугун,  
Дилини оғритган этингиз тавба.*

*Ҳузурига қайтинг, адашган ёрлар,  
Сизнинг келишингиз бебаҳо тортиқ.  
Мард бўлиб узур денг, белбоги борлар  
Сизни ким севади аёлдан ортиқ.*

*Ҳар бир хонадоннинг офтоби ўзи,  
Аёл қадамидан бошланар саҳар.  
Илҳом фариштаси дилимнинг сўзи,  
Байрамнинг муборак, муборак баҳор!*

**Оқдарё тумани.**







## Йўлдош СҮЮНОВ



### САМАРҚАНДА

*Дунё илмин фидолари, фузалолар Самарқандда,  
Соҳибқирон Амир Темура, уламолар Самарқандда.*

*Регистон-у, Шоҳи Зинда, осмонўпар Расадхона,  
Ҳазрат Хизр, Қусам Аббос, авлиёлар Самарқандда.*

*Афросиёб – мозий сири, Сўғдиёна ҳилқатлари,  
Китоб ушлаб умри ўтган анбиёлар Самарқандда.*

*Кўкка боқиб санаб кўрсам минг ўн саккиз юлдуз турар,  
Улугбекнинг шуҳратидан маҳлиёлар Самарқандда.*

*Жомий ҳазрат дуо қилган, Хўжа Аҳрор меҳрин қўйган,  
Чокардиза бағри тўла – тўтиёлар Самарқандда.*

*Тупроғида Навоийнинг кўп табаррук излари бор,  
Бибихоним сабогидан агниёлар Самарқандда.*

*Абу Мансур Мотуридий ҳар тонг туриб тавоф этгум,  
Бухорий-у Айний домла, Абдуллолар Самарқандда.*

*Ҳожи Абдурасул бобом оҳанглари қулогимда,  
Маҳдум Аъзам, Бехбудийлар – нур-зиёлар Самарқандда.*



*Саид Ризо Ализода ҳам Ботурхон Валихўжа,  
Ислол арқонлари вожиб, бор ҳаёллар Самарқандда.*

*Самарқанднинг сийратларин айтавериб сўзим етмас,  
Аҳли олим, шифокорлар, нур-зиёллар Самарқандда.*

## БУ ШУНДАЙ ВАТАН

*Бу шундай Ватанки, тупроғи олтин,  
Қуёши чарақлаб, нур сочар зардан.  
Бағрида эрк топар – барча тенг лочин,  
Осмони мовийлик ила чулгонган.*

*Бу шундай Ватанки, боғлари бўстон,  
Тинчлик шиори бор – дунёда дoston.  
Мақсади – фаровон келажак қурмоқ,  
Алломии фарзандлар сарҳадда посбон.*

*Мозий варағида шарафли битик,  
Мустақил юртимнинг улугдир номи,  
Тенгдошлар сафида байроғи бор тик,  
Буюк минбарларда доно каломи.*

*Бунда Афросиёб, бунда Регистон,  
Добус қалъасида тарихимиз жсам.  
Тошкент пойтахти-ю, Самарқанд шағни,  
Ер юзин сайқали ҳам боғи Эрам.*

*Бу шундай Ватанки, боғлари бўстон,  
Тинчлик шиори бор – дунёда дoston.  
Мақсади – фаровон келажак қурмоқ,  
Алломии фарзандлар сарҳадда посбон.*

## Нуриддин БОБОҚАНДОВ



### МАЪНАВИЯТ НАДУР?

*Тош асрида горларга  
Чизилган сувратлардан  
Ойга қадаб қўйилган  
Давлат байрогигача,  
Муқаддас китобларда  
Битилган ҳикматлардан  
Мулла Тўйчи ҳофизнинг  
Насри ушшоғигача  
Мангу абадиятдир,  
Қутлуг маънавиятдир.*

*Не бор асли оламда  
Сув ва ҳаводек зарур,  
Ҳазрати Инсонга хос  
Тириклик тамал тоши,  
Оловни кашф этган зот  
Афсус қилурми, гурур  
Ўзига олов қўйса,  
Кимдир тугаб бардоши.  
Дилда не бўлса ният,  
Барчаси – маънавият.*



*Биров шаҳид бўлмақни  
Айлади азми қарор,  
Биров ҳажж тижоратин  
Фойдасидан бахтиёр.  
Яратган Ҳақ йўлида  
Кимдир ҳақиқатга қул,  
Туҳмату игво билан  
Кимдир туну кун машғул  
Ранг-баранг фаолият,  
Мажмуи маънавият.*

*Дунёни берсанг биров  
Ютоқиб дейди: – бу кам.  
Кимдир ўйламас ҳатто  
Қорин қайғусини ҳам.  
Биров элим – юртим деб  
Этик ечмай сув кечар,  
Биров сариқ чақа деб  
Виждонидан воз кечар.  
Барчаси табиатдан  
Илло, маънавиятдан.*

*Маҳшар куни Маширабнинг  
Чеккан фигони оҳи,  
Фурқатнинг фироқдаги  
Ёлғиз содиқ ҳамроҳи;  
Саодатли онларда  
Дилларга бериб ором,  
Ташишили маҳалларда  
Кундузинг этгувчи шом  
Боз ана шу қудратдир,  
Қодир маънавиятдир.*

*Обод бўлса турмушинг,  
Ҳаёт бўлса фаровон,  
Энг эзгу муддаолар  
Бўлиб қолмаса армон.*



*Кексалар ардоқда-ю,  
Ёшлар бўлиб хизматда,  
Муаммолар ҳал бўлса  
Адолатли нисбатда.  
Бу қутлуғ жамиятдир  
Боис – маънавиятдир.*

*Айтган ҳар калимангда  
Бўлса турфа маънолар.  
Яшасанг Яратганга  
Айтиб ҳамду санолар.  
Тақдири қисматингдан  
Яшасанг рози мамнун,  
Нурий, кечган умрингда  
Бўлса маъно-ю мазмун,  
Оллоҳдан иноят бул,  
Олий маънавият бул.*





## Воҳид ЛУҚМОН



### ҲАР НАФАСДА САМАРҚАНДНИ СОГИНАМАН

*Юрагимга тушунмайман, нима истар,  
Кўкайимга ботган дарддан озгинаман.  
Кўзларимга қаролмайман – боқар музтар,  
Ҳар нафасда Самарқандни соғинаман.*

*Кеча келиб, бугун яна кетгим келар,  
Мошинларда илдам-илдам етгим келар,  
Дадамга деб Сиёбдан нон элтгим келар,  
Ҳар нафасда Самарқандни соғинаман.*

*Онамдайин йўл қарайди эски дарча,  
Занглаб кетган зулпаклари гўё зарча,  
Янги шодлик бўлолмаскан эски дардча,  
Ҳар нафасда Самарақандни соғинаман.*

*Қалдирғочнинг боласидай чирқирар дил,  
Оғизлари каппа-каппа – зирқирар дил,  
Ариқ бўйи, қалампир ўт, уватли йўл –  
Ҳар нафасда Самарқандни соғинаман.*

*Ишкомларда чуғурчуқлар ҳакалаклар,  
Хандалари бирам хушбўй хандалаклар,  
Камалакдек товланади гулпалаклар –  
Ҳар нафасда Самарқандни соғинаман.*



*Димоғимдан кетмайди тандир тутуни,  
Тушларимга кирар ҳар хаси, ўтини,  
Кўргим келар баъзан бுவим шотутини,  
Ҳар нафасда Самарқандни соғинаман.*

*Кўксаройнинг кўксин тешган янтоқларин,  
Қовжсираган Афросиёб яйдоқларин,  
Шоҳи Зинда бағридаги қадоқларин,  
Ҳар нафасда Самарқандни соғинаман.*

*Айтай десам, она, кўнглим тўлиб кетди,  
Айтаверсам – ёмғир бўлиб ёғинаман.  
Сизни жуда кўргиларим келиб кетди –  
Ҳар нафасда Самарқандни соғинаман.*

## ВАТАН

*Шундай яшаб, шундай ўлсам бас,  
Чўнг хаёллар топтамас хушни.  
Шундадир эрк, шундадир қафас –  
Макони бир қишламас қушининг.*

*Фаслларга эмасман қарам,  
Ой-юлдузлар олмас хаёлим.  
Тангрим, ўзинг қарам қил, қарам,  
Ишқдан ўзга эмас аъмолим.*

*Қадаҳларни синдирдим чил-чил,  
Одамликнинг остонасида.  
Руҳим, энди узлатга чекил,  
Ватан дегич хилхонасига.*

*Энди қизлар кокилин эмас,  
Сила қадим деворларини.  
Қучоғинга ол-у бўл сармаст  
Самарқанднинг минорларини.*

*Бўза ҳидли ашъорлардан кеч,  
Ўйинқароқ ўйларингни кўм.*



*Элнинг тахир кўзёшларин ич,  
Ота юртнинг ўтмишига чўм.*

*Тангри солган жойнамоз – тупроқ  
Лаб бос оёқ босмасдан аввал.  
Аждодингдир ҳар битта гийёҳ,  
Тупроқ – одам азалдан-азал.*

*Кафтингни оч, шукур қил, руҳим,  
Эл иймонда, миллат иймонда.  
Тугилмоқ бахт, ўлмоқ бахт, илло  
Фақатгина ЎЗБЕКИСТОНДА!*

\* \* \*

*Уқувсиз бир меъморман, ҳануз –  
На-да руҳим, на тан битадир.  
Вайрон бўлсам, тиклайди бир сўз:  
Худо барҳақ, Ватан биттадир!*

*Юрдим – дарё, ўтирдим – бўйро,  
Бул дайрда бул не сайр, о,  
Ўзни топдим ўзимдан айро,  
Худо барҳақ, Ватан биттадир!*

*Майсазорда қулундай чопдим,  
Одам Ато, улингдай чопдим,  
Ишиқ – пок мато, эгнима ёпдим,  
Худо барҳақ, Ватан биттадир!*

*Бир юрт берди тупроғи тилло,  
Бир эл берди юраги дарё,  
Бир сўз берди: Алҳамдулиллоҳ,  
Худо барҳақ, Ватан биттадир!*

*Тузросин ўп, баланд тут туғин,  
Беи вақт бешта бармоқдай йигин,  
Аллоҳдан сўнг миллатга сизин,  
Худо барҳақ, Ватан биттадир!*





## Ориф ТЎХТАШ



### МУҚАДДАС ВАТАН

*“Ватаннинг ҳар хизматига тайёр тур, болам,  
Мард ва жасур юрт ўғлони бўл!” дейди онам.  
Тупрогингни кўзларига сураркан отам,  
Сен буюксан, муқаддассан, эй, она Ватан!*

*Энг навқирон ёшга тўлди озод, ҳурлигинг,  
Яна қаддинг ростлаб берди мард, мағрурлигинг,  
Фарзандларинг кўзларида бахт, масрурлигинг,  
Сен буюксан, муқаддассан, эй, она Ватан!*

*Аждодларим заковати, шуҳрати-шони,  
Ҳайратларга солиб келар ҳануз дунёни,  
Ўзлим ёзар кеча-бугун таниб имлони:  
“Сен буюксан, муқаддассан, эй, она Ватан!”*

*Ўлкаларни елкалаган момо Ер айтсин,  
Номинг қўшиқ қилиб айтсин, боғлаб шеър айтсин,  
Сайёралар аро янграб бир садо қайтсин:  
“Сен буюксан, муқаддассан, жон Ўзбекистон!”*

*Кечалар – ой, кундузлари – қуёшим билан,  
Шу тупроққа гул экдик ҳар юртдошим билан,  
Катта йўлга чиқдик бугун Юртбошим билан,  
Сен буюксан, муқаддассан, эй, она Ватан!*



*Бир фарзандинг кўксин керса жонингга жон, деб,  
Яна бири илм истар, шонингга шон, деб,  
Биз ҳар тонгда уйғонайлик, “ЎЗБЕКИСТОН”, деб,  
Сен буюксан, муқаддассан, эй, она Ватан!*

## СЕНСАН

*Кўзларингни оху десам,  
Оғудан ҳам ёмон чиқди,  
Ўзинг айт-чи, қайси ошиқ –  
Бу савдодан омон чиқди?  
Мен зулматда қолиб, шамс-у –  
Қамар сенинг томон чиқди,  
Не бир дардга дучор этдинг,  
Кечай десам даво – сенсан!*

*Нигоҳингдан кўз қамашиди,  
Қалб қамашиди, ҳушим йўқдир,  
Сен иштирок этмаган ўй,  
Сен кирмаган тушим йўқдир,  
Юрагимни шикор этдинг,  
Энди кўнгил қушим йўқдир,  
Нафас етмас, лабларимга –  
Лабингни бос, ҳаво – сенсан!*

*Шундоғам агёрларимнинг  
Бисёр эди заҳматлари,  
Ва нега ҳам қодир бўлур –  
Адо дилнинг нафратлари?!  
Вужудимни чирмаб олмиш  
Мағлубият гафлатлари,  
Яратганнинг раҳматидай  
Не ажаб, муддао – сенсан!*

*Ошиқ яна абгор дилим –  
Гоҳи мулзам, гоҳи хурсанд,  
Бу олам шунчалар ойдин,  
Сен ҳақингда хаёл сурсам,  
Бир жилмайиш жавоб бўлгай –*



*Ҳукминг сари савол сурсам:  
Сири учган бу дунёда –  
Бунча сирли маъво – сенсан?!*

*Раҳмдиллик кўчасига –  
Йўлинг тушиб қолса бир кун,  
Момо Ҳаво қадамингни –  
Ўз измига олса бир кун,  
Ва юрагинг қатларига –  
Қайноқ ҳислар солса бир кун,  
Парвардигор менга кўрган –  
Шояд ўшал раво – сенсан!*

### ОНАМ АЛЛАСИ

*Куйга ошно этган инсон кўнглини,  
Балки ярим тундир, ё тонг палласи.  
Шоир қилиб қўйган мендай ўғлини,  
Онамнинг алласи, онам алласи.*

*Мурғак идрокимда илоҳий наво –  
Чулғаб олар мени, худ оҳанрабо.  
Эзгу сўзлар билан тузилган раво –  
Онамнинг алласи, онам алласи.*

*Авалло шу юртга тинчлик тилаган,  
Юз-у кўзларимни майин силаган,  
Бедорликда тунни тонгга улаган –  
Онамнинг алласи, онам алласи.*

*Бу оҳанг, бу сўздан аъло топмадим,  
Шоирман, шеъримдан маъно топмадим,  
Ҳофизлардан алланамо топмадим,  
Онамнинг алласи, онам алласи.*

*Алла тинглаганнинг ҳаёти гўзал,  
Уни англаганнинг ҳаёти гўзал,  
Барибир онамнинг баёти гўзал –  
Онамнинг алласи, онам алласи!*



## Нодир ЖОНУЗОҚ



### ИЗҲОР

*Фарзанд – кўкайингдан силқиб чиққан бол,  
Шириндир ҳар ўйин, қилиги, дўстлар.  
Фақат оқил бўлсин, бўлсин баркамол,  
Тўқ бўлсин мағзи-ю илиги, дўстлар.*

*Кўнглини ёритсин бир равшан гоя,  
Юртга кўрғон бўлсин, элига – қоя,  
Ахир, тантилиқдан қилар ҳикоя –  
Минг йиллик «Қутадғу билиг»и, дўстлар.*

*Ғамдан йироқ бўлсин,  
Кулфатдан йироқ,  
Нурсиз давраларда сўнмасин, бироқ,  
Ўчмагай дилларда кўз очган чироқ,  
Агар тоза бўлса тилиги, дўстлар.*

*Не олис буржлардан инса-да зиё,  
Ёнида соядай липиллар риё,  
Кекса қиморбозга ўхшар бу дунё,  
Аврайди қарға-ю чиллиги, дўстлар.*

*Паноҳимиз битта – шу ўктам диёр,  
Яхши-ёмон кунда бўлсак дастёр,*



*Тоабад эминмиз, бекам, бахтиёр,  
Хуш ёқар совуғ-у илиги, дўстлар.*

*Замон чархпалаги айланар шитоб,  
Хаяжон забтида турибман шу тоб.  
Қўлингизга тушган шу юпқа китоб –  
Юрагимнинг битта тилиги, дўстлар!*

### ИЛИНЖ

*Қўлимдан бирор ши келмайди асли,  
Гоҳо эплотмайман рўзгор камини.  
Ва лекин ўйлайман муттасил –  
Мук тушиб дунёнинг гамини.*

*Тобора қалтисдир Ерда вазият,  
Тобора урчийди фитна,  
Қаттол жанг.  
Бегуноҳ гўдаклар чекар азият,  
Заифлар эзилар – ҳоли танг.*

*Қайдадир –  
Қаҳвани бир ҳўплаб қўйиб,  
Ёвуз режалардан бўлиб маст-сархуш,  
Бир тўда оқбилак тузади ўйин,  
Иблис найрангини ҳар тонг кўриб туш...*

*Ўйлашар:  
Заминни тарвуздай кесиб,  
Иштаҳага қараб тиликласак, дер.  
Ва ёки анордай сувини эзиб,  
Пўстлогини кейин силлиқласак, дер.*

*Бир ўзин ўйлайди нобакор, мардуд,  
Гарчи ҳилпиратар рангин шиорлар.  
Орзуси – дунёни бўғса қора дуд,  
Унга хизмат қилса барча диёрлар...*



*Билмаски,  
Меҳнатда ёрилган шу қўл,  
Шу товон, офтобда қорайган шу юз –  
Қиёмат кўпса ҳам ахтаради йўл,  
Қасос деб тунлари сирқирар маъюс.*

*“Сенга не?!” – дейсизми, –  
Ахир, юртинг тинч,  
Ватанинг озод-ку – беқиёс имкон...”  
Айтинг, қандай қилиб татисин севинч,  
Ернинг бир бурчида қон ютса Инсон.*

*У менинг иним-ку,  
Сизга ҳам жигар –  
Тобакай хун тўлар машъум хатога.  
Худонинг олдида тергаб қолса гар,  
Не деймиз қадди дол Одам Атога?!*

*Фарзандлар бир-бирин қилишса горат,  
Бир-бирин бўззига чанг солишган дам –  
Сезаман: бўзлайди, чўкади гоят,  
Жаннатда соч юлиб Момо Ҳаво ҳам.*

*Сиз эса латифа сўйлайсиз кулиб,  
Гулгун бўйинбоғни тугаркансиз шод.  
Менинг-чи, юрагим тугундир... Куйиб,  
Инграйман – тушимга кирар “Ахборот”.*

*Бирор иш келмайди қўлимдан гарчи,  
Гоҳо эплолмайман ўзимнинг камим.  
Истайман: бўлсам-у чақмоқдай жарчи,  
Арш қадар етказсам одамнинг гамин.*

*Шубҳасиз, бир куни топар ҳақ қарор,  
Тўлади самонинг сабр косаси.  
Дажжол тўдасига дунё бўлар тор,  
Мазлумлар олади қарзи – қасосин.*



*Чехралар ёришар эрк ёққан шамдан,  
Эрийди дилларни эзган асрий тош.  
Балки, тушунарсиз мени ўша дам –  
Кўзингиздан томар икки томчи ёш...*

## ҚАЙТИШ

*...Ва ниҳоят тегди-ю таътил,  
Қанот ёзиб қишлоққа учдим.  
Ҳар лаҳзаси – асрга татир...  
Дуч келган ҳар дарахтни қучдим.*

*Йўл бошида учта қари Тол,  
Келдингми, деб бошим силади:  
“Бизни анча кутдирдинг, алҳол,  
Сабримизни ёки синадинг...”*

*Офтоб ёнар...  
Эрийди дийдам,  
Ўша чанг йўл ва пахса девор.  
Бир бурчакда мункайган Жийда  
“Уф” тортар-у... пуркайди ифор.*

*Йўл босаман ариқ ёқалаб,  
Ҳовуз бўйлаб кираман боққа.  
Лаш-лушимни секин орқалаб,  
Салом, дейман Бобоёнгоққа.*

*Чапак чалай дейди-ю, бироқ  
Қотар каллак қилинган Тутлар.  
Танасида – аламли титроқ,  
Мендан таскин ва далда кутар.*

*Бош эгаман...  
Ахир, айбим мўл,  
Хижолатдан қизарар юзим.  
Шивирлайди: “Ошна, бардам бўл!” –  
Ишкомларга тирмашган узум.*



*Бош суқаман таниши ҳовлига,  
Остонадан ҳатлаганим чоқ –  
Силкинади – қаттиқ ҳовлиқар  
Қўшни уйдан мўралаган Нок.*

*“Узоқ кетдинг жуда ҳам, эҳ-ҳе...  
Неча марта пишди гўрамиз...” –  
Гина қилар Ўрик ва Беҳи,  
Кетмайсанми – энди кўрамиз...”*

*Хуллас, бари бир-бир дарақлар,  
Чўкким келар ҳаммасига тиз.  
Қўллаб турса шундай дарахтлар,  
Яна бунда отаман илдиз...*







## Нормурод КАРИМЗОДА (КАРИМОВ)



### КЕКСАЛИК ДУНЁСИ

*Кексалик – ҳикматдан яралган олам,  
Шон-шараф мулкининг улуғ султони.  
Унга ёт эмасдир шодлик билан гам,  
Шубҳасиз, уйғоқдир виждон-имони.*

*Кексалик – умрнинг чин сарҳисоби,  
Маррага етмоқнинг асл палласи.  
Сабр-қаноатнинг эзгу жавоби,  
Ранг-баранг қисматнинг куй таронаси.*

*Кексалик – шарқона мумтоз тафаккур,  
Баркамол авлодга имтиҳон, сабоқ.  
Улуғ ёш инсонга бергай нур, сурур,  
Бундайин иқболни кут очиб қучоқ.*

*Кексалик – ёшликка қўйилган ҳайкал.  
Орзулар дуолар лиммо-лим юрак.  
Бахтиёр кексалик мунча ҳам гўзал,  
Завқ ила нур томон интилмоқ керак!*

*Кексалик – зар билан ёзилган китоб,  
Чуққилар бошида порлаган қуёш.*



*Унда бор ибратли хислат беҳисоб,  
Сизга ҳам тилайман оқ йўл, замондош.*

*Кексалик – сочларга кўчган нур-зиё,  
Пок тилда шукрона, ҳадис ва оят.  
Кексалик – бир конки тубсиз, бебаҳо,  
Маънавий жавоҳир унда қатма-қат.*

### ИНСОН АЗИЗ

*Сен улуғ Ватанда азиз, мўътабар,  
Ҳак-ҳуқуқ, эъзозинг тоғдайин баланд.  
Жаҳон кўз ўнгида бўй-бастинг билан,  
Ифтихор қилишига бўлдинг шарафманд.*

*«Самарқанд» аталмиш кичик сайёра,  
Асримиз илмида янги кашфиёт.  
Юртимиз фалакка қўйди нишона,  
Шундайин ишларга деймиз ҳасанот.*

*Қалбингда жўш урар Ватан туйғуси,  
Бағрикенг озодсан, бахтиёр инсон.  
Сен учун қалқондир эл-юрт қомуси,  
Бошингда қуёш ҳам порлар нурафшон.*


*Ҳеч кимдан кам эмас кадр-қийматинг,  
Орият, номусдан яралган ҳилқат.  
Дунёни забт этди ахир довругинг,  
Қалбингни безайди меҳр-мурувват.*

*Эҳтирос, ҳайратдан дарёдай тошиб,  
Борлиқни гуллатар буюк одамзод.  
Ақлидан, ҳулқидан, меҳнат завқидан,  
Тил тишлаб қолади ҳатто коинот.*

**Самарқанд тумани.**



## **Зиёдулла бахши ИСЛОМОВ**



### **ТҮЙИНИГ МУБОРАК!**

*Ўз тамганг бор, Қомусинг бор ўзингдай,  
Байрогинг-у мадҳиянг ҳақ сўзингдай,  
Юртбошинг кўкдаги бахт юлдузингдай,  
Тўйларинг муборак, онам – Ватаним.*

*Богларинг жаннатдир, булбуллар хушхон,  
Номингни ёйғум бор, элларга дoston.  
Бахтингга келди – у мустақил замон,  
Тўйларинг муборак, онам – Ватаним.*

*Серқуёш тупрогинг олтин-у гавҳар,  
Меҳнаткаш халқинг бор, ундиради зар,  
Кетгиси келмайди ким келса агар,  
Тўйларинг муборак, онам – Ватаним.*

*Ҳумо қуш турибди тамгангда мағрур,  
Инсонлар юзида балқиб борар нур,  
Истиқлол бергандир янгича шуур,  
Тўйларинг муборак, онам – Ватаним.*

*Қайтадан тирилди қадимги тарих,  
Ҳар ишни бошласанг йўлларинг ёруғ,  
Ёшларинг топмоқда дунёда довруг,  
Тўйларинг муборак, онам – Ватаним.*



*Эрамнинг богидан гўзал элларинг,  
Парилар назари тушган гулларинг,  
Багрингни яшнатур Орзигулларинг,  
Тўйларинг муборак, онам – Ватаним.*

*Минг офарин сенинг қадди-бўйингга,  
Жон тасаддуқ эркин, озод йўлингга,  
Зиёд бахши куйлар байрам тўйингга,  
Йигит ёш муборак, азиз Ватаним!*

### УСТОЗ

*Меҳрингизни ёш ниҳолга берсангиз,  
Бозбон мисол мевасин ҳам кўрсангиз,  
Энг улуғ зот деганлари худди Сиз,  
Мадҳингизни куйлай бугун, устозлар.*

*Кўз ёшимни онам каби артганлар,  
Отам мисол насиҳатлар айтганлар,  
Қалб кўридан меҳр нурин элтганлар,  
Шаънингизни дoston қилсам, устозлар.*


*Оқтош элдан учган ўрдак, минг гозлар,  
Қайда юрса сизни эслаб, эъозлар,  
Бахшилари мадҳингизга соз созлар,  
Мадҳингизни куйлай бугун, устозлар.*

*Кўнглингизга мудом эшидир яхшилик,  
Сиз-ла мазмун топғусидир ҳур ёшлик,  
Қўлда созим, қилар бўлсам бахшилик,  
Шаънингизни дoston қилсам, устозлар.*

**Нарпай тумани.**



## Абдумурод ИСМАТОВ



### ҒАЗАЛ

*Асрасин Тангри мудом, турли балодан асрасин,  
Бедаво дарддан, яна бевақт қазодан асрасин.*

*Ўт балосиндан ҳазар, сув балосиндан ҳазар.  
Бошига тухматдан етувчи можародан асрасин.*

*Кўз қаро, қоши қаро, зулфи қаролар бўлса хўп,  
Илтижо қилгум вале, кўнгли қародан асрасин.*

*Гарчи оламда яшаш дўст-оиносиз кўп қийин,  
Кўзга чўп солгувчи, аммо оинодан асрасин.*

*Нафс итин олқишлаган нопок хаёлдан алҳазар,  
Дилга вос-вос солгувчи фаҳишу зинодан асрасин.*

*Барча офатдан, муродий ишққа хиёнат ёмон,  
Шул қиёматлик азоб-рашқи балодан асрасин.*

### ЭЪТИРОФ

*Мен ўзни ахтардим тоғлар ёнидан.  
Баланд чўққилардан ахтардим ўзни  
Юсакда фазолар каҳқошонида.  
Порлоқ юлдузларга тикканман кўзни.*



Ўзлим ахтариб ўрмонга бордим,  
Дарахтларга айтдим: «Кўрсатинг мани!»  
Барчасин жонига тегиб юбордим,  
Безорижон қилдим ҳамма, ҳаммани.

Кундуз Қуёш. Тунда ойдан ҳам сўрдим.  
«Сизга ёндошдирман ростини айтинг!»  
Улар сас-садосиз юзини бурди,  
Билдимки, мен фақир оддий бир дайди.

Бир кун кўриб олдим ўзимни ногоҳ,  
Ахтарган жойимдан жуда ҳам йироқ.  
Ўксидим: «Намунча изладим, эвоҳ.  
Ўзни топмаганим эди яхшироқ.

Юксак чўққидамас, сойда эканман,  
Улкан чинор эмас, майса эканман.  
Қалбда огриқ билан тан олай энди,  
Афсус, жуда-жуда майда эканман».

**Пайариқ тумани.**



## Раҳимжон НАИМ



### ВАТАН

*Ватан мадҳи – туганмас қўшиқ,  
Қуйламоққа чин қалблар жўшиқ.  
Она-бола муҳаббатидек  
Туташи меҳр айлағай эшилик.*

*Ватан меҳри элимга пайванд,  
Чунки унга биз жсон-жигарбанд.  
У халқини ардоқлар экан,  
Гуллатади юртини дилбанд.*

*Ватан, ҳар бир қаричинг азиз,  
Ҳар неъматинг асалдан лазиз.  
Ҳимояга меҳнатимиз-ла  
Камарбаста дилбандларинг биз.*

*Сен-ла яшар Юртбошимиз ҳам,  
Гуркирагин, асло бўлма кам!  
Сен деб яшар бутун эл-улус,  
Иқбол қучсанг, кўз ҳам бўлмас нам!*

*Ватан, Ватан, номингга қасам,  
Яшаб турган жсонимга қасам.  
Номардлардек қилсам хиёнат,  
Хокинг ютсин малъун шум танам!*



## ЎЙЛОВ

*Атиргулнинг шабнам инган дудоқларидан  
Кўзлар сари талпинмоқда ажиб дилкашлик.  
Узайми бу нафосатни, ё қолиб кетсин,  
Бу дунёдан баҳра олмай ўтмоқ ҳам гашлик.*

*Ҳис-туйғунинг зўри қақнус этар севгини,  
Гурсиллаган амр берар довюррак қалбга.  
Энтиккунча босар экан қучоққа сармаст  
Эл назари сийлаганлар этар матлабга.*

*Ҳар не қилса оқибатин ўйлайди инсон,  
Бўлур унга фаҳм-фаросат ҳамиша сабот.  
Ақл билан уринишлар етаклар бахтга  
Лек кўрмайин босган қадам келтирар ҳайҳот!*

*Атиргулнинг шабнам инган дудоқларидан  
Кўзлар сари талпинмоқда ажиб дилкашлик.  
Узайми бу нафосатни, ё қолиб кетсин  
Бу дунёдан баҳра олмай ўтмоқ ҳам гашлик.*

## ШОНЛИ ВАТАН

*Дунёда ягона нарса эмас кўп,  
Кўпайса, саноғи бўлмас ягона!  
Муқаддас даргоҳу зот ҳам эмас оз,  
Аслин ўрнин олган эрур бегона.*

*Ёлғиз зоти субҳон танҳо Биру Бор,  
Ундан кейин Ватан якка-ягона.  
Юртлар учун дилбанд сонсиз-саноқсиз,  
Ўз фарзандин тугар ягона она.*

*Кўйиб берсанг нокас ихтиёрига,  
Отадан воз кечиб бошқани танлар.  
Кўзи қийиб туққан онасин сотган  
Ватан танҳолигин қайданам англар?!*






*Ўзбекистон биз-чун ягона Ватан,  
Суюклигидадир буюклиги жо.  
Йиллар ўтган сайин меҳри ошаркан,  
Эл қалбин тўридан топади маъво.*

*Дунёда ягона нарса эмас мўл,  
Кўпайса саноги бўлмас ягона!  
Муқаддас даргоҳу зотлар эмас кам,  
Аслин ўрнин олган эрур бегона.*

*Муқаддас Ватаним, топавер камол!  
Қўллаб борар мудом халқинг, истиқдол.  
Оламда ягона ота маконим,  
Мангу бахт-ла қучган шонли истиқбол.*





## **Зайниддин БАҲРИДДИНОВ**



### **БУЛ КҮНГИЛ**

*Нотавон бул кўнгил айтур: ой каби талғатга боқ,  
Ой сабаб, Аллоҳ яратган ул ажиб санъатга боқ.*

*Лол бўлиб суратдек қотдим ҳусну рўйинг олдида,  
Ёлбарурман бир қиё эй, ой, ўшал суратга боқ,*

*Майли боқма суратимга жони йўқ тандан не суд,  
Кўзларида қота қолган тош каби ҳайратга боқ.*

*Боқмасанг гар суратимга сийратимдан очма гап,  
Сен уни етмайсан англаб минг бор ўшал сийратга боқ.*

*Томчи сувман гарчи ким, гайратим денгизчадир,  
Сен қуёш бўлсанг агарким, мендаги журъатга боқ.*

*Зайниддин, ой юзга боқма, сен ошиқ бўлсанг, вале,  
Моҳирўйларни яратган соҳиби қудратга боқ.*

### **ОНА ТУПРОҚ**

*Нурлар уругин сепгил она тупроқ устида,  
Буни олий мақсад бил она тупроқ устида.*

*Ҳаёт бир бор берилар, яшаб қолгин инсондай,  
Қолдирганинг боғми, чўл она тупроқ устида?*





*Ўйлаб бос ҳар қадаминг, ундан нелар унгувси,  
Ё тиконму ёки гул она тупроқ устида?*

*Ҳар гуноҳу савобни ҳисобловчи – Олий зот.  
Жаннат сари ўтар йўл она тупроқ устида.*

*Менга Фарҳод-у Мажнун ишқини берди Худо  
Жолаларга тўлди дил она тупроқ устида.*

*Ерга кўмдим ишқ тўла алвон-алвон дилимни,  
Лола бўлиб унгай ул она тупроқ устида.*

*Тавоф этгил Зайниддин заминнинг ҳар заррасин.  
Сен яралган “обигил” она тупроқ устида.*

### **ЭЙ, ЖОН!**

*Эй, жон! Нечун яралгансан, бу жумбоқни ечиб бўлмас,  
Дунё гўё ёрилтошдир, бу тилсимни ечиб бўлмас.*

*Тутармиш ул дома-дом жом, бири ширин, бири талхдир,  
Қурби етмайди ҳеч кимнинг, уни бирдан ичиб бўлмас.*

*“Севгилимдан келиб эрдим, сеvgилимга яна қайтгум”,  
Ўртада бор улуг дарё уни отсиз кечиб бўлмас.*

*Гарчанд остимда аргумоқ, сапчиб осмонни кўзлайди,  
Жилов замин қўлидадир, уни шаксиз ечиб бўлмас.*

*Висол қолди қиёматга имоним шунга комилдир:  
Бу дунёдан кечмай туриб, ёр васлини қучиб бўлмас.*

*Валек яхши амал каб эт, бу ҳам сенга омонатдир,  
Аё Зайний, у дунё деб бу дунёдан кечиб бўлмас.*

**Иштихон тумани.**



## Муродхон ЭРГАШЕВ



\* \* \*

*Салом.  
Бу – мен.  
Келдим.  
Қутмаганмидинг?  
Қўзларинг йўлимга тутмаганмидинг?  
Деразанг остидан неча бор ўтдим,  
Парданг нигоҳимдан  
Титраганмиди?  
Дераза ёнида, нигоҳинг пастда,  
Кимнинг таширфини бу қўзлар кутар?  
Эшигинг чертилар.  
Гарчи у очик.  
Хаёлингдан бир зум  
Шу савол ўтар:  
Яна сен?  
Наҳотки?  
Кетмаганмидинг?!  
Менинг-чи, тўрт сўзга  
Етади жоним:  
Салом.  
Бу – мен.  
Келдим.  
Қутмаганмидинг?...*



## ШОИРЛАР

*Қишлоқ қийналиб тугар  
Ҳар шоир боласини.  
Улғайиб ўғил кетар  
Ўкситиб онасини.*

*Она қолар мунгайиб,  
Ота кетмон чопади.  
Шоир ўғил шаҳарда  
Бир кун обрў топади.*

*Қишлоқнинг осмони кенг,  
Шаҳарнинг-чи кўчаси.  
У ёқларда яшайди  
Шоирларнинг нечаси.*

*Қишлоқ кутиб толади  
Ва тунга қўяр бошин.  
Она ўзинча артар  
Чолга кўрсатмай ёшин.*

*Ой ҳам ёнбошлаб қолар  
Осмоннинг бир четига.  
Кампир тамбани қўяр  
Дарвозанинг кетига.*

*“Эртага келар”, деган  
Ўй юпанч хаёлига.  
(Ўгли балки шеър битар  
Шу пайт ўз аёлига)*

*Ота уйгоқ, бир гапни  
Кампирига айтмайди.  
У билади: шоирлар –  
Қишлоғига қайтмайди.*



**Эшқобил ВАЛИ**  
(Абдували ЭШҚОБИЛОВ)



**ОЛТИН САФАР**

*Туркум*

**ҚИШКИ САМАРҚАНД**

*Регистоннинг томидаги қор  
Бунча гўзал, бунча сервиқор;  
Гўё оппоқ салла ўраган  
Тарих отли кекса оқсоқол.*

*Руҳободнинг оппоқ гумбази,  
Момом айтган аллага ўхшар.  
Жаранглайди кумуш овози,  
На унутиб, на эслаб бўлар.*

*Қилич мисол ялтирайди қиш,  
Гўр Амирнинг тарновларида.  
Тўрт томонда тўртта Алпомиш  
Тиг тутгандек бедовларида.*

*Кетиб қолган баҳши бобомлар,  
Регистоннинг миёнасидан.  
Қантар оғса, балки қайтарлар,  
Офтоб тегиб пешонасидан.*



## РЕГИСТОН ҚИЗИ

*Ўн беш кунлик ойдин кунгурак  
Лабларингга тўкмиш табассум.  
Регистонда сайр этган малак,  
Мен ҳуснингдан лол қолдим бир зум.*

*Тиллакори деворида нақш,  
Қароғимга битилган ашъор.  
Бунча сўлим, бунча оромбахш,  
Изларингдан таралган ифор.*

*На мулким бор, на етар хукмим  
Тўхтатгали сени муваққат.  
Юрагимда лиқ тўла ишқим  
Регистонга ва... сенга фақат!*

*Ой рашик қилган бу мовий гумбаз,  
Бибихоним тўқиган палак.  
Шер қувлаган ҳув ўшал оху  
Сен учрагач йўқолган юрак!*





## Муҳаббат ТҶҲТАШЕВА

### САМАРҚАНД

*Самарқанд –  
Отамнинг кўзида офтобим,  
Онамнинг кўкида меҳробим,  
Боламдай суюкли суҳробим.*

*Самарқанд –  
Минорлар – ҳайбати меҳрнинг,  
Хаёллар – ҳайрати сеҳрнинг,  
Салтанат – гурбати қаҳрнинг.*

*Самарқанд –  
Қаҳқашон – юлдузлар жадвали,  
Кўрагон ақлидай долғали,  
Энг дилбар қўшиқсан дилдаги.*

*Самарқанд –  
Ёғийлар талаган тўзимсан,  
Шарқ нақши, чақнаган кўзисан,  
Сароймулк онамнинг ўзисан.*

*Самарқанд –  
Кўксарой – маҳридир нақлнинг,  
Регистон – шарҳидир ақлнинг,  
Энг буюк эҳсони тақдирнинг.*

*Самарқанд –  
Темур сулҳ тузади – осойиши,  
Дилкушо боғларинг – оройиши,  
Ё Худо, бер бизга кушойиши.*

*Самарқанд ...*





## АЛЛА

*Вужудимда меҳр йўли –  
Йўлакчалар очилди,  
Тонг – доянинг этагида  
Йўргакчалар очилди.  
Алла болам, алла-ё,  
Кел, меҳримдан тот, болам.  
Мен сени ухлатайин,  
Сен мени уйғот, болам.*

*Бағримга кел, қулуним,  
Бол-у парим бўлақол,  
Ҳеч нарсага алишимас –  
Олтин-зарим бўлақол.  
Алла болам, алла-ё,  
Андуҳларим от, болам.  
Мен сени ухлатайин,  
Сен мени уйғот, болам.*

*Дунё қўйни-қўнжи тўла –  
Ривоят, матал бола,  
Сен ётасан қўлимда,  
Аллага маҳтал бола.  
Алла болам, алла-ё,  
Қулоқ солиб ёт, болам.  
Мен сени ухлатайин,  
Сен мени уйғот, болам.*

*Ғафлатдек каззоб билан  
Олишиб яшадим мен,  
Нафрат-у азоб билан  
Қоришиб яшадим мен.  
Алла болам, алла-ё,  
Сен меҳрга бот, болам.  
Мен сени ухлатайин,  
Сен мени уйғот, болам.*



*Худо меҳрибонинг бўлсин,  
Фаришталар сақласин,  
Ҳаёт ота бўлиб севиб,  
Она бўлиб алқасин.  
Алла болам, алла-ё,  
Қўй, солмагин дод, болам.  
Мен сени ухлатайин,  
Сен мени уйғот, болам!*


*Ҳали юмуқ сезгиларинг,  
Ҳали ҳаёт янғидир,  
Умр – олам-у одамнинг  
Мурасасиз жанғидир.  
Алла болам, алла-ё,  
Дунё шу, ҳайҳот, болам.  
Мен сени ухлатайин,  
Сен мени уйғот, болам.*

*Яхшиликка қараб яша,  
Кўзларинг яшиноқ бўлгай.  
Тин олиб ётган жажжжи –  
Юракчанг янгроқ бўлгай.  
Алла болам, алла-ё,  
Шод яшагин шод, болам.  
Мен сени ухлатайин,  
Сен мени уйғот, болам!*

*Қувват келиб илоҳийдин  
Ҳисларимни қўзғотди.  
Шир-у шакар гўдагимни  
Алла айтиб уйғотдим.  
Алла болам, алла-ё,  
Асал-у новвот, болам.  
Алла билан сен, аввало –  
Ўзингни уйғот, болам.  
Қалбингни уйғот, болам!*



## Асадуллоҳ ШУКУРОВ



### ҚУЁШ ТУҒИЛИШИ

*Тун!  
Қоронгу!  
Зулумот!  
Қурашар ҳаёт-мамом!  
Самарқанднинг осмонўпар минорлари ортидан  
Кўрдим, саҳар бўзармоқда сабодан  
Тўлғоқ тутган аёл янглиг  
Азоб тортиб оғриқдан.  
Вале, дилда ҳавас ила бор Ватан  
Бир фарзанд қутмоқда  
Бир фарзанд.  
Сония,  
Дақиқа,  
Ўтиб соатдан  
Тик, тик, тик  
Бўйнига тош боғлаб дарёга чўккан  
Ялмоғиз кампирдай зулматни енгиб.  
Осмон бешиги очганча парда  
Киприги намли-ю, лабларда ханда  
Кўринди оқшомнинг жеужуқ гўдаги  
Хуришиди раҳшанда.  
Волида кўксини искаб излаган,  
Тамшианган гўдакдай янги туғилган –  
Хуришида олам,  
Ҳавас ила боқди шу дам  
Регистоннинг зангор минорларига.*



## ВАҲМ

*Бу тириклик даиштида  
Гоҳ оч, гоҳо тўқ бўлдим.  
Неча қайта йўқ бўлдим.*

*Ғанимларга қасдма-қасд  
Оромлардан кечдим мен.  
Шодланилса «ўлди!»-деб,  
Кафанимни ечдим мен.*

*Гоҳ худ, гоҳо беҳудлик-  
Ила ўтди «беш кунлик».  
Неча карра ўлдим, лек –  
Қилмадим ёвга қуллик.*

*Парвом йўқ боз ўлдирса!  
Асра ўлик юзлардан.  
Асра ўлик диллардан  
Асра ўлик сўзлардан...*

## АНДИША

*Чархфалак остида чарх урар бу тун  
Оғир хаёлларки – тегирмон тоши.  
Сув ё шамол эмас, қувват манбаи  
Бошимда чарх урган ўйлар талоши.*

*Бу қалбим донидир. Дил қопчигидан  
Тинсиз ўй тегирмони дўлига тушар.  
Ҳар бир сўз гўёки бугдой донадай  
Тош хаёл остида жадал ун бўлар.*

*Бу тегирмон уни мисраларимдир,  
Нон эса ҳар битта паришон шеърим.  
Юрак тандиримда пиширдим уни  
Фозиллар билурлар лаззат-у меҳрим.*



## Ёрмухаммад РУСТАМОВ



### ОСИЁДА БИР ДИЁР БОР...

*Осиёда бир диёр бор, гул унар ҳар тошида,  
Ҳумо қуши учиб юрар осмонида, бошида.*

*Навий, Бобур, Улугбек, Нодирадек сиймолар,  
Ҳурмат билан бош эгарлар Амир Темур қошида.*

*Гўзалларин бир холига жуфт шаҳар берди Ҳофиз,  
Қумушбиби ҳаёси бор қизларин қарошида.*

*Бу дунёда турфа миллат, турфа неъмат беқиёс,  
Лекин барин лаззати жам битта ўзбек ошида.*

*Бу диёрнинг таърифини битмоққа етмас умр,  
Бош фазилат – танги халқи, Замину Қуёшида.*

*Ёр Муҳаммад ранг биланмас, қон билан битди газал,  
Бахти – шу тупроққа томган кўзларининг ёшида.*

### ЎЗБЕКНИНГ ТЎЙИ

*Бугун унут бўлар гина, кудрат, гам,  
Дунёга сигмайди орзуси, ўйи.  
Кичик ҳовлисига жам бўлар олам,  
Энг катта байрамдир ўзбекнинг тўйи.*



*Куёш чилдирма-ю, Ой бир раққоса,  
Шу кунни осмонни бўйлайди бўйи.  
Дўстлар даврасида яйрайди роса,  
Энг катта байрамдир ўзбекнинг тўйи.*

*Қанийди, ўтмаса бу гўзал онлар,  
Ниҳоя билмаса, ҳофизнинг куйи.  
Гўё ёр-ёр билан бошланар тонглар,  
Энг катта байрамдир ўзбекнинг тўйи.*

*Соқий гулобдан қуй, шу инсон учун,  
Ўзига ўхшабди бугун ранг-рўйи.  
Муҳаббат, садоқат кўрсатсин кучин,  
Энг катта байрамдир ўзбекнинг тўйи.*

### ШАРҚ ТАРОНАСИ

*Дейдилар, куй билан Сарвари олам –  
Жон ато этганмиши одам зотига.  
Шундан юракларга тўлса қувонч-гам  
Қўшиқ айланади дил баётига.  
Шундан ёришади кўнгил хонаси,  
Шарқ таронаси бу, Шарқ таронаси.*

*Дерлар, осудалик иқболга мезон,  
Тотувликдан яшнар Ватаннинг боги,  
Қўшиққа айланар Замину Осмон,  
Авлодлар орзуси, аجدодлар оҳи.  
Тинчликдир санъатнинг асл онаси,  
Шарқ таронаси бу, Шарқ таронаси.*

*Дерлар, тил ё миллат танламас қўшиқ,  
Дилдаги туйғулар оҳангларда жо.  
Фақат Мустақиллик, Истиқлол боис,  
Ўзбек қўшиғини тинглади дунё.  
«Муножот», «Лазги»нинг «ёна-ёна»си,  
Шарқ таронаси бу, Шарқ таронаси.*



*Дерлар, Самарқанддир дунё сайқали,  
Бунда буюкларнинг руҳи мададкор.  
Регистон – ҳайрат ва санъат ҳайкали,  
Ҳар бир кошинида қанча қўшиқ бор.  
Маърифат бешиги, Шарқ дарвозаси,  
Шарқ таронаси бу, Шарқ таронаси.*

*Ҳа, катта тўй қилар бу кўҳна замин,  
Қанча элатларга шу ер ошиён.  
Қўшиқ бирлаштирар бутун дунёни,  
Гўё Регистондан бошланар жаҳон.  
Етти иқлимда ҳам бор овозаси,  
Шарқ таронаси бу, Шарқ таронаси.*





## Тошпўлат ТУГАЛОВ

### САМАРҚАНД

*Хайратда башарият, барча сайтлар банд:  
“Сайёра сайри – орбитада Самарқанд!”.  
Не бахтки, кўкдаман, Жомолунгма, Анд,  
Йилтирар заминда, ётгандек оққанд.  
Деманг, пир, мўйсафид, асода Самарқанд,  
Комета кифтида, фазода Самарқанд!*

*Аваллам бу кент илм аҳлига айвон эди,  
Улуғбек расади фалакка нарвон эди.  
Кун етиб авлодлар ўз сўзин деди,  
Назари, эрки юксак, йўл равон эди,  
Бугун шеърү қўшиқ навода Самарқанд,  
Хурлик эпкини хуш ҳавода Самарқанд!*

*Бовар қилмас ақл, замон забтига,  
Зорлар кўп ҳақ меҳри, қуёш тафтига.  
Юлдуз қўнди не бахт, ўзбек кафтига,  
Нуктадон сиймолар чиқиб тахтига.  
Дийдор талаб эрса мабодо Самарқанд,  
Ерда муқим мангу самода Самарқанд!*

*Уфқ уммонида шаҳри қанд овозаси,  
Меҳмоннавоз халқи-ю, Кўҳак дарвозаси.*





*Тунида гул, кундузида жаннат саси,  
Бунда қоғоз, ипак, ноз-неъматнинг тозаси.  
Шундан эл назару, донода Самарқанд,  
Ҳар калом, ҳар оят, маънода Самарқанд!*

*Мозийга битилди, азим юрт шони,  
Янги кент қурмоқлик ҳурлик имкони.  
Шу сафда бор бўлсанг лол эт дунёни,  
Улуғла диёр-у, дўстлик ошённи,  
Юраклар тафтидан озода Самарқанд,  
Эъзоз – эҳтиромга равода, Самарқанд!*

*Кавсар боғларидан айтинг, неси кам?  
Қизлари парирўй, йигити кўркам.  
Шаҳрим шароридан серфайздир ўлкам,  
Гарчи куз кўрки – барг, лек бизда кўклам.  
Боғ ичра чаманда, раънода Самарқанд,  
Суюқдир, буюқдир, аълода Самарқанд!*

## ҚОПЧИҚ

*Шарти қаттиқ эди акамнинг,  
Қололмасдим қишлоқда ортиқ.  
Қалам билан аҳил, бақамти,  
Ўқиб, ўсиб шаҳарда қолдик.*

*Ўн, ўн беш йил ўтди бир насда,  
Пешонамда бор экан офтоб,  
Ўғил-қизлар ўсди барваста,  
Бор дунёим – шеър, тўртта китоб!*

*Яшайман, ҳарна халқона,  
Ўзим севган ишимга асир.  
Икки балкон ва тўртта хона,  
Тўққиз қават мен турган қаср!*



*Шарти қаттиқ эди акамнинг:  
“Илм изла, катта йўлга чиқ!”  
Босиб олдим энди ўпкамни,  
Бугун шеърга лиқ тўла қопчиқ!*

\* \* \*

*Ҳаёт қизиқ, қайси бировнинг –  
Манглайидан чиқади қуёш.  
Ким ўлжаси пинҳона овнинг,  
Доим дорда ҳурсўз, донобош.*

*Биров бойдир ва кимдир фақир,  
Барча бахт деб чоптиради от.  
Ҳайдалмаган ердаин тақир –  
Ҳиссиз вужуд, лоқайдлардан дод!*





## Гулжаҳон МАРДОН қизи



### **БИР ГИЁҲИНГ БЎЛАЙИН, ВАТАН!**

*Томир-томиримда кезар бир туйғу,  
Умрим йўлларини безар бир туйғу.  
Гар исми садоқат бўлса, аҳдим шу,  
Уни сенга ҳады этайин Ватан.  
Сенинг-ла чарогон, бахтли ҳар оним.  
Сенга баҳшидадир томирда қоним.  
Керак бўлса агар баҳш этай жоним,  
Фидо бўлмоқликка этайин Ватан.  
Бир кун интиҳолар келса қошимга,  
Аммо чўмилмасман қайғу ёшимга.  
Бир истак жўш урар, бир кун тошингда  
Бир гиёҳинг бўлиб битайин, Ватан.*

### **БИЗ ЎША – ҲАЗРАТИ АЁЛ БЎЛАМИЗ**

*Ёмғир, ғамларини қувғил аёлнинг  
Шамол, дардларини қувғил аёлнинг.  
Омад, йўлларини севғил аёлнинг  
Энди ҳасратларга хаёл бўламиз,  
Биз ўша-ҳазрати аёл бўламиз.*

*Дил берма, қишларнинг қаҳратонига  
Йўл берма, умрнинг саратонига.  
Айлангил, меҳрнинг қаҳрамонига,  
Энди ҳасратларга хаёл бўламиз,  
Биз ўша-ҳазрати аёл бўламиз.*

*Оҳ, нелар кўрмади хаста, хор кўнгил  
Гоҳи муҳаббатга, сўзга зор кўнгил.*



*Маним талашганим фақат ор, кўнгил.  
Энди ҳасратларга хаёл бўламиз,  
Биз ўша-ҳазрати аёл бўламиз.*

*Юракни армонли торларга берма.  
Кўнгилни кўнгли йўқ ёрларга берма.  
Кўйгил-ай, бошингни дорларга берма,  
Энди ҳасратларга хаёл бўламиз,  
Биз ўша-ҳазрати аёл бўламиз.*

*Мен сендан тиландим эй, Момо ҳаво  
Аёлники бўлсин муқаддас наво.  
Вужудимда ёнар бир ҳис, бир даъво,  
Энди ҳасратларга хаёл бўламиз,  
Барибир ҳазрати аёл бўламиз.*

### **ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!**

*Шу бугундан ўзимга  
Бошқачароқ қарайман.  
Умрим қаровсиз сочин  
Меҳр билан тарайман.  
Орзуларим бир дунё,  
Қурашаман етгунча.  
Ғамимни тинч қўймасман,  
Юрагимдан кетгунча.  
Дарёларга отаман,  
Дилда армон-доғимни.  
Энди хафа қилмайман,  
Кўнгил деган богимни.  
Ортга ташилаб, озодман  
Дунё берган ноламни.  
Изтиробим, сенимас  
Қучоқлайман боламни.  
Ишонч, кўтар қаддингни  
Тиндир кўзда ёш-намни.*



*Кўриб келай ҳозироқ –  
Менга илҳақ онамни.  
Юрак, қулоқ тутайлик  
Яшаш деган баётга.  
Умр, қайта келганинг  
Қутлуг бўлсин ҳаётга.*

**Пастдарғом тумани.**





## Содиқжон ҚУДРАТ



### ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

*Аста-секин менинг ёшим улғайиб,  
Ўтган кунларимга назарим солсам.  
Йиғлагим келади гарибдан-гариб,  
Болалик чоғимни эсимга олсам.*

*Ўқиш нима, билмас эди у ёшлар,  
Меҳнат учун яралганди бошлари.  
Чидадилар дардин ютиб қондошлар,  
Таҳқирланди ҳатто қабр тошлари.*

*Огалар ўшанда тухфа, деб иним,  
Қўлимга тақдилар кишан бежирим.  
Алам қилар экан, ҳатто уйингда,  
Жон ором топмаса, бўлмаса тиним.*

*Шукурки, йўқолди вагонлаб турган,  
Заҳарлар сочилмас далаларига.  
Ҳавасим келади тугилиб ўсган  
Истиқлол йилларин болаларига.*

### ШОИР

*Баҳорда ёмғирда, қишда кечар қор,  
Фаслга ўхшайди шоир, алқисса.  
Қайғуси юракни сиқиб қилса тор,  
Шодлиги дунёга сиғмайди ёзса.*





*Шоирнинг кўксига илҳом яшайди,  
Ёзади юраги дардга тўлганда.  
Баъзида ўзини ўзи қарғайди,  
Пушаймон бўлади шоир бўлгандан.*

*Ҳар қандай кир-чирдан топса бокира,  
Бирда зўр семириб, бирда озади.  
Ортимда қолсин деб митти хотира,  
Ҳамма вақт, ҳар жойда тинмай ёзади.*

### **НИМА ҚОЛАДИ?**

*Кеча эдим ям-яшил япроқ,  
Бугун инди сочларимга оқ.  
Эрта ўтиб ким билар бир кун,  
Кўзларимни яширса тупроқ,  
Мендан ортда нима қолади?*

*Сирим айтмай сирдошларимга,  
Лаънат ўқиб бардошларимга,  
Раҳм қилса кўз ёшларимга,  
Омонатин Аллоҳ олади,  
Мендан ортда нима қолади?*

*Бу ҳаётнинг ташивишлари гул,  
Росту ёлгон миши-мишлари мўл,  
Гуллар ичра топа билмай йўл,  
Баъзан ўйлаб, хаёл толади,  
Мендан ортда нима қолади?*

*Яшайпман, синиқ нигоҳлар,  
Ҳануз дилни қийнайди оҳлар,  
Оҳлар чекмай яшаб бўларми,  
Икки елка тўла гуноҳлар,  
Гуноҳ дилга ваҳм солади,  
Мендан ортда нима қолади?*



## Дилмурод ИСМАТОВ

### ВАТАН

*Фуруримдай қўкка етган минорларинг,  
Кўксим каби баланд эрур чинорларинг.  
Кўзга суртай маржонларинг, туморларинг,  
Мингта ёвга битта ўзим дор бўлайин!*

*Зарафшондай мавжларингда зар бўлайин,  
Сен борсанки мен багрингда бор бўлайин.  
Сенсиз ўтган куним абгор, хор бўлайин,  
Жамолиннга бир ошиқи зор бўлайин.*

*Ёмғир бўлай, тоғларингда қор бўлайин,  
Қақраган қир-чўлларда гулзор бўлайин.  
Ёмон кўзга дард бўлай, озор бўлайин,  
Ёвга ганим, дўстлариннга ёр бўлайин.*

*Сени қаттиқ қучолсайдим бўйларингдан,  
Ўйим битмас сени ўйлаб ўйларингдан.  
Она юртим яхши кунинг, тўйларингда  
Чилтор бўлай, дутор бўлай, тор бўлайин.*





## САМАРҚАНД

*Баҳорда тонг пайти Чўпонотадан,  
Дўстим, Самарқандни бир кўрганмисан?  
Камалак мисоли товланган шаҳар,  
Ажиб жилосидан завқланганмисан?*

*Ёмғир шаррос қуйса қизгалдоқлар ҳам,  
Қирмизи қонига қолар бўялиб.  
Шунда миноралар ва пештоқларда,  
Аждодлар сиймоси акс этар, ёниб.*

*Фирдавс чечакларин сочига таққан,  
Бундан жуда гўзал кўринар шаҳар.  
Субҳидам чоғида Сиёбга чиққан,  
Ҳарир кўйлақдаги парига ўхшар.*

*Нақадар мафтункор мовий гумбазлар,  
Нақ осмон тоқиға турар суяниб.  
Ошуфта юлдузлар, раишчи юлдузлар,  
Тушолмай, юксакдан боқар суқланиб.*

*Кўзинг узолмайсан толиб кетса ҳам,  
Рухингда кезади ажиб бир эпкин.  
Ёмғирнинг остида қолиб кетсанг ҳам,  
Ўзингни сезасан бахтли ва эркин.*

*Баҳорда тонг пайти Чўпонотадан  
Дўстим, Самарқандни бир кўрганмисан?*



## Азамат ТОВБАЕВ



### ҚИШЛОҚ

*Қайдадир маърайди қишлоқни бузиб,  
Сайдали бобонинг ола сигири.  
Эшаклар эгарин, жабдугин узиб,  
Олис яйловларда эркин югурар.*

*Эшикнинг олдида қичқирар хўроз,  
Тутлар соясини қилмайди миннат.  
Сукунат дам олмас, вақт сўрар бироз,  
Отни миниб олиб юради кунлар.*

*Болалар яшайди соғлом ва дуркун,  
Аёллар сигирин соғишини ўйлар.  
Кунлар ширин ўтар болалар учун,  
Ҳаттоки ажриқни қўймайди қўйлар.*

*Бу юртда қишлоқлар тераги узун,  
Ариқлар ақли, жийдалар сулув.  
Ҳеч ким хафа бўлмас қишлоқда бугун,  
Чунки яширинмас ҳеч дилга гулув.*



## ОСМОН


*Осмон қулаб тушмас,  
тогдай мустаҳкам.  
Ва силайвермайди ҳар ким бошини.  
Баъзан узоқ бизга,  
У ҳалол ҳакам,  
Нопокдан яширар ўз қуёшини.*

*Осмон қулаб тушмас,  
Бошимиз маҳкам,  
Кўтармоқчи бўлар осмон гамини.  
Гулдай чиройлидир (бағрида тикан),  
Баъзан тўлдиради кўнгил камини.*

*Осмонга шиониб бўлмайди, деган  
Одам адашади хаёлларида.  
Одам кичкинадир, осмон-чи улкан,  
Баланддир заминнинг шамолларидан.*

*Осмоннинг ярми ёруғ, ярми қоронғу,  
Биз эса осмондан кутамиз бир тахт.  
Осмон десак дилга келмайди қайғу,  
Осмон – юракдаги чиримас дарахт.*





## Шерзуват ПРИМОВ



### САМАРҚАНД

*Самарқанднинг зарҳал жилоси  
Олам узра нурини сочар.  
Буюкликнинг кошонасидан,  
Келажакка бахт-иқбол очар.*

*Афросиёб деворларида,  
Ўқилмаган кўп сирлар қотди.  
Ватан, дея ҳайқирган элим,  
Ғанимларда кўрқув уйғотди.*

*Искандарки топмади кўним,  
Қутайба ҳам беролмади дош.  
Чингиз бунда топгандир ўлим,  
«Сарбадор»лар кўтарганда бош.*

*Темур тутган яшил яловнинг,  
Шуъласидан олам ёришиди.  
Европаю Россияни ҳам,  
Эрк деган бир нурга қоришиди.*

*Улугбекнинг «Зижий» жадвалин,  
Шуҳратидан ҳайратда олам.  
Ёзай десам падаркуш сўзин,  
Оҳ чекади Самарқанд – онам.*



*Бухорий-у Мотуридий бобом,  
Самарқанднинг меҳри имони.  
Аллоҳ нури билан ёришгай,  
Ўзбегимнинг умрин ҳар они.*

*Ҳам кўхнаю ҳамда навқирон,  
Самарқандим, бебаҳо юртим.  
Каъба каби муқаддас Ватан,  
Тупрогингни кўзимга суртдим.*

*Салобатли ложувард гумбаз,  
Ҳайратлардан дунё лол қотди.  
Ер юзининг сайқали бўлдинг,  
Она юртим бахт тонгинг отди.*

*Самарқанднинг зарҳал жилоси,  
Олам узра нурини сочар.  
Буюкликнинг кошонасидан,  
Келажакка бахт-иқбол очар.*

## ВАТАН

*Ватанни севсанг гар ишқда ёниб сев,  
Меҳрингдан гул очсин бу азиз тупроқ.  
Бору йўгинг ила ўздан тониб сев,  
Ўзлигинг Ватанда юз очсин кўпроқ.*

*Ватан бу муқаддас азиз маконим,  
Онамдир, опамдир, синглим – орият.  
Ўлсам тупрогингга қоришиб ўлай,  
Ватан деб жон бермоқ юксак саодат.*

*Ватан бу – энг улуг саждагоҳ каъба,  
Пойига бош уриб, кўзга суртарман.  
Тақдирин ўзимнинг тақдирим билиб,  
Элу-юрт дардида ёниб ўтарман.*



*Ватан деб қалбимда улғаяр меҳр,  
Ватан деб сочилар қароғимдан нур.  
Ватан деб Жаннатдан тўкилади дур,  
Ватан хизматидан масрурман, масрур.*

*Ватанни севсанг гар ишқда ёниб сев,  
Меҳрингдан гул очсин бу азиз тупроқ.  
Бору йўгинг ила ўздан тониб сев,  
Ўзлинг Ватанда юз очсин кўпроқ.*





## Зухра ЭШОНҚУЛОВА



### САЖДАГОҲИМ – ВАТАН!

*Минг дардга бир жоним менинг,  
Жўшиб сизган қоним менинг,  
Шухрат топган шоним менинг,  
Бисмиллоҳим сенсан, Ватан!*

*Гарчи ганим кўзи суқдир,  
Тинч ўлкада кўнгил тўқдир,  
Хоинларга шафқат йўқдир,  
Қиблагоҳим сенсан, Ватан!*

*Эркин қалбда уйгоқ гурур,  
Эркли юртда ҳурлик сурур,  
Фикри теран халқимни кўр,  
Кўёш, моҳим сенсан, Ватан!*

*Ўйнаб-кулай қучоғингда,  
Ниҳолдирман ҳур боғингда.  
Аҳдим мудом дудогимда,  
Саждагоҳим – сенсан, Ватан!*



## ҚИШЛОҒИМ

Фасллар жилваси зоҳир бўлган чоқ,  
Созиниб талтинсам, қаршилар қишлоқ.  
Шаҳар ҳавосидан сиқилса дилим,  
Қайноқ қучоғида яйрайди кўнглим.  
Оромбахш тонгларда танҳо сергакман,  
Бағрингда шеър айтган бедор юракман.  
Дала-даштларингга шайдо кезларим,  
Кўркиндан нур олар муштоқ кўзларим.  
Гулбаҳор чамани – муаттар анбар,  
Қалдирғоч айвонда яна ин қўяр.  
Итларнинг ҳуриши, қушлар навоси,  
Қўйларнинг маъраши – куйларнинг сози.  
Сўрида ўлтирар фаришта онам,  
Ёнида қўр тўкар меҳнаткаш отам.  
Ҳовлида яшнар бог, жаннат мисоли,  
Ҳовузнинг сувлари тунда ҳилолли.  
Тандирдан узилган нон ҳидин суюб,  
Юракка ҳузурли онларни туйиб.  
Қадрдон уйимда шавққа тўламан,  
Қайтадан безубор қизча бўламан.  
Бир кеча қишлоқда қолиб кетаман,  
Дилимга юрт меҳрин солиб кетаман.







## Гулшан ШЕРМАТОВА



### ВАТАН

*Онам эккан райҳонларинг тутган ер,  
Аждодларим от ўйнатиб ўтган ер,  
Бағридан гул ҳам нону туз олиб тутган ер,  
Юрагимга сиғмаётган бўроним – Ватан.*

*О, қайларга бошламади, ганим очган йўл,  
Босмачи-ю халқ душмани, бўлдиқ ҳатто қул.  
Кўзларимиз кулиб сим-сим оғриди кўнгил,  
Энди шараф-шону нурли осмоним Ватан.*

*Ўлпон кетди, Фитрат кетди йиғлайвердик жим,  
Ўзлик кетди, дилимизни тизлайвердик жим.  
Бу не зулм, не қабоҳат ўйлайвердик жим,  
Дардларимни ичга ютган армоним Ватан.*

*Бу масканнинг тошидан ҳам гуллар унади,  
Тогларига минг ноз ила ҳилол қўнади.  
Жамолидан ҳайратланиб шамол тинади,  
Худо хатлаб берган файзли маконим Ватан.*

*Обидалар омборхона бўлди йиғладик,  
Сабр туғул паймоналар тўлди йиғладик.  
Элнинг асл ўғлонлари сўлди йиғладик,  
Бугун қувонч ёши кўзда лиммо-лим Ватан.*



*Достонларин кўкрагига босиб келди эл,  
Дардларини уфқларга осиб келди эл,  
Илдизидан мадад олиб ўсиб келди эл,  
Зулмларни енгиб ўтган тўфоним Ватан!*

## **БАҲОРНИНГ СЎНГГИ КУНИ**

*Энг сўнги умидлар узилди,  
Юракда армонлар тизилди,  
Қисматга айрилиқ ёзилди,  
Баҳорнинг энг сўнги кунда.  
Ёмғирга қўшилиб йиғладим,  
Бу дилни бир ёмон тигладим,  
Тангридан тоқатлар тиладим,  
Баҳорнинг энг сўнги кунда.  
Алвидо айтишиди лолалар,  
Энди йўқ кўзларда жолалар,  
Қизгалдоқ тилида нолалар,  
Баҳорнинг энг сўнги кунда.  
Кўк гумбаз саратон йўллайди,  
Япроқлар бир ёлгон куйлайди,  
Юракда бир умид гуллайди,  
Баҳорнинг энг сўнги кунда.*

**Нуробод тумани.**



## Баҳодир РАҲМОНОВ



### ОНАМ

*Оҳ, бу дунё мунча бадқаҳр,  
Қучогингни соғиндим, онам.  
Кўзларингда балқиган меҳр –  
Булогингни соғиндим, онам.*

*Насибамни йўлимдан терган –  
Душманларим жонимга мерган.  
Ёмон кўздан асрар, деб берган  
Мунчогингни соғиндим, онам.*

*Мақр деган катта тузоққа  
Тушиб қолдим сендан йироққа.  
Тиконзордан анча узоққа –  
Сўқмогингни соғиндим, онам.*

*Қадринг билдим, менман гуноҳкор,  
Хайр, дея берибман озор.  
Йўлларимга мудом интизор  
Қарогингни соғиндим, онам.*

*Ўғлингни деб яшайсан ҳамон,  
Бахтимизга бўлгин соғ-омон.  
Жаннат эрур бағринг бегумон –  
Қучогингни соғиндим, онам.*



## МУҲАББАТ – МАНГУ

Ўтиб кетар баҳор айёми,  
Тупроқ бўлар замон Хайёми.  
Бўлса ҳамки ҳаёт давоми,  
Бизлар эмас, муҳаббат мангу.

Ўтиб кетар умр карвони,  
Парво қилмас унинг сарбони.  
Жўнар қанча замин меҳмони,  
Бизлар эмас, муҳаббат мангу.

Бугунчалик юзингиз зебо,  
Бугунчалик кўзингиз бино.  
Улар эрта хоки тўтиё,  
Бизлар эмас, муҳаббат мангу.

Қиз-йигитнинг бошида ўйлар,  
Бир-бирига қўшиқлар куйлар.  
Бўлиб ўтар маърака-тўйлар,  
Бизлар эмас, муҳаббат мангу.

Шошқин сувдай умр ҳар дами,  
Бузғунчидай деворнинг нами.  
Синиб кетар шоир қалами,  
Бизлар эмас, муҳаббат мангу.

Ёрилади гунча дудоқлар,  
Бўшаб қолар қўлу қучоқлар.  
Ёниб ўчар қанча чироқлар,  
Бизлар эмас, муҳаббат мангу.

Нилуфаргул – дарёдаги ой,  
Вафо билмас дунёда чирой.  
Ўтиб кетар бари ҳойнаҳой,  
Бизлар эмас, муҳаббат мангу.

Ҳаёт шундай, нетамиз, жоним,  
Сўнг манзилга етамиз, жоним.  
Бу дунёдан кетамиз, жоним,  
Бизлар эмас, муҳаббат мангу.



## Дилором ДИЛХОҶ



\* \* \*

*Эл ошдим-а, эл ошдим,  
Элдан Чамбилбел ошдим.  
Кўргонимнинг бўйин кўр,  
Дарёдай тўлиб тошдим.*

*Бобом бахши тинглагин,  
Момом бахши тинглагин.  
Термаларин терсам мен,  
Айтимидан англагин.*

*Кел-келимга келогой,  
Жанда кийган бўлди бой.  
Ул замони Булбулнинг,  
Бўлган эди ҳотамтой.*

*Дўмбиранинг ториман,  
Зорланганда зориман.  
Элга эл қўшилмасми  
Менам элнинг ориман.*

*Бахши борми элингда,  
Яхши борми элингда.  
Чийқамишинг не эмиш,  
Белбоғ борми белингда.*

*Ўланымга ўлан жўр,  
Сенам уни тинглаб кўр.*



*Куй тинмайин ўй тинар,  
Зўрдан агар чиқса зўр.*

*Эл ошдим-а, эл ошдим,  
Элдан Чамбилбел ошдим.  
Кўргонимнинг бўйин кўр,  
Дарёдай тўлиб тошдим.*

### ОТАМГА

*Шеър деб йўлга солган отам,  
Хайрлашиб қолган отам,  
Қиз бола-да нима қилай,  
Дея ўйга толган отам.*

*Кетмонига суянганим,  
Асли менинг таянганим,  
Оти бою бир камбагал,  
Шеърим ўқиб суюнганим.*

*Шеърни ердек чополмадим,  
Чопиб-чопиб тополмадим,  
Ризқимга шеър қўшиб берган,  
Кўлларингни ўполмадим.*

*Кутганинда келолмасам,  
Заҳматларинг билолмасам,  
Недир лалми бугдойингга,  
Ёмғирчалик бўлолмасам.*

*Чиқмаяпти китобим ҳам,  
Кимга етар хитобим ҳам,  
Ноширларга чопа-чопа,  
Сўниб борар итобим ҳам.*

*Сўрайверинг деҳқон отам,  
Тинчимаган бир жон отам,  
Улуғлигим шундан асли,  
Давлатимда султон отам.*



*Пул беролмай, дуо берган,  
Йўл кўролмай, дуо берган,  
Камбагалнинг боласига,  
Кўриб кўйинг Худо берган!..*

\* \* \*

**Оқтовларди изладим,  
Қоратовлар дуч келди...  
Азим СУЮН**

*Оқтов бўйи оқ моя,  
Туя кўмлаб ким келди?  
Накурти қайси қишлоқ,  
Тўлиб тошдим, тим келди.*

*Энди айтар сўзимди,  
Азим Товлар куйласа.  
Беданаси, каклиги  
Булбуллари сўйласа.*

*Дўмбираси тут бўлган,  
Эл сўраса эмраниб.  
Бир сўзидан тонувдим,  
Шул ўзимисдинг жаниб.*

*“Оқтовларди изладим...”  
Изи қолган борми деб.  
Қоратовлар дуч келса,  
Юзи қолган борми деб.*

*Қоратовдинг қораси,  
Қор тушганда билинди.  
Ор талашган бир элга,  
Ор тушганда билинди.*

*Майдонли кун сўз айтиб,  
Сўзда утқан бўлсангиз.  
“Кент”ни кўйинг шоир бўп,  
Қўрғонга бир келсангиз.*



## Рустам ЖАББОРОВ



\* \* \*

*Минг йилки, кўксимни тимдалар бир сўз,  
Юрак деворини юмдалар бир сўз.  
Жисимни мингталаб нимталар бир сўз,  
Эй менинг бир сўздан ҳосил достоним,  
Ёлғизим, ягонам, жону жаҳоним.*

*Сочми у, руҳимга чирмашган гулми?  
Лабингми, қонимдан ранг олган гулми?  
Токай қийнагай бу айролиқ зулми?  
Эй менинг висолдан тотли ҳижроним,  
Ёлғизим, ягонам, жону жаҳоним.*

*Дўстимдан беркитдим, кўзимдан билди.  
Ғанимдан сир тутдим, изимдан билди.  
Ҳар ким зеҳн солди – юзимдан билди,  
Эй менинг ошкора сирри пинҳоним,  
Ёлғизим, ягонам, жону жаҳоним.*

*Осийман, ажримни ашкимдан топгум  
Азоби оташни рашкимдан топгум,  
Савол кўп, жавобин хўш, кимдан топгум?  
Эй менинг тиканлар битган бўстоним,  
Ёлғизим, ягонам, жону жаҳонаим.*





*Яқинсан, кўз ила қош орасидек,  
Олиссан Мушитарий сайёрасидек,  
Азизсан, қароқдек, дил порасидек,  
Эй менинг минг дарддан дардли дармоним,  
Ёлғизим, ягонам, жону жаҳоним...*

*Кўлингдан тутмоққа журъатим етмас,  
Дилинг забт этмоққа қудратим етмас,  
Чокимга бахт ипи бир қатим етмас,  
Эй менинг саодат отлиғ армоним,  
Ёлғизим, ягонам, жону жаҳоним.*

\* \* \*

*Дилимда авайлаб асраган сўзим,  
Тилимга кўчмаган титроқ – севаман,  
Ҳали сиз беҳабар бундан азизим,  
Билмасангиз билманг, бироқ, севаман.*

*Тушимда висолдан тамкин кутаман,  
Ўнгимда хаёлдан таскин кутаман,  
Келмайсиз биламан, лекин кутаман,  
Кўзим йўлингизда муштоқ, севаман.*

*Қаламдан сочилар ёзсам гул иси,  
Қиқирлаб қозоннинг келар кулгиси,  
Афсона бўлмаса Қайснинг севгиси  
Сизни энг камида шундоқ севаман.*

*Балки пайқамассиз, қилмассиз парво,  
Кўзимдан муҳаббат қуйилар, илло,  
Сизни ўзимдан ҳам қизғониб ҳатто,  
Сизни сиздан кўра кўпроқ севаман.*



## Дилноза РУСТАМОВА



\* \* \*

*Нигоҳларим ёниб кетади,  
Сўнгсўзларим кетади куйиб.  
Мен қайтадан тирилгум бир кун  
Сен қайтадан қоласан суйиб.  
Юрагингинг туб-тубларида  
Олов бўлиб ёнар битта сўз.  
Тилларимиз чидолмаса ҳам  
Дил чидайди,  
Яшайверамиз.  
Минг йилдирки сени ардоқлаб  
Портлаб кетар энг сўнгги вулқон.  
Кўнгли ўксик ҳисни қучоқлаб  
Балолардан қоламан омон.  
Шабнам инган титроқ жон узра  
Тентирайди митти капалак  
Мен ҳаммадан  
Бийронман қара,  
Сен ҳам тилга киришинг керак.  
Тинч, осуда ўлолмаймиз йўқ,  
Ғалаёнлар бўлмайди абас.  
Сен булбулдай сайрай олмасанг  
Атиргуллар  
қилмаса  
ҳавас...*



## ТАШРИФ

Омонмисан, орзиққаним баҳорим,  
Қаддингдан ўргилай, келдингми, Наврўз.  
Бунча соғинтирдинг, кел битта ўпай,  
Юрагим қалбингга сўзласин дилсўз.

Агарда кечиксанг тагин бир кунга  
Кўнгил кўзёшларга тўлиб қоларди.  
Кўз юсам дунёдан, ўшал кун сени  
Қабримда майсалар қарши оларди.

Кўрсатгил, баҳорим, энди бор кучинг  
Ҳол сўргин барчадан юриб бирма-бир.  
Йўлдан адашганнинг йўлини кўрсат,  
Хаста ҳар юракка қуёш бўлиб кир.

Таширфингдан рози бўлсин ҳар инсон  
Норизо этмагин ҳеч битта зотни.  
Истайман, азизим, ҳар келишингда  
Оппоқ ёғдуларга тўлдир ҳаётни!...

**Жомбой тумани.**



## Исомиддин ПЎЛАТОВ



### ҚИСҚАРТИРИБ БЎЛМАС...

*Олти куннинг ўтиши қийин,  
Камайтириб бўлмас ҳафтани.  
Баъзан билиб, баъзан билмайин,  
Ўлдирияпман онни, лаҳзани.  
Тушунмасдим куйинишингиз,  
Қўнгиругим эди тасалли.  
Фарзанд душман эканин она,  
Қаерданам билардим, далли...  
Ўғлим ҳали тўлмаган бирга,  
Гоҳ йўталар, гоҳо гижинлар.  
Йиғлаганда ботаман терга,  
Битта оҳи бағрим гижимлар...  
Сизни қаттиқ соғинаяпман,  
Сигмаяпти ҳафтага ҳислар.  
Дунёдаги аёл зотида  
Йўқ, сиздаги жаннатий ислар!  
Ўғлим сизни кўрмоқчи, она,  
Талпиняпти мендан баттарроқ.  
Наҳот чангдан кўрқиб қоларкан,  
Шаҳар томон босилган оёқ...  
Олти куннинг ўтиши қийин,  
Телефоним қолди бузилиб...  
Қисқартириб бўлмас ҳафтани,  
Бораяпман вақтдан юз буриб!*



## КИМ?

Юрагимни йиртиб,  
 Ташлаб юбораман эски қутига.  
 Синиқ яшиқ  
 гимирлай бошлар...  
 Эрмак ҳам топилар, галча тўтига –  
 Минғир-минғир  
 кўнглимни гашилар.  
 Секин-секин эврилар олам...  
 Юраксизлар –  
 юракка эга,  
 Индамайин, ўзгарар одам.  
 Нега? Нега?! Нега?!  
 Синиқ яшиқ гимирлама, қўй,  
 юрак жим!  
 Бир савол:  
 Дунёни тўтилардан,  
 Ким қутқарар, Ким?!

## БЕКАТ

Мен бекатдаман,  
 Бу бекатда тўхтамайди  
 автобуслар,  
 Ҳали узоқ йиллар кутиб  
 турсам керак.  
 Мен қутганим келгунича  
 бу бекатга  
 Дунё билан хайрлашиб  
 кетсам керак!..  
 Кутмоқ керак! Кутмоқ керак!!  
 Кутмоқ керак!!!  
 Қарғиш урган шу бекатда  
 михлангандай.  
 Мен ҳаётнинг юрагига отиламан,  
 Автобусни қутаяпман  
 ўқлангандай!..



*Мендан бошқа кутувчилар  
кўринмайди,  
Мудраётган бу дунёнинг  
бурчагида.  
Достон бўлиб кетдиммикин  
ўзларича,  
Қайнаётган дунёсининг,  
чўпчагида...  
Вақт чекиниб кетди менинг  
хотириمدан,  
Малол эмас,  
қиёматга қадар кутмоқ...  
Бир сўз келар ҳасрат тўла  
ботинимдан,  
«Келаётган автобуснинг йўлин ўпмоқ!»  
...мен бекатдаман...  
Бу бошқа бекат...  
Бу бекатда тўхтаб ўтар,  
автобуслар.  
Манзилингга элтиб қўяр  
ўшал замон,  
Бироқ нетай... ўлиб борар,  
тирик ҳислар!..*





**Умид АЛИ  
(КУЧИМОВ)**



\* \* \*

*Аёл...*

*Қирқ жонидан бўй таратар гул,  
Таровати... кўклам, зангор ранг хушлар.  
Наволари... баҳор, қийгоч майса-ю...  
Бағрида пок ҳислар, шаффоф огушлар...*

*Аёл...*

*Қирқта жоннинг илдизида ишқ,  
Кўзларида порлар бахт жилолари.  
Кўксидаги митти ул юрак эмас,  
Уйғонган туйғу у – қалб тиллолари.*

*Аёл...*

*Меҳридан адоқ йўқ, сеҳр-нурдийда,  
Шеърми у, газалми, дoston, дилафгор.  
Бир кафтин узатса, олам ҳур, жаннат,  
Бир кафтин узатса юрак навбаҳор.*

*Аёл...*

*Қасидага зинҳор сезмас эҳтиёж,  
Беҳишт пойларини тавоф этганда.  
Юракка нақиш этиб муҳаббатини,  
Дардидан оламни бунёд этган-да?!*



Аёл...  
Қирқ жоннинг тўзимин беради худо,  
Дардлар гирдобидан чиқар бус-бутун.  
Ўлим уни жондан қилмагай жудо...  
Эркак эртага ҳам яшаши учун.  
Дунё эртага ҳам яшаши учун....  
Аёл...

\* \* \*

Сукунатнинг шовқинларини  
Эшитмоққа қодир фақат тун.  
Туннинг сокин тўлқинларини  
Тинглай олар бир бағри бутун.  
Бағри бутун уйқуларини  
Англар зада, бир нотинч юрак.  
Бу юракнинг туйғуларини  
Илғаш учун муҳаббат керак.

\* \* \*

Сиз эртақлар тўқийсиз ҳар кеч,  
Мени аврамоққа бошлайсиз.  
Эртақ ахир ҳаёт эмас-ку,  
Тонаман, кўзингиз ёшлайсиз.

Шаҳзода эмасман, ёлгон-ку,  
Кенжа ботир каби жасур ҳам.  
Пайкарим, маликам, деёлмам,  
Сиз менинг жўнгина азизам.

Қўрқманг, ялмоғизлар, девлар йўқ,  
Осмон ҳаминқадар, ер азим.  
Мен оддий одамман сиз каби,  
Мана шу оддийликка таъзим.

Яна ёшландими кўзингиз,  
Ахир эртақ эмас бу ҳаёт.  
Эртақ дарров тугайди жоним,  
Ҳаёт севги каби умрбод.





## Аслиддин МУСТАФОЕВ



\* \* \*

*Муҳаббат...  
Бу абад  
Туйғудир,  
Қайғудир,  
Оҳ, сени эй санам  
Суйгандим қайданам?  
Бир қара  
дил яра,  
Топилмас дориси.  
Қалбимнинг вориси  
Сен эдинг. Боқмадинг  
Не эди боиси?  
Ўйимда айланар  
Бир қатор сўроқлар,  
Дилдаги орзумни  
Ўроқлар ўроқлар.  
Бу осмон  
Зимистон.  
Кечалар  
Қуй чалар.  
Бир хазин, бир хазин,  
Кўрганим туш десам  
Афсуски бари чин.*



*Борар йўл-сахро чўл,  
Биёбон,  
Бепоён.  
На бир гул, на гиёҳ  
Кўринмас дил – сиёҳ.  
Сароблар хароблар.  
Югурдим йиқилдим,  
Урилдим, сурилдим,  
Кўз юмиб кўз очдим  
Қайтадан тирилдим.  
Англадим бу дунё  
Бир рўё.  
Ўткинчи – кеткинчи,  
Йўқ десанг ўзинг бир  
Этагин тутгин-чи.  
Мана мен тутгандим  
Синдирди билагим.  
Оҳ, энди зирқирар  
Юрагим, юрагим.*

### **ИСМИНГГА ИСИНИБ...**

*Кўзларинг юлдузда, кўрмайсан мени,  
Барингга илиниб яшаяпман, гул.  
Саробга ўхшайсан, кўриб етмайман,  
Борингга интилиб яшаяпман, гул.*

*Ташивишлар тўкилди шагал тошдайин,  
Армонга гарқ бўлдим, э воҳ, кун сайин,  
Дунё хун тиласа иккиланмайин  
Кўксимни минг тилиб яшаяпман, гул.*

*Ишқ – май ширин, тотли, гоҳида тахир,  
Томчиси то умрим сўнгига татир.  
Ўлим қора рангда. Йўқ, оқ... Йўқ, бу сир...  
Гоҳ билмай, гоҳ билиб яшаяпман, гул.*



*Кўзларинг чўғ сенинг, сўзларинг олов,  
Жоним хирож сенга, жоним бир тўлов,  
Вужудим муз қотган, дил ёнар лов-лов,  
Исмингга исиниб яшаяпман, гул.*

*Асли аслин айтиб улгургунича,  
Гул бўлиб очилиб кетмасми гунча,  
Сен келиб қўлимдан бир тутгунингча  
Ҳасратдан қисиниб яшаяпман, гул.*





## **Зулхумор АШУРОВА**

*Зулфия номидаги Давлат  
мукофоти соҳибаси*

### **ВАТАН**

*Отам турган эски уй  
Чироги ватанимдир.  
Созандалар чалган куй  
Яроги ватанимдир.*

*Мусаффордир кенг осмон,  
Томиримда жўшар қон,  
Богимдаги гул-райҳон  
Япроги ватанимдир.*

*Ини йўқдир риёнинг,  
Кони шу ер зиёнинг,  
Сир ва Амударёнинг  
Қирғоги ватанимдир.*

*Кеча ўтиб тонг отган,  
Қўнгли севинчга ботган  
Бобомлар ухлаб ётган,  
Тупроги ватанимдир.*

*Қувна, яйра, эркин ўс,  
Бахтимизда йўқ кам-кўст,  
Ёнимдаги ҳар бир дўст,  
Қароги ватанимдир...*



## БАРКАМОЛ АВЛОД

*Юрса чақин ўпар товонларини,  
Офтоб тарк этмайди осмонларини.  
Бесамар кетказмас имконларини,  
Баркамол авлод бу, баркамол авлод!*

*Ватаннинг ишонган али-у норлари,  
Қалбида гурури, ори борлари,  
Эртанги келажак пойдеворлари,  
Баркамол авлод бу, баркамол авлод!*

*Юрагида орзу-умиди қат-қат,  
Қайси элда бордир айтинг бундай бахт,  
Боболар ҳаққиға дуода фақат,  
Баркамол авлод бу, баркамол авлод!*

*Гулдек асрайлик деб ҳур ватанимни,  
Пайхон қилмасин деб ёв чаманимни,  
Сарҳадга йўлатмас сезган ганимни,  
Баркамол авлод бу, баркамол авлод!*

## ХОРИЖДАН ХАТ

*Ариқдан ҳатладим  
ой бўлди дўстим.  
Ариқдан ҳатладим  
сой бўлди дўстим.*

*Қаро тунлари ой  
бўлди чирогим,  
Нуридан яйрадим  
тўлди қучогим.  
Бошиқани билмадим  
Менинг пичогим,  
Мой бўлди, дўстим.*

*Сойда сочим ювдим,  
ўйнадим шўх-шаън,  
Қаловини топдим,  
сув бўлди гулхан.*



*Тўрт томонга чопдим  
йўқотсам-да шаън,  
Бой бўлдим, дўстим.*

*Ўн беш кун вақт ўтиб  
кетди ҳилолим,  
Сой ҳам ўзанини  
бурди. Эҳ, золим!  
Маймунлар йиғлайди  
қўрса, аҳволим  
Вой бўлди, дўстим.*

*Хаёл курсин, хаёл,  
ўзим айбдор,  
Ариқдан у ёғи  
дебман-да гулиан.  
Ариқдан ҳатладим  
кўзни чирт юмиб.  
Кўз очсам турибман  
бўлиб беватан.*

*Ариқдан ҳатлама!*

\* \* \*

*Шаҳардан уйимга қайтдим шанбада,  
Автобусдан тушсам кўчам боқмайди.  
Юз ўгириб олган аразлашгандай,  
Билмам, бу юришим нега ёқмайди?*

*«Дод!» деди оёғим қўяр-қўймасдан,  
Фигони лаҳзада булутга тегди.  
Кейин момақалдироқдай тутди бир овоз:  
«Кимсан, мен сени танимайман?!» – деди.*

*Уятда ҳовлимга урдим ўзимни,  
Ўчоқдан жой олди кофта-ю шимим.  
Сўнг эшик ҳатладим узун кўйлақда,  
Кўчам қарши олди кулиб аста, жим.*



## Нафиса ОМОН



\* \* \*

*Ел тегирмон елдек айланар,  
Хаёлини бузмас мунг қудуқ.  
Қайрагоч қош уйиб ўйланар,  
Нималардир қилар Алп дудуқ!*

*Дунёларга ризқ улашарди,  
Ота билан ел тегирмони.  
Она тиккан алвони кашта,  
Юрагида ётган армони.*

*Нималардир қилар Алп дудуқ,  
Мингта шерни энгишига қодир.  
Ҳозир тилмас дилида оғриқ,  
Сўзлаб-сўзлаб йиғласа ҳозир.*

*Қиз бермади унга ҳеч бир мард,  
Сўз бермади гатирмайди, деб.  
Юрак дондек кетар эзилиб  
Тегирмондек эзгилади дард.*

*Ел тегирмон, елдек айланар...*

### ҚИШЛОҚ

*Этаклаб олмалар тутади онам,  
Бунда соғинчларнинг донаси кўпроқ.  
Пахса деворлардан кўкка мўралаб,  
Гўзал шаҳарларнинг онаси қишлоқ.*



Тандиридан нонлар иси келади,  
Хўроз қичқирмаса тонг отмай қолар.  
Чўпон таёгини қўлга олади,  
Сўқмоқлар йўргалаб қирларга борар.

Ўзи кийинтирар далаларини,  
Товуққа дон сочмай нон емас қишлоқ.  
Лой-лой ўйнаётган болалари-ю,  
Оппоқ соқолини Сан демас қишлоқ.

Дехқон қишларини шундай қишламас,  
Асли кафтларидан уйғонар баҳор.  
Қуёш ёнбошлаб дам олар бир пас,  
Ой терак шохига илиниб қолар.

Этаклаб олмалар тутади онам,  
Бунда согинчларнинг донаси кўпроқ.  
Пахса деворлардан кўкка мўралаб,  
Гўзал шаҳарларнинг онаси қишлоқ.

Гўзал шаҳарларнинг онаси қишлоқ.

\* \* \*

Нега ухламадинг ҳали тун узоқ,  
Бойқушлар сайрайди йироқда мамнун.  
Ҳамма нарса қора, диллари сиёҳ,  
Нималар кўрмаган азизим бу тун.

Унинг йўриги шу – тунлари бедор,  
Унинг ёрлиги шу – бахти қаролик.  
Биродар уйқулар қилдимиз безор,  
Ёқангдан тутдимиз ё бечоралик.

Мен ҳам тушунмасман балки борақол,  
Унингдек чекмасман дардларингдан мунг.  
Унинг кўзларига кўзларингни сол,  
Нималар кўрмаган азизим, бу ТУН.





## Дилбар ДИЛЗОДА



### НИГОХ

*Кўрмаяпман...  
кўзларимни қийнаб нима қиламан?....  
Нима керак менга ортиқча савдо.  
О, фақат кўзимга манзара ёқсин –  
Манзарага ёқсин кўзим ҳам.*

*Кўрмаяпман...  
Қодирий, Усмонни отганларида терс қарагандим,  
Ёқмади. Бурдим юзни Намозни осганларида  
Нима керак менга ортиқча савдо.  
Мен ўзимни қийнаб нима қиламан?*

*Кўрмаяпман...  
О, Исо хочни қучганида кўзим кўр эди.  
Зерикдим. Чингиз босқинидан юмиб кўз.  
Юмиқ кўз-ла юрдим рус огам билан  
Ачомлашиб ётдим пахта далада!  
...етмишига киргунча...  
Кўрмаяпман...  
Билмайман...  
Яна нималарни кўрмай қоламан!!!*



\* \* \*

*О, онам сен мени йўқликка ўргат,  
Кўзларимда қулган ёшимни ҳайда.  
Овозсиз яшашга қўниқтир ё Раб,  
Овозлар жаранглаб гуллаган жойда.*

*Менинг томиримда яшайди бу юрт,  
Баҳоримда қор-у қишим гуллайди.  
Ахир мен даллига айланиб қолдим,  
Худойим бир келиб кўриб кетсайди.*

*Обқочиб кетаман заминни бир кун,  
Орзуларнинг юзин ювиб қўяман.  
Онажон, мен бахтли бўламан шунда,  
Неки бор – барини бахтга йўяман.*

*Чопиб чарчамайман товонлари қон,  
Югурик манзиллар мени олқишланг.  
Жилмайиб боқаман дунё юзига  
Кўнглимдан нур томиб турибди қаранг.*

*Дилимни Наврўзнинг дилига ювгум,  
Онажон, сен келсанг кўкаради эл.  
Баҳорлар қаҳрли келмасдан аввал,  
Куртаклар қуйламай сўлмасидан кел.*

*Онажон, ўксима йиғлаганим йўқ,  
Қораликнинг сира етмайди қўли.  
Мен бир тоғ ўстирдим. Кўнглимда бир тоғ –  
Сувлари минг йилга етади ҳали...*



## Муҳаббат СОДИҚОВА



### ЎЗБЕК

*Очиққўнгил, меҳрибон элат,  
Хиёнатни кечирмайди, лек,  
Дунёда бор шундайин миллат  
Савоб дея яшайди ўзбек!*

*Ўғлонлари шерюраг-у мард,  
Юрт шаънига юқтирмайди гард,  
Сулувлари соф севгига бахт  
Жавоб дея яшайди ўзбек.*

*Буюк тарих кўзгудек гўё,  
Алломалар таратар зиё,  
Қадамжолар кўзга тўтиё,  
Тавоф, дея яшайди ўзбек.*

*Минг шукурки, юрти мустақил,  
Гўдаги ҳам доно ва оқил,  
Бўстон бўлди қанча саҳро, чўл,  
Обод юртда яшайди ўзбек.*



## САМАРҚАНДИМНИ

*Ваъдаларга учмайман,  
Эшитмайман пандини.  
Дейман: «Ҳеч жой керакмас  
Беринг, Самарқандимни».*

*Сўгдлар макон тутган жой,  
Бухорийлар ўтган жой,  
Кун сайин очган чирой,  
Кўринг, Самарқандимни.*

*Ҳар гўшаси гул-бўстон,  
Номи дунёда достон,  
Ҳусни ҳоли – Регистон,  
Асли Самарқандимни.*

*Кўзимга кўзёи инди,  
Ҳар қадамда соғиндим,  
Улугдан улуг билдим,  
Шаҳри Самарқандимни.*

**Нарпай тумани.**



## Зубайдулла ИБРАГИМОВ



### ДУНЁ ЗИЙНАТИ

*Қуриган дарё ҳам бир куни жўшар,  
Баҳор гул гиламин борлиққа тўшар.  
Қишининг исканжаси оқибат бўшар,  
Умидсиз яшама фақат дўстгинам!*

*Боболар айтгандек тўлсак тошмайлик,  
Фарзанду набира тўйин бошлайлик.  
Ғалладан тоғ қилиб хирмон чошлайлик,  
Умидсиз яшама фақат дўстгинам!*

*Айримлар бойликда пойга ўйнашар,  
Бамисли Сулаймон шоҳ-ла бўйлашар.  
Ўлим келгач, шоҳу гадо тенглашар,  
Умидсиз яшама фақат дўстгинам!*

*Меҳрдир дунёнинг асл зийнати,  
Садақа бесавоб бўлса миннати.  
Демишлар имонли банда жаннати,  
Умидсиз яшама фақат дўстгинам!*



## ДЎСТИМГА

*Сенинг ўзгалардан ортиқ жойинг йўқ,  
Ёки бошда танҳо юлдуз, ойинг йўқ.  
Сен ҳам бир пиёда, саман тойинг йўқ,  
Дўстгинам, нечун сен ҳаволаб кетдинг.*

*Нечун бошинг осмон, оёқ ердамас,  
Ишинг гийбат, изво, ҳеч ким индамас.  
Ўзингча доносан, ўйла бир нафас,  
Дўстгинам, бир лаҳза ҳоврингдан тушинг.*

*Гердайиб юрасан, ҳеч ким писандмас,  
Гўёки танҳосан, одатинг баднафс.  
Кенг осмон қўлингда устунни сенсан,  
Дўстгинам, бир нафас ҳовринган тушинг.*

*Сўзингда на маъно, на ўзда ҳаё,  
Мақсад ҳам эл билан бўлмаса рўё.  
Сенга ҳам ўйлашига бош берди Худо,  
Дўстгинам, бир лаҳза сен ўйлаб кўринг.*

*Давлатинг ўткинчи ҳар дам ганимат,  
Ёлгончи дунё бу, одам ганимат.  
Одам ҳам бир имкон, даврон ганимат,  
Дўстгинам, эл билан ҳамнафас бўлгин.*





## Үга МУҲАММАД



### 1991 ЙИЛ ШЕЪРИ

*Богларда сукунат, жимжитлик ҳукмрон,  
Дарахтлар пойида сариқ хазонлар,  
Япроқлар кўзидан инар томчилар,  
Томчимас орзулар, армонлар.*

*Дарахтлар мудрайди, эгилган боши,  
Уйқуга чўлганмиши азим чинорлар,  
Тушида йўргакли чақалоқ мисол,  
Бағрига босганмиши уни бир одам,*

*Сукунат азоби эзиб бағрини,  
Рўёлар ичида титрар қайрагоч,  
Чуқур илдизига болтасин солиб,  
Бир золим турганмиши ялангоч.*

*Гумбурлаб юборди момақалдироқ,  
Уйқулар бузилди, боглар ювилди,  
Бирдан чўчиб тушиди хаста сукунат,  
Ёвузлик қувилди, қувилди.*

*Сукунат чекинди. Чекинди хор-зор,  
Шоҳ эди қулдайин бўйни букилди,  
Дарахтлар қаддини кўтарди мағрур,  
Богбон нигоҳидан нурлар тўкилиб.*

*Темир панжаралар йўқ энди бунда,  
Меҳмонни қутади ўзи мезбонлар,  
Богларда эсади саррин шабада,  
Супуриб ташланган чирик хазонлар.*



*Нурлар жилосидан оқишомлар тиниқ,  
Ҳаволар бегубор, кулар кундузлар,  
Япроқлар яшинайди, ўсар майсалар,  
Уйқудан кўзларин очди майсалар.*

## ВАТАН

*Узоқда, тоғларнинг ортида,  
Бахмалдай далалар, қирлар бор.  
Қирларнинг бағрида лочиндай  
Шиддатли, ҳимматли эрлар бор.*

*Узоқда, тоғларнинг ортида,  
Тулпорлар ер тепиб, кишинайди.  
Бу юртнинг қишлари баҳордай,  
Турналар кетмасдан қишлайди.*

*Узоқда, тоғларнинг ортида,  
Сизилиб чиқади булоқлар.  
Сувидан ичсангиз ҳовучлаб,  
Юракка зангори нур оқар.*

*Узоқда, тоғларнинг ортида,  
Бир сулув қизлар бор, қизлар бор.  
Момолар оғзидан бол томар –  
Кўп ширин сўзлар бор, сўзлар бор.*

*Узоқда, тоғларнинг ортида,  
Боболар сўйлайди эртақлар.  
Бедовин ёлини силайди,  
Шомдан тонгга қадар эркақлар*

*Узоқда, тоғларнинг ортидан,  
Таралар бир мағрур қўшиқлар.  
Сой ёқалаб шовуллайди боз,  
Қўйнида шивирлар ошиқлар.*

*Узоқда тоғларнинг ортида,  
Полвонлар ҳайқириб от сурар.  
Оналар-чи болаларини,  
Шоир, чавандоздек ўстирар.*

**Иштихон тумани.**





## Ҳасан АЛМАТОВ



### МАҲАЛЛА

*Дилингда бир эзгу ниятинг бўлсин,  
Ориятинг бўлсин, уятинг бўлсин,  
Эл ҳавас қилгудай одадинг бўлсин,  
Фақат ўзбекка хос одат маҳалла,  
Орияти билан обод маҳалла.*

*Боболардан мерос асрий удум бу,  
Бугунники эмас, қадим-қадим бу,  
Порлоқ истиқболга шахдам одим бу,  
Фақат ўзбекка хос одат маҳалла,  
Қадрияти билан обод маҳалла.*

*Оталарга тўрдан берамиз жойни,  
Қўшни билан бирга ичамиз чойни,  
Иффатга ўраймиз сулувни, ойни,  
Фақат ўзбекка хос одат маҳалла,  
Ҳамияти билан обод маҳалла.*

*Йўли равон элмиз, йўли гул элмиз,  
Қўли очиқ элмиз, қўли гул элмиз,  
Шундаймиз, аслида дили гул элмиз,  
Фақат ўзбекка хос одат маҳалла,  
Ўз ибрати билан обод маҳалла.*

*Меҳнатда бир жон-у бир тан миллатим,  
Мақтовда олтининг, пахтаг, миллатим,  
Маҳалланг билан ҳам мақтан, миллатим,  
Фақат ўзбекка хос одат маҳалла,  
Руҳияти билан обод маҳалла.*



*Дунёни бир қарра айланиб қайтинг,  
Биздай тотув миллат қайда бор, айтинг,  
Бу менинг юракдан битилган байтим,  
Фақат ўзбекка хос одат маҳалла,  
Қаноати билан обод маҳалла.*

### ЭРК ЙЎЛИ

*Тобландик биз, пишиб олдик биз,  
Бошни бошга қўшиб олдик биз,  
Оқилона қадамлар билан  
Йўлимизга тушиб олдик биз.  
Қаршимиздан ёв чиқса чиқсин,  
Орамиздан ола чиқмасин.*

*Эрк тугини тутиб борурмиз.  
Тўсиқлардан ўтиб борурмиз.  
Боболарнинг битикларини  
Юракларга битиб борурмиз.  
Қаршимиздан ғов чиқса чиқсин,  
Орамиздан ола чиқмасин.*

*Синамоқ-чун чертиб кўрдилар,  
Секингина туртиб кўрдилар.  
Қарадики, муштимиз битта,  
Ва дедилар: «Зўр экан булар».  
Қаршимиздан дев чиқса чиқсин,  
Орамиздан ола чиқмасин.*

*Сева билдик Ватанимизни,  
Аямадик жон-танзимизни.  
Азалдан-ку таниқли эдик,  
Дунё қайта таниди бизни.  
Қаршимиздан не чиқса чиқсин,  
Орамиздан ола чиқмасин.*

**Каттақўрғон тумани.**



## Қаҳрамон ЭШМУРОДОВ



### ЖИЗМОНСОЙ

*Қўлни силтаб дунёни қўй,  
Еб бўлмасдан дилларни ўй,  
Суянчиқ йўқ аё ҳақгўй,  
Кўнгилдаги найдан бўлак.*

*Деса ишиқ ҳам бўлди басдир,  
Ошиқ доим хору хасдир.  
Менга юрак керакмасдир,  
Шу лолагун найдан бўлак.*

*Ватан қилдим хаёлларни,  
Баъзан қўҳлик аёлларни.  
Лек топмадим зимму зарни,  
Кўмғондаги чойдан бўлак.*

*Сўрса сўнги нонимни ҳам,  
Энг бахтиёр онимни ҳам.  
Берай тан-у жонимни ҳам,  
Онам – Жизмонсойдан бўлак.*

*Саждагоҳим шу диёрдир,  
Шу мен учун номус, ордир.  
Доғи менда не ҳам бордир,  
Ердаги бу ойдан бўлак,  
Онам – Жизмонсойдан бўлак.*



\* \* \*

*Тун. Сокинлик. Телба мажнунтол,  
Такрорлаб ўз қилиқларини,  
Сочларига тақмоқ бўлади,  
Сувдаги ой синиқларини.  
Қишининг эрка югурдаклари,  
Қарғалар ул қора дарғалар.  
Инларида кўрар экан туш,  
Заминнинг оқ кафанлигидан.  
Ямоқларни санайди бойқуш,  
Қайлардадир какку ҳар замон.  
Турналарга қоқиб қўяр сим,  
Майин сабо авайлабгина,  
Олиб ўтар кўк ялпиз ҳидин.  
Шунда бирдан нимадир бўлди,  
Тушовланган отлар кишинови,  
Бир қалқитди сомон йўлларин,  
Бойчечаклар сесканиб бирдан  
Дуоларга очди қўлларин.  
Ўкиргандай бўлди арслонлар  
Недир ёнди кўк пештоқида  
Осмон шунда чала бошлади  
Илк куйини баҳор ҳақида.*





## Зарина РАҲМОНОВА



\* \* \*

*Бугун кузги боғлар ўйлатар мени,  
Бир кун хазонлардай тўкилишим бор.  
Телба шамолларнинг қўйнида сарсон,  
Баҳорни соғиниб, ўкинишим бор.*

*Мен куздан қўрқмайман,  
Шамоллардан ҳам,  
Эй, хўрсиниб ётган хаста чинорим,  
Мени ўйлатгани яна ўшал гам –  
Тутмасмикан майсаларнинг хумори?*

*Унда овутолмас ёққан ёмғирлар,  
Шабнам туйғуларим учар ҳавога,  
мен ўзим ўзимни ёндириб қўйгум,  
яқинлашолмайди бирорта одам.*

*Майли, куз, саргайтир,  
Тўкилмайман мен,  
Яшайман шамолнинг қўлин қайириб.  
Мени баҳоримдан этиб мосуво,  
Дардкаш хазонингдан қолма айрилиб.*

*Мени кузги боғлар ўйлатар ҳамон...*

\* \* \*

*Кўзларимга тўқинган зулмат,  
Кипригимда тушовланган гул.  
Сени гулдай асрай олмадим,  
Мени кечиргил.*



*Кечир, қизганмадим одамдай,  
Юзингга нур туиса бир қатим.  
Рашиқимдан тиг уриб кўксига,  
қара, қуёшни ҳам қонатдим.  
Қашиқирлар пойлади йўлингда,  
Аврашиб шаробу оғу-ла.  
Чўқилаб кетишиди кўнглингни  
Қололмадим мен ҳам ўғирлаб.  
Оёгингдан чалаяпти гам,  
Илонларга сўйлаяпсан сир.  
Сен ўзингда қолмадинг,  
Тамом!  
Руҳим, етар, вужудингга кир!*

\* \* \*

*Капалаклар қулогимга айтиб кетди,  
Эрта буткул ўт кетармиши тиконларга.  
Қувиб аччиқ шамолларни кўзларимдан  
Кипригимдан ёғилармиши бинафшалар.*

*Ҳавас қилма, ял-ял ёнган юрагимни  
Сариқ гулнинг баргларига ўраганман.  
Менга бундай мўлтирама, оқ булутим,  
Ғамларимни Кўҳи Қофга кураганман.*

*Кечирмагин, майли, гуноҳ-мубоҳларим...  
Вужудимни поклаб берсин ишқнинг ўзи.  
Мана...  
Наҳот етказдими беҳиштига?..  
Димогимда бинафшанинг соҳир иси...*

**Тайлоқ тумани.**



## Шербек КАРИМБЕК

### ҲАҚИҚАТ

*Одиллик, тўғрилиқ таратган нашъа,  
Нурафшон айлайди кеча-кундузим.  
Ҳақиқат эгилар, синмайди аммо,  
Ҳақиқат – бу менинг сўнмас юлдузим.*

*Бағримда қуёш бор, меҳрим бир олов,  
Кўксимда бўрон бор, шиддатим бир дов.  
Мен ўшал ёлгоннинг бошидаги ёв,  
Ҳақиқат – бу менинг сўнмас юлдузим.*

*Ўтаман бир умр мажнуну ғариб,  
Ҳақнинг йўлларида ҳақни ахтариб.  
Бошимдан туману дилдан ғам ариб,  
Ҳақиқат – бу менинг сўнмас юлдузим.*

*Тош отма, эй нодон, ҳақиқат томон,  
Ўзинг яхши, ёлгон сўзларинг ёмон.  
Бирлашиб борайлик келгин Ҳақ томон,  
Ҳақиқат – бу менинг сўнмас юлдузим.*

### МАНЗАРА

*Тонгнинг шамолидан кўзгалар қуёш,  
Вазмин харсанг тошнинг сарғаяр юзи.  
Гулларнинг кўзида ҳалқа-ҳалқа ёш,  
Таърифга етмайди шоирнинг сўзи.*



*Боғларда чуғурчуқ, қумри нағмаси,  
Бетобу беҳолдай тўшалар ўтлоқ.  
Ёйлар саҳнага куннинг пардаси,  
Булулар тарқалар, ой боши чўлтоқ.*

*Саҳнада “Кун ҳукми” трагедияси,  
Қуёш қўлда қилич, гуллар – асирлар.  
Қонига бўялар ҳамма-ҳаммаси,  
Ўт-ўлан пойига йиқилиб йиғлар.*

*Дарахтнинг бошлари оғир тебранар,  
Оловли ўқларни ёғдирар қуёш.  
Инграниб чайқалар, қўллари боғлиқ,  
Серсоя чинор ҳам беролмас бардош.*

*Боғларда гул лола ёзилган боши,  
Қирлар олтин рангда титрар бемажол.  
Тупроққа тўкилар ифори – ёши,  
Ҳеч ким аҳволидан сўрамайди ҳол.*

*Қушлар даврон сурар, беминнат макон,  
Ўлганни тепгандай дарахт бошида.  
Аммо бундай даврон нимчорак бир он,  
Парда ётилади “Тун”нинг қошида.*

**Булунғур тумани.**





## Дилафрўз ҚЎШОҚОВА

### ВАТАН

*Қалбим зийнат, қарогим баҳор,  
Кулгулардан титрайди қалам.  
Сенсиз менга қувончлар бекор,  
Кўзларимнинг қароси Ватан.*

*Онам алла айтган кечалар,  
Тушларимда – кезган ҳур далам.  
Мурзак кўнглим шодлик симирар,  
Сен шу ҳисни англатдинг Ватан.*

*Дилим ташбеҳ излар, ахтарар,  
Умрим сен-ла доим муқаррам.  
Жамолингни субҳи-ю саҳар,  
Такрор исбот қилади Ватан.*

### ШЕЪРИМ

*Неча кунлар шеър ёзмай қуйдим,  
Кўп изларга тўлди юрагим.  
Менинг учун жондан яқиним,  
Шеърятим, шеърим, керагим.*

*Сен шоҳона эмассан, лекин  
Ҳашам билан ўралган сеҳринг.  
Жоду қилиб қўяди гоҳи  
Муҳаббатдан яралган меҳринг.*



*Гулчамбарга ўраб қўяйми?  
Ҳар бир яшин урган сатрингни.  
Тоглар талқон бўлиб кетади,  
Айтсам, шеърим сенинг дардингни.*

*Шодликлардан қайнаса кўнглим,  
Ўпкам тўлиб кетаверади.  
Неча кунлар шеър ёзмай қўйдим,  
Қалбим сени деяверади.*

**Қўшработ тумани.**





## Ойгул СУЮНДИҚОВА



\* \* \*

*Мен бағрингга қайтдим, онажон,  
Қайтган каби юртимга баҳор.  
Қара, бирам сулув кенг жаҳон,  
Жилмаймоқда бизга бахтиёр,  
Мен бағрингга қайтдим, онажон.*

*Қайтган каби юртимга баҳор.  
Бор баҳорим сенинг ўзинг-да!  
Эригандай тоғлардаги қор,  
Куй яратдим ҳар бир сўзингдан,  
Қайтган каби юртимга баҳор.*

*Қара бирам сулув кенг жаҳон,  
Тутаётир бахт ва эзгулик.  
Менинг бахтим сенсан, онажон,  
Кўзларингни кўрмай қайғули,  
Қара, бирам сулув кенг жаҳон.*

*Жилмаймоқда бизга бахтиёр,  
Тўлган бағринг каби қишлоқ ҳам.  
Юрагида ажиб меҳри бор,  
Ҳар бир сой ҳам, ҳар бир япроқ ҳам,  
Жилмаймоқда бизга бахтиёр*

*Мен бағрингга қайтдим, онажон,  
Қувончимиз дoston этгали.  
Энтикмоқда саодатли тонг,  
Қуёш чиқар қўшиқ айтгали,  
Мен бағрингга қайтдим, онажон!*



## ХИШРАВИЙ



### ДЎСТИ ЖОН БЎЛСА

*Пойига жон нисор этгум агар у дўсти жон бўлса,  
Ғам-у шодликларингда у агарда ёнма-ён бўлса,*

*Агарда бўлса у содиқ, келодур дам-бадам эслаб,  
Боримни айлагум садқа, агар у меҳрибон бўлса.*

*Амал этмас экан сўзга, хиёнат айлагай бир пайт,  
Ғаюр-у нотавон билгум агар у қасдижон бўлса.*

*Маломат бошга тушганда, билингай шунда чин дўстлар,  
Қочадур баъзи дўст шунда, ғуборинг гар аён бўлса.*

*Керакму мол ила дунё, йўқолса ҳурмат-у иззат,  
Берадур ризқини Алло агарда бош омон бўлса.*

*Киме гар сотса дўстликни жаҳонда мол-у дунёга,  
Қиладур сўнгида аттанг кўзидин ёш равон бўлса.*

*Танигай дўсти содиқлар бу дўсти Хишравий камтар,  
Севадур дўстини чексиз, агар у бегумон бўлса.*



## Ўғилой ЙЎЛДОШЕВА



### ҚАЙТИШ

*Кўнгил ҳузурингизда топди оройиши,  
Мунгайган орзулар кетди болалаб.  
Уларга ўзини қилиб намойиши,  
Армоним сочимни юлди битталаб.*

*Ёнгандим ўт бўлиб отаишларида,  
Муҳаббат аҳлига бўлиб томоша.  
Кутдим, тўзим тилаб бардошларимга  
Оҳ, тангирим сийлади шунга яраша.*

*Яхши-да, қайтибсиз, бўлсин муборак,  
Илоҳий мўъжиза қалбимга инди.  
Сизни деб, азизим, ҳапқирар юрак –  
Садоқат қўшигин куйлайман энди.*





## НУРУЛЛОҲ (Нурулла НАРЗУЛЛАЕВ)

### КУЛБА

*Ғамзададир кўнгил сингари,  
Тун қўйнида қоп-қора сийрат.  
Ичида сир – бу кулба ғариб,  
Ичида сир – бу кулба тийра.  
Асрларки, маҳлуқот мудроқ,  
Асрларки, занжиман ҳамон.  
Кечмишимни бўз каби судраб,  
Айланаман кулбаи нолон.  
Кўкда дунё айланиб сарсон,  
Ой ўртанган каби бесамар.  
Шу кулба гирдида бемакон,  
Руҳим ерда булганган қамар.  
То бу кулба мангу бебаёт,  
Зиллат ва жаҳолат шоҳиди.  
Бунда яшар энг олий жонзот,  
Ой нурига қўшилган ҳиди.  
Мудом йиглаб ёлвордим Ҳаққа,  
Устимдан кулмасин Азозил.  
О, коинот сарвари ҳаққи.  
Мени бу кулбадан халос қил.  
Кетай, фақат кетайин бадар,  
Ҳур тонгдан ўзга тонг овутмас.  
Қайтмайин то қиёмат қадар,  
Мени бу кулбага ёвутма.  
Кулба тийра дил азасидан,  
Ғам келтирмиш дил топган ўлим.*



*Унинг қонли деразасида,  
Титрар олий жонзоднинг қўли.  
Тамуғ сари элтгувчи гамми,  
Кулба гами сўнгги йўқ гамми,  
Кулба гами – сўнгги йўқ ҳасрат.  
Раббим!.. Мендан асра одамни!  
Раббим!.. Мени одамдан асра!*





## Машхура ҲАСАНОВА



\* \* \*

*Кўнглингни кўрмоқчи бўлиб кўзингга  
Термулиб-термулиб турганим бекор.  
Баъзида адашиб айтган сўзингдан,  
Ўзимча маънолар терганим бекор.*

*Бекордир англанмай қолган туйғулар,  
Ёстиққа ёш бўлиб қўнган туйғулар,  
Бир кун юлдуздек сўнгай туйғулар,  
Кўнглимнинг бағрини тилганим бекор.*

*Тунлар оромимни бузган жилмайиш,  
Минг турли савдолар тузган жилмайиш,  
Юзингда вақт-бевақт сузган жилмайиш,  
Менинг-чи ҳаммаша кулганим бекор.*

*Бекордир, шунчаки завго солганим,  
Кимнингдир дардини олмай, олганим,  
Сени бироз яхши кўриб қолганим,  
Менинг бу ойдаин тўлганим бекор.*

*Бир кун бўлиб қолсам дилингни зори,  
Битта гул ҳовлининг кулган баҳори,  
Сен менсимай юрган йигитнинг ёри...  
Кўриб кейин афсус қилганинг бекор!*





## Талантбек ПРИМОВ



### БИР ДАРАХТ ҲАҚИДА ДОСТОН

*Тош осган қадамдек имиллайди вақт,  
Босиб бўлармиди шамолларга лаб.  
Совуқ қанғасида биргина дарахт,  
Изгиринга қарши яшар дирдираб.*

*Пойини ялаган ёлғизоёқ йўл,  
Ғамгин боқиб ўтар ҳар бир йўловчи.  
Бўрилар овлаган юртда ҳар тугул,  
Уни отиб кетмас бирорта овчи.*

*Зада бўлиб борар февраль қаҳридан,  
Теграсин ўрайди қарга галаси.  
Жонидан ўтса-да, ўтмас баҳридан,  
Озод Туркистоннинг бийдай даласи.*

*Жуда оғиз турар қиш чиройида,  
Озгин новдалари кўз ёшига тўлар.  
Ахир, фақатгина апрель ойида,  
Уни «Гулбадан» деб атаса бўлар.*

\* \* \*

*Ер бағирлаб учдим тинимсиз,  
Гоҳи чексиз фалакни қучдим.  
Қанотимни қайирган эй, қиз,  
Мажруҳ ҳолда юракка учдим.*

*Суянсам мен суяндим шеърга,  
Шамол бўлди умрим таянчи.*



*Афсус билан қарадим ерга,  
Дунё аянч, яшаиш аянчли.*

*Сендан қочдим, ўзимдан қочдим,  
Лабларимда ўзга ёр лаби...  
Минг тирилдим бир марта ўлиб.*

*Қўлларингни дуога очдим,  
Ҳовучингдан учган қуш каби,  
Учиб кетдим мангулик бўлиб...*

**Пастдарғом тумани.**





## Элдор ЗОҲИДОВ

\* \* \*

*Унутдимми? Йўқ, унутдингиз,  
Қизгандингиз зарра меҳрни.  
Ойни совчи қилиб юбордим,  
Илинж ила кутдим сеҳрни.*

*Унутдимми? Йўқ, унутдингиз,  
Ҳатто тушга кирмай қўйдингиз.  
Зерикдингиз севишдан ёки  
Ишқдан, балки мендан бездингиз.*

*Унутдимми? Йўқ, унутдингиз,  
Диллар гамга тўлгани қолди.  
Кўзларида ёшлар жовдираб,  
Севги етим бўлган қолди.*

*Унутдимми? Йўқ, унутдингиз.*

### ТУЮҚЛАР

*Лаблари гилосим, юзлари гўзал олма,  
Бевафолар қўлидан сира ҳам гулин олма.  
Пойандози бўлайин қутлуг қадамларингни,  
Кўнглинг кўшикида асра, юраккинамни олма.*

\* \* \*

*Майсалар ниши уриб, ям-яшил бўлганда ўт,  
Оразингни кўрдим-у юрагимга тушиди ўт.  
Бас, етар қийноқларинг эй ҳурлиқо!  
Биз томон айлаб салом, бир назаринг ташилаб ўт.*



## Манзура ШАМСИЕВА

### АХИР БУ...

*Ахир бу тупроқни севмай бўлурму,  
Меҳри сингиб кетган бўлса жон-танга.  
Куйламай яшамай кўнгил тўлурму,  
Топинмай бўлурму шундай Ватанга.*

*Унинг меҳри билан яйраб-яшнасам,  
Буюк келажаси – орзу ўйимдир.  
Бу юртнинг ташиши – менинг ташишим,  
Шодлиги шодлигим, тўйи тўйимдир.*

*Қувнаб кузатаман, тенгдошим шонинг  
Мадҳиянг янграса, кўтарса байроқ.  
Оқлагим келади бир бурда нонинг,  
Ахир қутлуг эрур бу замин, тупроқ!*





## Баҳора НАФАСОВА



### ОҲ, ТАБИАТ!

*Ернинг бугун лабида учуқ,  
Исён билан кўтарди ёлқин.  
Фасод босиб тиниқ хаёлни,  
Қандай ўйлар қилмоқда талқин.*

*Шамол изғиб бошин урмоққа,  
Излаб кетар қайдандир болиш.  
Тоғнинг бағри маддаламоқда,  
Ўйиб олдик, тинламай нолиш...*

*Оҳ, табиат излайди нажот,  
Боқинг бир бор дилсофларингиз.  
Эй, диллари мубҳам одамлар,  
Қайда қолди инсофларингиз!..*





## Турғун ҲАСАНОВ



### БЎЛИБ ҚОЛДИМ ЎҚУВЧИ

*Дадам, ойим эрталаб,  
Кийинтирди эркалаб.  
Аямай сувни қўйди,  
Юз-қўлим роса ювди.*

*Биламан тўйга борсак,  
Чалдирарди бешиқарсак.  
Аммо бугун гап, сўз йўқ,  
Ойим, дадам кўнгли тўқ.*

*Стулчага ўтқазди,  
Қўлимга гул тутқазди.  
Етаклади йўлма-йўл,  
Тутиб олиб қўлма-қўл.*

*Опачамлар ўқиган,  
Кўп қўшиқ, шеър тўқиган,  
Мактабига етдик биз,  
Ишонмайсиз айтсам сиз.*

*Тартиб билан юрувчи,  
Партада ўтирувчи,  
Кўнгиरोқда чиқувчи,  
Бўлиб қолдим ўқувчи.*



## ТИШ ҚҮЙДИРСАК

*Чақалоқда битта ҳам тиш йўқ,  
Йиғлаши ҳам ана ўшандан.  
Тиш қўйдирсақ қорни бўлар тўқ,  
Ширинтой бўп қолади бирдан.*

## БИРИНЧИ ҲАРФ

*Илк ҳарфни ёздим мен,  
Ёзганим беўхшов.  
Гўёки қўлиммас,  
У оёқ ва тушов.*

*Титрайди вужудим,  
Ёзман деган он.  
Не қилай илож йўқ,  
Нимадир зўравон.*

*Ҳар нечук сал ўхшаиш,  
Қийишқ ҳарф ясадим.  
Шундайин суюндим,  
Гўё ош ошадим.*

*Титрогим босилди,  
Устозим қўлида.  
Бир ҳарфни ўргандим,  
Ҳаётим йўлида.*

## МАНСУР БОБОМ

*Мансур бобом бирор жойда,  
Бекорига турмайди.  
Ё кўрсатар, ё буюрар,  
Ишлаб тиним билмайди.*

*Қилган иши элга мансур,  
Бировга ҳеч қулмайди.  
Мен ҳам сиздай бўлай десам,  
Бобом бир оз жилмайди.*



## Акрам ҲАЙДАРОВ



### ФУТБОЛДАН ТҮЙМАС ҚОРИН

*Синфдошимиз Норин  
Ўйнамас ҳеч биз билан.  
Танаффусда югурар  
Емакхонага бирдан.*

*Десак: «Биз билан бироз  
Копток ўйнагин Норин».  
Дер у: «Ўйнаган билан  
Футболдан тўймас қорин».*

### ГАП СОТУВЧИ

*Менинг битта янгам бор  
Ҳаммага гап «сотади».  
Ким сўзларин эшитса  
Кула-кула қотади.*

*Гапин тинглаб қўшнилар  
Деворлардан бўйлайди.  
Янгам-чи, қишлоқдаги  
Воқеадан сўзлайди.*

*Десак:  
– Қанча, янгажон,  
Бугунча гап сотдингиз?  
Кимлар қолиб чеккада  
Кимларга гап қотдингиз?*

*Бу гап бўлиб баҳона  
Оғзи яна «гуллайди».  
Ортиб қолган гапларин  
Сўнг бизларга «пуллайди».*







## БАЛИҚ ОВИДА

*Қўлга олиб қармоқни,  
Уйлаб балиқ тутмоқни.  
Қўлга кетдик учовлон:  
Мен, Нуриддин ва Мавлон.  
Етгач, сувга Нуриддин  
Қармоқ ташлади секин.  
Бироз ўтгандан кейин  
Пробка раққосдайин.  
Уйнайверди тинимсиз.  
Қармоқ тортдик ҳаммамиз.  
Нуриддин деди:  
– Лаққа  
Илинди-ёв қармоққа.  
– Менимча, – деди Мавлон  
Илинди катта сазан.  
Мен эса дедим:  
– Усач,  
Қўрамыз овлаб бўлгач.  
Қармоқни тортдик, бироқ,  
Ўлжа эди огирроқ.  
Мавлон дер:  
– Акула бу.  
Торта олмаяпмиз-ку.  
– Рости, – деди Нуриддин. –  
Бу ё кит, ёки дельфин.  
Лол қолдик Нуриддинга.  
Тортдик. Чиқди ботинка.*

## ҲОЗИРЖАВОБ

*– Нималар единг  
Богчада Исҳоқ?  
– Бугунми, дада,  
Едим шапалоқ.*



## Сайдулла МИРЗАЕВ,

*профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
фан арбоби*



### ЗАМИНИ КАБИ КЎҲНА ВА НАВҚИРОН

(Самарқанд адабий муҳитига бир назар)

Мамлакатимизда Самарқанд адабий муҳитининг ўз ўрни, таъбир жоиз бўлса, салоҳият бор. Бинобарин, бундай нуфузнинг замини бой маданий-маърифий меросимизнинг теран томирларига бориб тақалади.

Имом ал-Бухорий, Ал-Мотурудий, Ад-Доромий, Ал-Марғиноний, Хожа Аҳрори Вали, Давлатшоҳ Самарқандий, Мирзо Улуғбек сингари алломалар асарлари ўша даврдаёқ бадиий тафаккурнинг ноёб намуналари сифатида эътироф этилганди.

Абу Абдулло Рудакий, Ҳазрат Алишер Навоий ва Бобур Мирзо, кейинчалик эса Нодим Зиёвуддиний, Ноқис, Мирий, Ҳумулий Ургутий, Фитрат, Чўлпон, Садриддин Айний, Ғафур Ғулом ҳам энг сара асарларини айнан Зарафшон воҳаси ижодий муҳитида яратганлари ҳам бор гап.

Бундан ташқари, халқ оқинлари сардори – Эргаш шоир Жуманбулбул ўғли, Фозил шоир Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир дostonчилик мактаблари бизнинг ҳудудда шаклланган, доврुक топгани ва ҳамон давом этаётгани ҳам фахрлидир.

Самарқанд адабий муҳити мамлакатга биринчи ўзбек драмаси – Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» драмасини тақдим этди. Дарвоқе, Абдураззоқ Самарқандийнинг «Газкират ушшуаро» рисоласида ўша даврдаги уч юз нафардан ортиқ шоирлар ижодининг таҳлил этилиши бу давр адабий муҳитининг нечоғлик катта эканлигини кўрсатиб турибди.

Ўзбек адабиёти ҳамма даврларда ҳам инсоншуносликнинг ёрқин, беназир мактаби ҳисобланган. Унинг бош ғояси миллат маънавияти, комиллик ифодаси, Ватанни улуғлаш бўлган. Ва



у ҳамма асрларда, ҳар қандай шароитда ўз анъаналарига содиқ қолди. Ҳатто коммунистик мафкура ҳукми устувор муҳитда ҳам адибларимиз очиқдан-очиқ тазйиқларга қарамасдан, халқ ирода-сини ифода этишга эришдилар.

Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, мустақиллик даври адабиёти Ватанимиз тарихида зарҳал ҳарфлар билан ёзилиб қолажак. Бу энг аввало, давлатимизнинг адабиётга бўлган чексиз ғамхўрлиги, маърифатпарвар Юртбошимизнинг ижод аҳлига бекиёс меҳру муҳаббати билан чамбарчас боғлиқ.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мухтарам Юртбошимиз ўртага ташлаган истиқболли режаларда адабиётнинг жамиятдаги ўрни аниқ белгилаб берилди. Адиблар халқ ичига, халқ ҳаётини реал ёритишга интилиб, кишилар буюк давлат барпо этишдек савобли ишга даъват қилинди. Энг муҳими, эркин ижод қилиш учун барча шароитлар яратилди.

Натижада, адибларнинг ижтимоий фаоллиги ошди. Улар одамларни яхши ишларга, меҳр-оқибатга даъват этишга қаратилган сўзларини баралла айта бошладилар. Ана шундай бир пайтда мухтарам Юртбошимиз адибларга мурожаат қилиб, уларни жамиятда янада фаолроқ бўлишга чорлади. «Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор» номи билан чоп этилган рисола эндиликда ҳар бир ижодкорнинг асосий дастурига айланди. Бинобарин, Президент Ислом Каримов таклифи билан «Ижод» фонди тузилди, Дўрмон ижод уйи қайта таъмирланди, иқтидорли ёшларнинг биринчи китобларини бепул чоп этиш йўлга қўйилди. Бундай эътибор ва ғамхўрлик Ўзбекистон адабий жараёнига маънавий куч-қудрат бағишлади, десак хато бўлмас.

Мен Самарқанд адабий муҳитида камол топган олимман. 17 йил давомида Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимига жамоатчилик асосида раислик қилдим. Лекин энди комил ишонч билан айтаманки, ҳақиқий эркин ижод, халқона ижод фақат мустақиллик даврида, кейинги йигирма йилда кўзга яққол ташланди.

Айниқса, ижодкорларимизнинг мумтоз адабиёт моҳиятини ўрганиш, тадқиқ қилиш, унинг барҳаёт анъаналарини давом эттириш борасидаги изланишлари қувончлидир.

Самарқанд адабий муҳитида камол топган шоир Барот Бойқобиловнинг «Хамса» ёзиши адабиётимизда муҳим воқеа бўлди.



Профессорлар И.Сувонкулов, Б.Ўринбоев, фидойи олимлар К.Каттаев, А.Бердимуродов, И.Санаев табаррук заминимизда яшаб ижод этган ўнлаб алломалар меросини китобхонларга тақдим этишди. Академик Б.Валихўжаевнинг Хожа Аҳрори Вали ва Улуғбек мадрасалари тўғрисидаги бадиий рисоалари кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилди. Профессор Д.Салоҳий Алишер Навоийнинг Самарқандда бўлиши ва Бобур Мирзо ҳаёти юзасидан зиёлиларга янги маълумот ва хулосалар берди.

Таниқли шоир Душан Файзий Имом ал-Бухорий ҳақида дoston ёзди. Аҳмаджон Хишравий ва Фармон Тошевларнинг девонлари нашр қилинди. Нусрат Раҳмат, Хосият Бобомуродова, Жумагул Сувонова, Хуршид Нуруллаев, Олқор Дамин, Ориф Ҳожи, Мансур Оловуддинов, Эркатош Шукурова, Раҳим Соли Боғдонлининг икки-учтадан китоблари чоп этилди.

Исматулла Йўлдошев шеърӣ тўпламларидан ташқари, иккита киносценарий ёзишга улгурди. Кейинги ўн йил ичида айнан Самарқанд адабий муҳида қалами чархланган Баҳодир Қобилов, Гулжамол Асқарова, Нодир Жонузок, Воҳид Лукмон, Ориф Тўхташ, Анвар Намозов, Нуриддин Исмоилов, Ойдиннисо Йўлдошева, Ойбуви Очилова сингарилар пойтахт адабий давраларида кўзга ташланиб қолишди.

Кўхна заминдан етишиб чиққан, ҳозирда Тошкентда ижод қилаётган Маматкул Ҳазраткулов, Аҳмад Аъзам, Мурод Муҳаммад Дўст, Хуршид Даврон, Азим Суюн, Ўктам Мирзаёр, Абдусид Кўчимов, Собир Ўнар, Абдуқаюм Йўлдошевнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқларидан фахрланиб юрамиз. Азим Суюн жаҳон шоирлари конгресси аъзоси, Ўткир Раҳмат Халқаро Чўлпон мукофоти соҳиби. Улар Самарқанд адабий муҳити сабоқларини оқлаб, унинг салоҳиятини бор бўй-басти билан намоиш этмоқдалар.

Шу ўринда мен Ургутнинг Қоратепа қишлоғида туғилган, Тошкентда таҳсил олган эрсанда, Самарқанд журналистика мактабида шаклланган ва кейинчалик ажойиб адиб даражасига эришган Асад Дилмурод тўғрисида бир оз тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламан.

Асаджон камтарлик, фидойилик, меҳнатсеварлик тимсоли, десама адашмайман. Унинг 70-йиллар бошида вилоят газетасида чоп



этилган илк машқларидан хабарим бор. У халқ оқинлари Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўглининг юбилейлари арафасида туркум эсселар ёздики, улар мукамал адабий асар даражасида эди. Менингча, Уюшманинг вилоят бўлими ана шу туркум мақолаларни тўплаб, китоб ҳолда чоп этса, хайрли иш бўларди.

А.Дилмурод вилоят газетасида «Зина» номли мақола ёзди. Халқ меъморлари Ҳаққулов, Мирумар Асадов тўғрисида туркум мақолалар чоп эттирди. «Зина» ҳикояси ва кейинчалик шу номли қисса ана шу тарзда юзага келди.

А.Дилмурод тарихий асар яратишда буюк устозлари йўлини тутди. Персонажлар қиёфасини яратишда эса ўз услубига эга бўлди. Хусусан, унинг бу услуби «Паҳлавон Муҳаммад» романида яққол кўзга ташланади. Адиб тарихий шахслар маънавий дунёсини ўзига хос янги ташбеҳ ва нуқтаи назар орқали ёритиб берган. Шу сабабли роман жамоатчилик ва адабиётшунослар томонидан илиқ кутиб олинди.

Насрда Асаджоннинг изидан бораётган қўшработлик икки ёзувчи борким, иқтидорли ўқувчиларим сифатида улар ҳақида икки оғиз гап айтмоқ мен учун фахрлидир. Улар Ҳабиб Темир ва Уйғун Рўзиевдир. Ҳабиб «Хиёбондаги одам» қиссаси, Уйғун эса «Атиргул» романи билан талабалигидаёқ тилга тушишди. Ҳабибда турмуш номутаносибликларидан сабоқ чиқаришга уриниш, Уйғунда эса ҳаётга эҳтирос билан ёндашув кучли. Улар бошқалар учун янги бўлган мавзуларга қўл уришади. Кейинги йилларда Ҳабиб Темирнинг «Қўш узук», Уйғун Рўзиевнинг «Тиғлар исканжаси», «Оқ чўққи боласи» асарлари адабий жамоатчилик томонидан эътироф этилди.

Вилоят ҳокимлигининг адабиётга бераётган эътиборидан биз, фахрий ижодкорлар чексиз қувончдамиз. Шаҳардаги энг гўзал бино Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимига берилди. Ёш ижодкорларнинг тўпламларини чиқаришга ҳомийлик кўрсатилмоқда. Адибларга санаторийларда хордиқ чиқариши учун бепул йўланмалар берилмоқда.

Ўзбекистондай гўзал, жаннатмонанд юртда яшаш – саодат. Бу юртни севиш, уни мадҳ этиш эса энг катта саодатдир. Бундай саодатга кўз тегмасин!

## МУНДАРИЖА

Зойир МИРЗАЕВ. Таърифларга муносиб замин .....	5
Абдулла ОРИПОВ. Янги «Самарқанднома»лар яратадиган замон келди .....	9
Хосият БОБОМУРОДОВА .....	13
Азим СУЮН .....	19
Ўткир РАҲМАТ .....	25
Абдусайд КЎЧИМОВ .....	29
Хуршид ДАВРОН .....	33
Йўлдош ЭШБЕК .....	37
Ўктам МИРЗАЁР .....	41
Жамол СИРОЖИДДИН .....	45
Ҳамида КАРИМОВА .....	50
Фармон ТОШЕВ .....	52
Олкор ДАМИН .....	56
Жумагул СУВОНОВА .....	59
Абдурахим СОЛИЕВ .....	63
Исмат САНАЕВ .....	66
Исматулла ЙЎЛДОШЕВ .....	70
Зиёдулла НУРМАТОВ .....	73
Хуршид НУРУЛЛАЕВ .....	76
Ориф ҲОЖИ .....	80
Эркатош ШУКУРОВА .....	84
Вячеслав МИКРЮКОВ .....	86
Марди НУРИДДИНОВ .....	88
Файзи ҲАЙДАРОВ .....	91
Қубарро БАҲРОМОВА .....	94
Йўлдош СУЮНОВ .....	97
Нуриддин БОБОҚАНДОВ .....	99
Воҳид ЛУҚМОН .....	102
Ориф ТЎХТАШ .....	105
Нодир ЖОНУЗОҚ .....	108
Нормурод КАРИМЗОДА .....	113
Зиёдулла бахши ИСЛОМОВ .....	115
Абдумурод ИСМАТОВ .....	117
Раҳимжон НАИМ .....	119
Зайниддин БАҲРИДДИНОВ .....	122
Муродхон ЭРГАШЕВ .....	124
Эшқобил ВАЛИ .....	126
Муҳаббат ТЎХТАШЕВА .....	128

Асадуллох ШУКУРОВ .....	131
Ёрмухаммад РУСТАМОВ .....	133
Тошпўлат ТУГАЛОВ .....	136
Гулжаҳон МАРДОН қизи .....	139
Содиқжон ҚУДРАТ .....	142
Дилмурад ИСМАТОВ .....	144
Азамат ТОВБАЕВ .....	146
Шерқувват ПРИМОВ .....	148
Зухра ЭШОНҚУЛОВА .....	151
Гулшан ШЕРМАТОВА .....	153
Баҳодир РАҲМОНОВ .....	155
Дилором ДИЛХОҶ .....	157
Рустам ЖАББОРОВ .....	160
Дилноза РУСТАМОВА .....	162
Исомиддин ПЎЛАТОВ .....	164
Умид АЛИ .....	167
Аслиддин МУСТАФОЕВ .....	169
Зулхумор АШУРОВА .....	172
Нафиса ОМОН .....	175
Дилбар ДИЛЗОДА .....	177
Муҳаббат СОДИҚОВА .....	179
Зубайдулла ИБРАГИМОВ .....	181
Ўта МУҲАММАД .....	183
Ҳасан АЛМАТОВ .....	185
Қаҳрамон ЭШМУРОДОВ .....	187
Зарина РАҲМОНОВА .....	189
Шербек КАРИМБЕК .....	191
Дилафрўз ҚЎШОҚОВА .....	193
Ойгул СУҲОНДИҚОВА .....	195
ҲИШРАВИЙ .....	196
Ўғилой ЙЎЛДОШЕВА .....	197
НУРУЛЛОҶ .....	198
Машхура ҲАСАНОВА .....	200
Талантбек ПРИМОВ .....	201
Элдор ЗОҲИДОВ .....	203
Манзура ШАМСИЕВА .....	204
Баҳора НАФАСОВА .....	205
Турғун ҲАСАНОВ .....	206
Акрам ҲАЙДАРОВ .....	208
Сайдулла МИРЗАЕВ. Замини каби кўҳна ва навқирон.....	210

**Адабий-бадний нашр**  
**ЮРТНИ СЕВМОҚ САОДАТИ**

Бош муҳаррир:  
*Машарипбой САПАРОВ*  
Тех. муҳаррир:  
*Дадахон БАҲОДИРОВ*  
Мусаххихлар:  
*Сарвиноз УМУРОВА,*  
*Анвар МУСТАФОҚУЛОВ*

Дизайнер ва саҳифаловчи:  
*Акбарали МАМАСОЛИЕВ*

Суратлар муаллифи:  
*Тоҳир НОРҚУЛОВ, Исроил САТТОРОВ*

Теришга 10.08.11 да берилди. Босишга 20.08.11 да рухсат этилди.  
Бичими 60x84 <sup>1/16</sup>. Офсет босма қоғози. Times New Roman гарнитураси.  
Офсет босма усули. 12.75. шарт б.т. 10,0 ҳисоб-наш.таб. Адади 1000 нусха.  
Буюртма № 28/05  
Баҳоси келишилган нарҳда.

«ТАФАККУР ВО‘СТАНИ» нашриёти,  
100 190, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 9-даҳа, 13-уй

**ISBN 978-9943-362-45-1**

Китоб Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳомийлигида чоп этилди.

«КО‘НИ-NUR» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Машинасозлар мавзеси, 4